

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Малака ошириш институти

# АХБОРОТНОМАСИ

№ 4/2023

Тошкент – 2023

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ МАЛАКА ОШИРИШ  
ИНСТИТУТИ АХБОРОТНОМАСИ**

Илмий-амалий, маънавий-маърифий ва сиёсий-ҳуқуқий журнал

<b>Бош муҳаррир:</b> <b>Олимжон АХМЕДОВ</b>	<b>Муассис:</b> <i>Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти</i>
<b>Жамоатчилик Кенгаши таркиби:</b> Нуриддин НОРМАТОВ Баходир МАТЛЮБОВ Даврон НАЗАРМУҲАМЕДОВ Азизбек ИКРАМОВ Умидбек НУРУЛЛАЕВ	<b>2023 йил – ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ</b>  Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида, лотин, кирилл ёзувида чоп этилади. Мақолаларда келтирилган иқтибослар, далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг аниқлиги учун муаллиф жавобгардир. Журналдан кўчириб олинган манба кўрсатилиши керак.  *** <i>Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Ахборотномаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 20 майда №1630-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган.</i>
<b>Ҳайъат аъзолари:</b> Улуғбек РАСУЛЕВ Нуъмон АЗИЗОВ Фарход ХАТАМОВ Музаффар ТОЖИБОЕВ Рустам ТУЛЬТЕЕВ Меҳмонали СУВАНҚУЛОВ Эркин МАЪРУПОВ	
<b>Таҳририят:</b> <b>Масъул муҳаррир:</b> <b>Карим НОРМАТОВ</b> <b>Мусахҳих:</b> <b>Рўзибуви ҚУРБОНОВА</b> <b>Саҳифаловчи:</b> <b>Маъруф РАҲМОНОВ</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги “Малака ошириш институтининг Ахборотномаси” илмий-амалий журнали 2023 йил 15 июндаги ОАК Раёсатининг 339/6-сон қарорига асосан юридик ва тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари асосий илмий натижаларини чоп этиши тавсия этилган миллий илмий наирлар рўйхатида киритилганлигини маълум қилади.</b>

## БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

*Инсон қадри учун* – бу барпо этилаётган янги Ўзбекистон туб ислохотларининг ҳаракатлантирувчи кучига: “*Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одамийликнинг энг олий мезонидир*”, “*Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак*”, “*Халқимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун кўриши керак*”, – деган халқимизнинг ҳаётий талаб ва манфаатларини таъминлаш ҳамда одамларни рози қилишда муҳим инсон капиталига айланмоқда. Бундай ҳаётий, ҳуқуқий талаб, айниқса, чунончи тартиб-интизомни муҳофаза қилиш органлари ходимларига жуда ҳам тааллуқлидир.

Институтимиз жамоаси салмоқли етти йилликнинг сўнгги йилини таълим-тарбия фаолиятида яхши якунлади. Бу борадаги қадамлар мамлакатимизда Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Йил давомида бир нечта ходимларимиз ўз малакавий салоҳиятининг юксак жанговар шайлиги ҳамда юксак маънавий-ахлоқий ва руҳий жиҳатдан қайта тайёрлаб, ўз хизмат вазифаларини аъло даражада бажармоқдалар.

Хусусан, юртимизда 2023 йилга “*Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили*” деб ном берилишининг ўзиёқ бу йўлдаги қатъият ва шижоатимизни яна бир бор намоён этди. *Инсон қадри учун* тамойили асосида келгуси етти йиллик тараққиётимизни белгилаб берадиган “*Ўзбекистон – 2030*” стратегиясини амалга ошириш ишлари жадал равишда бошланди.

Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик саккизинчи йилдирки, ИИО раҳбарлари ва ходимларининг фаолият мезонига айланган. Тўғри, барча бирдек ушбу талабга тўлиқ тарзда амал қилаолмас, бироқ ўз ишига нисбатан мана шундай тартиб-интизомни белгилаган ходимларимиз юртда тинчлик ва осойишталикни барқарор сақлашга онт ичган ҳамда халқни рози қилиш учун ўз фаолиятларида юқори самарадорликка эришмоқдалар.

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Биз инсон кадр-қиммати ва манфаатларини таъминлаш бўйича бошлаган ислохотларимизни янги конституциявий маконда янада қатъий давом эттираемиз. Халқимизнинг хоҳиш-иродасига биноан **Асосий қонунимизда ўз аксини топган тамойилларни** тўлиқ рўёбга чиқаришимиз ва **ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айлантиришимиз** лозим.

Конституциямизда қатъий белгилаб қўйилганидек, инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиз бўлиб, унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларга қарши курашиш, ҳеч шубҳасиз, энг долзарб вазифаларимиздан биридир.

Парламент томонидан **Конституцияни ўқиб-ўрганиш бўйича Миллий фаолият** дастури қабул қилинди. Асосий қонунимизни ўрганишни болалар боғчасидан бошлаш, барча даражадаги таълим муассасалари, аҳолининг турли қатламлари, айниқса, давлат хизматчилари ушбу жараёнга тўлиқ жалб этилиши лозим.

Биз асосий қонунимизга таянган ҳолда, мана шундай ноёб Конституциямизнинг **асосий ижодкори бўлган кўп миллатли, бағрикенг ва олижаноб халқимиз** билан бирга улкан мақсадларимизга албатта етамиз!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
**(Хуррият. 2023 йил 8 декабрь.)**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ

**«ЎЗБЕКИСТОН – 2030»  
СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА**

*Фармонда «Ўзбекистон – 2030» стратегиясидаги асосий ғоялар акс эттирилганлиги инобатга олинсин:*

*барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш;*

*аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш;*

*аҳоли учун қулай экологик шароитларни яратиш;*

*халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлатни барпо этиш;*

*мамлакатнинг суверенитети ва хавфсизлигини кафолатли таъминлаш назарда тутилади.*

УКАЗ  
ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**О СТРАТЕГИИ  
«УЗБЕКИСТАН – 2030»**

*Из указа принять во внимание, что Стратегия «Узбекистан – 2030» отображает следующие **основные идеи:***

*вхождение в число **государств с доходом выше среднего** путем устойчивого экономического развития;*

*создание системы **образования, медицины и социальной защиты, полностью соответствующей потребностям народа и международным стандартам;***

*создание **благоприятных экологических условий** для населения;  
построение служащего народу **справедливого и современного** государства;*

*гарантированное обеспечение **суверенитета и безопасности страны.***

*Долзарб мавзулар*

**Шариф ҚОБИЛОВ,**  
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси профессори,*  
*полковник*  
**Ҳабибулло АХМЕДОВ,**  
*Тошкент молия институти «Иқтисодиёт» кафедраси доценти*

## **АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ ВА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ СТРАТЕГИЯСИ**

**Ўзбекистонда давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида халқимиз ҳаёти ва оиласи қўйнида тинч яшаши, осойишталиги ва фаровонлигини таъминлаш оғир ва мураккаб кечган. Айниқса мустақиллигимиз арафасида босиб ўтган йўлимиздан ҳатто бугунги 50-55 ёшдаги ватандошларимиз батафсил маълумотга эга эмас.**

Камситмаган ҳолда таъкидлашни истардимки, биз жонажон Ватанимиз ва аجدодларимиз тарихини яхши ўзлаштира олмадик. Сабаби кўхна эл-юртимиз устидан 135 йил ҳукм юргизиб келган мустамлакачилар бунга йўл беришмади. Бизни 1917 йилдан 1991 йилга қадар беармон талаган ва таҳқирлаб келган “қизил империя” таназзулга учради.

Шу ўринда Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йилнинг ноябрь ойида Жиззах вилоятининг Арнасой туманида вилоят сайловчилари вакиллари билан бўлган учрашувда сўзлаган нутқига мурожаат қилишни лозим топдик: *“Агар ҳар бир халқ, ҳар бир давлат мустақил бўлмаса, бошқалар унинг нафақат деҳқонини, ҳаттоки шоиру олимни ҳам, давлат арбобини ҳам истаганча таҳқирлаши, инсоний шаънини тупроққа қориши мумкин экан. Биз яқин тарихимизда кечган ана шундай аянчли воқеалар мисолида мустақиллигимизнинг аҳамияти ва моҳиятини, қадр-қимматини янада теран англаб етишимиз, уни ҳар қандай ёвуз кучлардан ҳимоя қилишга доим тайёр туришимиз шарт. Шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йилнинг 17 август куни “Янги Ўзбекистон” газетасига берган тарихий интервьюсида: “Ҳолбуки, собиқ мустабид тузум даврида “тепа”дан буйруқ бўлмаса, бир қадам босишга ҳам ҳаққимиз йўқ эди.*

*Аҳвол шу даражага етиб борган эдики, уйимизнинг томигача пахта экдик, лекин косамиз оқармади. Мактаб болаларини ҳам пахтага ҳайдадик. Севимли шоиримиз Абдулла Орипов ўз даврида чуқур дард ва изтироб билан “Миллион эгатларга сочилган ўзбек”, деб ёзганидек, шунча йил эгилиб пахта тердик”.*

Саккизинчи йилдирки, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий стратегиясининг бош мақсади **“Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!”** деган ягона мақсад атрофида бирлашиб, **“Янги Ўзбекистонни мард ва олижаноб халқимиз билан биргаликда барпо этамиз”**, деган улуғвор ният, масъулият ва жавобгарликни чуқур ҳис этган ҳолда, **«Халқ манфаатларига хизмат қилиш»**ни ўз хизмат бурчимиз деб билиб, фарзандларимиз, келгуси авлодлар учун гуллаб-яшнаган, озод ва обод мамлакатни мерос қилиб қолдиришни ҳаётий эҳтиёжга айлантириш ҳамда **Янги Ўзбекистонни** янада мустақкамлашни англаб яшаш ва ҳалол меҳнат қилишга қаратдик.

Бугун мамлакатимиз дунё иқтисодиёти ва сиёсатида муносиб ўрин эгаллаш учун ялпи эркинлаштириш (либераллаштириш) йўлидан бормоқда. Ижтимоий тараққиёт шакли сифатида эркинлаштириш ўзининг бир қатор муҳим таркибий қисмлари бўлишини талаб этади. Эркинлаштириш мамлакат тараққиётининг сифат жиҳатдан янги босқичдир. Мамлакатимизнинг муайян шароитларидан келиб чиқиб, бундай таркибий қисмлар сирасига сиёсий, иқтисодий ҳамда давлат ва жамият қурилиши соҳаларини эркинлаштириш киритилган. Бунда жамиятни эркинлаштиришнинг фақат стратегик устувор йўналишлари назарий жиҳатдан белгиланиб қолмасдан, балки унинг хусусий мулкни ривожлантириш ва шу асосда мулкдорлар синфини, реал рақобатчилик муҳитини шакллантириш каби асосий таркибий қисмлари ҳам белгилаб берилган.

Айни пайтда бозор инфратузилмасини ривожлантириш, молия ва банк тизимининг фаолият кўрсатишини такомиллаштириш, бутун ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил қилиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш, валюта бозорини эркинлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича рағбатлантиришларни мустақкамлаш, кафолатлар ва имтиёзлар доирасини кенгайтириш, фаол инвестиция фаолияти учун қулай муҳитни шакллантириш, ҳар хил текширувчи ва назорат қилувчи органларнинг корхоналарнинг хўжалик фаолиятларига асоссиз аралашувларини чеклаш,



банкротлик институтининг ролини ошириш, иқтисодий судлар фаолиятини фаоллаштириш ҳам назарда тутилган. Иқтисодий ислохотларнинг воқеликлари ва эркинлаштиришнинг янги вазифаларидан келиб чиқиб, экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалик тизимига фаол киришини таъминлаш билан боғлиқ вазифалар айнан Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган бўлиб, бугунги мураккаб даврда, гарчанд ҳозир ҳам жаҳон молиявий иқтисодий maidонидаги ноаниқликлар давом этаётганига қарамай, Ўзбекистонда унинг енгил кечиши учун асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Юқоридаги омилларнинг барчаси Иқтисодий суверенитетимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ваҳоланки, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 14-моддасида: *“давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади,<sup>1</sup>* – деган мазмунда баён этилиб, барқарор ривожланишни таъминлаш давлат фаолиятининг асосий вазифаси сифатида белгиланди.

Мақоламизда илмий-назарий қарашларимизни асослашда мантиқий мушоҳада, илмий абстракция, иқтисодий воқеликларни таҳлил қилиш, тарихийлик, иқтисодий тафаккур усулларидан фойдаландик. Таҳлил этилганда позитив ва норматив усулларни қўлладик. Амалдаги қонунлардан фойдаландик. Таҳлилнинг индуктив ва дедуктив усулларини ҳам ишлатдик. Қайд этиш лозимки, мақоламизда иқтисодий суверенитетнинг илмий ва амалий жиҳатлари тақдим этилиб, унинг ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти ёритилганлиги билиш функциясини ифодалайди.

Маълумки, мустақилликнинг икки жиҳати бир-бири билан узвий боғланган. Сиёсий мустақиллик иқтисодий мустақиллик учун шароит ҳозирлайди, иқтисодий мустақиллик ўз навбатида сиёсий хурриятнинг моддий негизи бўлиб хизмат қилади. Шиддат билан ўзгараётган дунёдаги мавжуд хавф-хатарларга жиддий разм соладиган бўлсак, мустамлакачилик сиёсати, бировларни қарам қилиш сиёсати янги асрда йўқолмаганини, балки ўзининг шаклу шамойилини ўзгартирганини тушуниб етамиз.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: “Ozbekiston”, 2023. – Б. 7.

Гарчи бутун дунё мамлакатлари ўртасидаги тенг ҳуқуқлилиқ жаҳон ҳамжамияти тараққиётининг табиий ва зарурий шарти ҳисобланса-да, айрим мулоҳазалар ҳамда хатти-ҳаракатларда ҳамон империяча фикрлаш таъсирини, давлатлар суверенитетига хавф солиш истагини илғаш қийин эмас. Бугунги воқелиқ давлатларнинг суверенитетини чеклаш, мамлакатлар мустақиллигини хавф остига қўйишга қаратилган уринишлар кучайиб бораётганидан гувоҳлиқ бермоқда. Шу боис, ҳатто давлатлар суверенитети тобора омонат бўлиб бормоқда, деган фикр тарафдорлари кўпаймоқда.

Глобаллашув жараёнларини таҳлил қилган олимлар бу жараёнларда давлатнинг ролини турлича баҳолайдилар. Айрим назарияларда глобаллашув жараёнида давлатнинг роли тобора пасайиб бориши уқтирилса, бошқаларида давлатнинг роли ўзгармайди, деб таъкидланади. Яна бир гуруҳ олимлар эса глобаллашув шароитида давлат билан давлатлараро ташкилотлар ўртасида сиёсий ҳокимият қайта тақсимланиб, давлат уларга ўз суверенитетининг бир қисмини беради, деган фаразларни илгари сурмоқдалар. Бироқ бир ҳовуч ривожланган давлатлардан бўлак мамлакатларнинг суверенитети тобора сусайиб бораётгани тўғрисида хулосалар чиқариш учун жиддий асос бор эканини тан олиш лозим. Афсуски, давлатлараро муносабатларда сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукмронлиққа интилаётган кучлар собиқ СССР парчаланиб кетганидан кейин пайдо бўлган янги мустақил давлатларни нишонга олаётгани ҳам сир эмас.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида: **“Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат”**<sup>2</sup>, деб белгилаб қўйилган. Бу давлат миқёсида олий ҳокимиятга эгаликни, ташқи ва ички сиёсатни олиб боришдаги тўла мустақилликни англатади. Айнан суверенитет муайян давлат мустақиллигининг бирламчи шарти ва белгисидир. Суверенитет давлатнинг бошқа давлатларга тобе қарам бўлмай яшашини, ўзга кучлар томонидан бошқарилмай, бировларнинг иродасига бўйсунмай, мустақил ҳаёт кечиришни англатади. Демак, иқтисодий стратегия иқтисодий суверенитетни мустаҳкамлаш мақсадини кўзлайди. Иқтисодий суверенитетнинг ўз мезонлари бор. Булардан энг муҳими: моддий, маданий ва табиий бойлиқларни миллий мулкка

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: “Ozbekiston”, 2023. – Б. 26-27.

айлантириш; миллий манфаатга мос келувчи ишлаб чиқариш структурасига эга бўлиш; ўз миллий валютаси, хазинаси, конвертирланган валюта захираси, кредит-банк тизимига таяниш; жаҳон бозорига эркин чиқа билиш; ўз ихтиёри билан қарз олиш ва қарз бериш; валюта-кредит операцияларини мустақил бажариш; миллий даромадни ўз хоҳишига кўра тақсимлаш ва ишлатиш; ўз маҳсулотига нарх қўйиш назарда тутилади.

Мулк (арабча «мулк» – шахсий бойлик, мол) – ихтиёрдаги, қўлдаги бор мол-дунё, ер-сув, иморат ва бошқа бойликлар<sup>3</sup>. Мамлакатимизда барпо этилаётган янги жамиятнинг инсоний негизини кўп мулкчиликка таянган ижтимоий йўналтирилган, ички мувозанатга эришган моддий иқтисодий муносабатлар ташкил этади. Иқтисодиёт хўжалик юритиш тизими сифатида инсонларнинг яшаши учун зарур бўлган неъматлар билан таъминлайди. Совет жамияти Конституциясига биноан, ишлаб чиқариш воситалари, жамики моддий бойликлар давлат мулки ҳисобланарди. Фуқароларнинг хусусий мулкка эга бўлиши, бойлик орттириши қатъиян ман қилинган эди.

Ўзбекистон мустабид тузум даврида бўлган йиллар тажрибаси шуни кўрсатадики, мулкни ҳаддан ташқари марказлаштириш ва жамиятнинг барча муаммоларини давлат зиммасига юклаш ҳамда давлатнинг нималарга қодирлигини четдан туриб кузатиш, охир-оқибат, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий инқирозга олиб келди.

Ўтмишда социалистик мулкни ривожлантириш истиқболлари асосан ва деярли давлат мулки салмоғининг ўсиб бориши билан боғлиқ қилиб қўйилган эди. Иқтисодий жараёнлар қанчалик тўла давлатлаштирилган бўлса, шунчалик муваффақиятли ҳисобланар эди. Бунда фақат ишлаб чиқариш эмас, балки амалда бутун хизматлар соҳаси назарда тутилар эди. Бундай йўл тутиш иқтисодиёт асосларини мустаҳкамлашга анчагина зиён келтирганлиги маълум. Иқтисодий фаолиятнинг барча турларини давлатлаштириш назарияси ва тажрибаси ўзини батамом беобрў қилиб қўйди.

Ижтимоий ҳаётнинг бирламчи негизини ташкил этадиган «иқтисодиёт ва унинг ҳуқуқий негизи бир неча ўн йиллар мобайнида ҳаддан ташқари мафкуралаштирилган, халқаро меъёрлар ва қоидаларнинг талабларини инкор этар эди. Ҳатто ҳуқуқий жиҳатдан биз социалистик лагерь

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т., 2006. – Б. 633.

доирасига ўралашиб қолган эдик ва амалда жаҳон ҳамжамиятига эркин чиқа олмас, халқаро ҳуқуқнинг ҳамма қатори тенг субъекти бўла олмас эдик.

Кўп мулкчиликка асосланган бозор иқтисодиётини жорий қилиш орқали юртимизда яшайдиган барча инсонлар учун миллати, тили ва динидан қатъи назар, муносиб ҳаёт шароитини яратиб бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги каби кафолатланган турмуш даражаси ва эркинликларини таъминлаш – Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини ифодалайди. Шунингдек, биз ривожлантираётган фуқаролик жамиятининг инсоний негизини ҳам хилма-хил мулкчиликка таянган, ижтимоий мўлжали кучли, ички мувозанатга эришган моддий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда “Фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини турли шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратади, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмас”<sup>4</sup>. **(65-модда)**. Мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади<sup>5</sup> **(66-модда)** каби қоидалар мулкдорнинг ўз мулкидан фойдаланишдаги эркинлиги барқарор, самарали иқтисодиётга, эркин тадбиркорлик фаолиятига ҳуқуқий асос бўлади ҳамда мулк шаклларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга олади.

Юқоридагиларга асосланиб қайд этиш мумкинки, Асосий қонунимиздаги ушбу нормалар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, *биринчидан*, давлат иқтисодий сиёсатининг асосий тамойилларини белгилайди, *иккинчидан*, иқтисодий сиёсатимизнинг мазмун-моҳияти, асосий йўналишларини Конституция даражасида эътироф этади, *учинчидан*,

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: “Ozbekiston”, 2023. –Б. 26.

<sup>5</sup>Ўша асар. Ўша бетда.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётини бозор муносабатларига асосланганлигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Суверенитетнинг мазкур талабларини юзага чиқариш учун Янги Ўзбекистон стратегиясида янги иқтисодий дунёқараш, янгича иқтисодий муносабатлар ўз аксини топмоқда. Янги Ўзбекистон стратегияси янги иқтисодий дунёқараш, янгича иқтисодий муносабатлар эркин ва фаровон жамият қуриш ва миллий хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади.

Ушбу стратегияни амалга оширишда ҳар қайси шахс, инсон, ҳар бир оиланинг тинч ва фаровон ҳаёт ҳақидаги эзгу ният ва хоҳиш-истакларини рўёбга чиқариш, аҳоли турмуш даражасининг барқарор ўсиб боришини таъминлаш эътиборимиз марказида бўлади.<sup>6</sup>

Ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам маънавий жиҳатдан асосланиб айтиш мумкинки, фақат хусусий мулк эгаси ёки шундай мулкка эга бўлиш учун барча имконияти бор одамгина меҳнатни севади. **Ҳеч нима – на хусусий уй, на ўзига муносиб даромад керак бўлмаган одам эса ижтимоий жиҳатдан хийла хавфли бўлади.** Буни ижтимоий ҳаёт исботлаган.

Дарҳақиқат, мулк эгаси ўз мулкига таяниб, мустақил иш юритади, у ҳеч кимга қарам эмас. Эркинликнинг биринчи шарти ҳам мулк эгаси бўлишдир. Хусусий мулк инсонни омилкорликка ундайди. Чинакам демократияни таъминлашнинг моддий ва иқтисодий асосини таъминлайди. Иқтисодий ўсишнинг кўпгина яшириниб ётган омилларини ишга солиш имконини беради. Пировард натижада ишлаб чиқаришнинг нафақат модернизация ва диверсификация қилишга, балки уни ривожлантиришга ва демак, фуқаролик жамияти афзалликларини рўёбга чиқаришга кўмаклашади.

Хусусий мулк, шахсий мулк одамларда қизиқиш, рағбат уйғотади. Мулкка эгалик туйғуси меҳнат унумдорлигини юз марта, минг марта оширади. Мулкдорнинг кайфияти ҳам бошқача бўлади. Интилиши, иш юритиши, ўз фаолиятига, умуман ҳаётга муносабати бошқача бўлади. Уларнинг тепасида туриб назорат қилишнинг ҳожати қолмайди. Уларни бирор нарсага мажбурлаш, тазйиқ ўтказиш шарт эмас. Мулк эгаси ўз ишини яхшилашга, мулкига мулк қўшишга ҳаракат қилади.

<sup>6</sup> Мирзиёев Ш. М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т., 2021. – Б.126.

**Бугун “Янги Ўзбекистон” деган ибора халқаро майдонда нафақат янги тушунча, балки реал ижтимоий ҳодиса сифатида қабул қилинмоқда.**

Айнан 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси (2017 йил 7 февраль, ПФ-4947) ва 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида (2022 йил 28 январь, ПФ-60)<sup>7</sup> ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида<sup>8</sup> (2023 йил 11 сентябрь, ПФ-158) **Янги Ўзбекистонни реал ижтимоий ҳодиса сифатида воқеликка айлантirmoқда.**

Ўтган даврда ишлаб чиқилган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт моделлари динамик характер касб этиб, мавжуд тараққиёт дастурларига коррективролкалар киритди. Сабаби, **Янги Ўзбекистонни дунёнинг тараққий топган, ижтимоий-иқтисодий барқарор ўсаётган ва инсон капитали юқори бўлган демократик давлатлари қаторига киришини таъминлаш – барқарор ривожланиш стратегиямизнинг мазмун ва моҳиятини ташкил этади.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев: **“Бугун ишонч билан айта оламизки, Ўзбекистон учун глобал инқирознинг оғир дамлари ортда қолмоқда”<sup>9</sup>**, деганларида қуйидаги асосларга таянган эди:

**Бугун юртимизда тарихан қисқа фурсатда бутунлай янгича сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий ва маданий муҳит пайдо бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.**

2017-2022 йилларда мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш таъминланиб, ялпи ички маҳсулот 2022 йилда 80 миллиард долларга етди.<sup>10</sup>

Мамлакатимиз тараққиёти кейинги босқичининг вазифаларини белгилаб бериш мақсадида Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида ва халқимиз иштирокида 2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилди. Тараққиёт стратегиясининг пировард мақсади 2026 йилга аҳоли жон бошига ЯИМни

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. [www.uza.uz](http://www.uza.uz).

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон –2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони. [www.uza.uz](http://www.uza.uz).

<sup>9</sup> Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. – Халқ сўзи. – 2022 йил 21 декабрь.

<sup>10</sup> Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. – Халқ сўзи. – 2022 йил 21 декабрь.

1750 доллардан 2800 долларга етказиш, 2030 йилга эса бу кўрсаткични 4000 АҚШ долларидан ошириш ва Ўзбекистонни даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига киритиш, яъни аҳоли турмуш фаровонлигини кескин ошириш ҳисобланади. Президент таъкиди: *“Биз миллий иқтисодиётимизда ҳақиқий бозор муносабатларини жорий этиш, шу асосда мамлакатимизни тараққий эттириш учун тадбиркорларга бундан буён ҳам барча шароитларни яратиб берамиз. Нега деганда, тадбиркор – иқтисодиётнинг, ислохотларимизнинг асосий таянчи ва локомотивидир. Мана шу ҳақиқатни ҳеч ким унутмаслиги керак”*.<sup>11</sup>

**Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий устуворлик ғоясида** мулк ва мулкдорлар масаласини ечишда умумэътироф этилган тамойиллар билан бирга, ўзимизга хос миллий хусусият ва ҳаёт тарзи инobatга олинган. Айнан шундай ёндашув ва олиб бораётган сиёсатимиз бугунги мураккаб шароитларда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни сақлашда, иқтисодиётимизнинг ишончли пойдевори ва тез суръатлар билан ўсишини таъминлашда мустаҳкам омил бўлмоқда.

Янги Ўзбекистон ривожини, аҳоли фаровонлигини таъминлашда ҳал қилувчи ўрин эгаллайдиган тадбиркор ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга катта эътибор қаратиляпти. Шу боис, хусусий мулк устуворлиги Ўзбекистон қонунчилигида асосий тамойил сифатида белгиланиши, давлат идораси маълумотига ишониб, мол-мулк сотиб олган шахснинг ҳуқуқи бузилмаслиги кафолатланганлиги ва бу қонунлар янада такомиллашиб бориши амалий босқичга чиқди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 65-моддасига яна мурожаат этамиз. Унга кўра: **“...Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жихатдан ҳимоя қилиниши таъминланади.**

2018 йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари учун божхона кўригида хавф-хатардан огоҳ этиш тизими, яъни тадбиркорлар қанчалик ҳалол эканига қараб, уларни “яшил” ва “қизил” йўлақлар орқали ўтказиш жорий этилди. Божхона тартиб-таомиллари соддалаштирилмоқда.

Коррупцияни олдини олишнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунида

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари (интервьюси). – Янги Ўзбекистон, 2021 йил 17 август.

ўз ифодасини топган. Қабул қилинган **“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”**ги<sup>12</sup> қонуннинг 20-моддаси “Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар” деб номланади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш, ишчанлик муҳитини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шароитлар яратиш, маъмурий тўсиқларни бартараф этиш ҳамда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, давлат харидлари механизмларини такомиллаштириш, давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлашга доир бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ишбилармонлик ахлоқини ривожлантириш ва такомиллаштириш коррупцияга қарши курашиш дастурнинг бир қисмига айланиши керак. Бундай амалиётни жараёнга бизнес-ҳамжамиятни фаол жалб этган ҳолда давом эттириш лозим. Миллий компаниялар, кичик ва ўрта бизнесда норматив талабларга риоя қилиш амалиёти етарлича ривожланмаганлигича қолмоқда, коррупцияга қарши курашиш воситалари трансмиллий компаниялар, хорижий акциядорлик компаниялари ёки йирик давлат корхоналари томонидан жорий қилинмоқда. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш воситаларини жорий қилишга тайёр бўлган бизнесни рағбатлантириш услубларини ишлаб чиқиши лозим. Янги ташкил қилинган бизнес-омбудсман органини янада ривожлантириш зарур, чунки бу ташкилот тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмига айланиши мумкин. Шунингдек, ҳалол бизнесни таъминлашда бизнес-уюшмаларининг роли қўллаб-қувватланиши керак.

Маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, рўйхатга олиш, рухсат этиш ва лицензияга доир тартиб-таомилларни соддалаштириш ҳамда уларнинг тезкорлигини ошириш борасида сўнгги йилларда сезиларли ишлар амалга оширилди.

Бугун иқтисодиётдаги монополия ҳам коррупцияни озиқлантираётганлиги сир эмас. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида: **“Коррупцияга қарши курашиш борасида алоҳида қонунлар қабул қилиниб, ҳуқуқий асослар яратилди. Энди амалий**

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сон “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни // Lex.uz. [Электрон ресурс]. URL: <https://lex.uz/docs/3088013> (мурожаат қилинган сана: 10.06.2023).



ишларни кучайтириш керак. Сунъий монополияга, ёпиқ схемаларга, умуман коррупцияга имкон яратадиган барча бўшлиқларга барҳам берилади”<sup>13</sup>, деган қатъий фикрни билдирди.

**Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий стратегияси 2030 йилга қадар глобал инновацион индекс рейтингида дунёнинг 50 та етакчи давлати қаторига кириш ва бу улкан мақсадга эришишда инсон капиталини ривожлантиришни назарда тутди.**

Шу боис ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев коррупциянинг миллий тараққиётга жиддий тўсиқ эканлигини инобатга олиб: **“Янги Ўзбекистон стратегияси коррупциядан холи мамлакат барпо этишни назарда тутди. Ушбу мақсад бугун бутун жамиятимизни жипслаштирувчи омилга айланмоқда”**,<sup>14</sup> деб таъкидлаган эдилар. Демак, биз ўзимиз истаган, ўзгарган Ўзбекистонда яшашимиз учун ўзимиз тезроқ ўзгаришимиз шарт.

## РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада Ўзбекистон иқтисодий суверенитетининг илмий ва амалий жиҳатлари тақдим этилиб, унинг ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти ёритилган.

\*\*\*

В данной статье представлены теоретические и практические аспекты экономического суверенитета Узбекистана и ее социально-экономические значимости.

\*\*\*

This article presents the theoretical and practical aspects of economic sovereignty and its socio-economic significance.

---

<sup>13</sup> Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. – Халқ сўзи. –2022 йил 21 декабрь.

<sup>14</sup> *Мирзиёев Ш. М.* Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т., 2021. – 427-б.

## 2024 ЙИЛДА ҚЎШИМЧА ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Йил давомида асқатадиган муҳим маълумот: “2024 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”ги Президент Фармони (ПФ–213-сон, 22.12.2023 й.) қабул қилинди.

Фармонга кўра, 2024 йилда қуйидаги қўшимча дам олиш кунлари белгиланди: Барча ходимлар учун (иш ҳафтасининг туридан қатъи назар):

*22 март – жума; 11 апрель – пайшанба; 18 июнь – сешанба; 3 сентябрь – сешанба; 31 декабрь – сешанба;*

**6 кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар учун:**

*2 январь – сешанба; 23 март – шанба; 12 апрель – жума; 31 август – шанба; 30 декабрь – душанба;*

**5 кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар учун дам олиш кунлари қуйидаги тартибда кўчирилади:**

*6 январь – шанба кунидан 2 январь – сешанба кунига;  
13 апрель – шанба кунидан 12 апрель – жума кунига; 14 декабрь – шанба кунидан 30 декабрь – душанба кунига.*

**Murodxon TURAYEV,**  
*Malaka oshirish instituti sikl boshlig'i*

## **O‘ZBEKISTONDA INSON HUQUQLARINI TA’MINLASHDA XALQARO STANDARTLAR**

Bugungi murakkab sharoitlarda, miqyosiga ko‘ra misli ko‘rilmagan qurolli ziddiyatlar hamda xalqaro darajada tinchlik va barqarorlikka oshib borayotgan tahdid sahnida tinchlik va xavfsizlikni, barqarorlikni, inson huquqlarini himoya qilish va tizimli taraqqiyotni ta‘minlash yo‘lida a‘zo davlatlarning sa‘y-harakatlarini birlashtirishni maqsad qilgan universal xalqaro tuzilma sifatida BMTning roli va mas‘uliyati ortib bormoqda. 75 yildan ko‘proq vaqt oldin tashkil etilgan Birlashgan Millatlar Tashkiloti hozirgi vaqtda 193 davlatni birlashtirgan. Katta va kichik, boy va kambag‘al davlatlar, turli siyosiy qarash va tuzilmaga ega mamlakatlar BMT a‘zolari bo‘lishi mumkin, ularning barchasi ovoz berish va bu jarayonda ishtirok etish huquqiga ega.

O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining Muqaddimasida O‘zbekistonning yagona xalqi, inson huquq va erkinliklariga, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga, davlat suvereniteti prinsiplariga sodiqligimizni tantanali ravishda e‘lon qilib, demokratiya, erkinlik va tenglik, ijtimoiy adolat va birdamlik g‘oyalariga sadoqatimizni namoyon qilib, inson, uning hayoti, erkinligi, sha‘ni va qadr-qimmatini oliy qadriyat hisoblanadigan insonparvar demokratik davlatni, ochiq va adolatli jamiyatni barpo etish borasida hozirgi va kelajak avlodlar oldidagi yuksak mas‘uliyatimizni anglagan holda, davlatchiligimiz rivojining uch ming yildan ziyod tarixiy tajribasiga, shuningdek, jahon sivilizatsiyasiga beqiyos hissa qo‘shgan buyuk ajdodlarimizning ilmiy, madaniy va ma‘naviy merosiga tayanib, mamlakatimizning bebaho tabiiy boyliklarini ko‘paytirishga hamda hozirgi va kelajak avlodlar uchun asrab-avaylash hamda atrof-muhit musaffoligini saqlashga astoydil ahd qilib, xalqaro huquqning umume‘tirof etilgan prinsip va normalariga asoslangan holda O‘zbekistonning jahon hamjamiyati, eng avvalo, qo‘shni davlatlar bilan do‘stona munosabatlarini hamkorlik, o‘zaro qo‘llab-quvvatlash, tinchlik va totuvlik asosida mustahkamlash hamda rivojlantirishga intilib, fuqarolarning munosib hayot kechirishini, millatlararo va konfessiyalararo totuvlikni, ko‘p millatli jonajon mamlakatimizning

farovonligini va gullab-yashnashini ta'minlashni maqsad qilgan holda ushbu Konstitutsiyani qabul qilinganligi aytib o'tilgan.

Hozirgi dunyoda inson huquqlari yetakchi o'rinni egallashi umume'tirof etilgan dalildir. O'zbekiston o'z tashqi siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biri sifatida belgilagan dunyoning asosiy xalqaro tashkiloti bilan hamkorlikka katta ahamiyat qaratadi. Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi O'zbekiston Respublikasi davlat mustaqilligini e'lon qilganidan keyin a'zo bo'lgan birinchi xalqaro hujjat hisoblanadi. Bu esa davlatimiz o'z siyosatida inson huquqlari g'oyalari va qadriyatlariga sodiq ekanini anglatadi. Deklaratsiya majburiy xarakterga ega bo'lmagan hujjat sanalsa-da, u BMTga a'zo mamlakatlar o'z konstitutsiyalarini ishlab chiqishda teng bo'lishni boshlagan standartlarga aylandi. Deklaratsiya keyinchalik O'zbekiston Respublikasi tomonidan inson huquqlari bo'yicha 80 dan ortiq hujjat imzolanishiga asos bo'ldi<sup>15</sup>.

Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi Inson huquqlari to'g'risidagi xalqaro Billning asosiy tarkibiy qismlaridan biridir. "Iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlar to'g'risida"gi xalqaro fakt hamda "Fuqarolik va siyosiy huquqlar to'g'risida"gi xalqaro fakt va uning ikkita Fakultativ protokoli Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi bilan birgalikda Inson huquqlari to'g'risidagi xalqaro Billni tashkil etadi. Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi qabul qilingan va e'lon qilingan 1948-yildan 1976-yilgacha, ya'ni Inson huquqlari bo'yicha xalqaro paktlar kuchga kirgunga qadar, deklaratsiya "Inson huquqlari to'g'risida"gi xalqaro Billning to'liq to'ldirilgan yagona qismi bo'lgan. Deklaratsiya ham, keyinchalik faktlar ham dunyoning barcha hududlaridagi odamlar hamda ularning hukumatlari ongi va harakatlariga chuqur ta'sir ko'rsatdi. Davlatimiz BMT Ustavi, Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi va boshqa asosiy xalqaro shartnomalardagi maqsad va prinsiplarga sodiq bo'lib, o'z zimmasiga olgan majburiyatlarni og'ishmay bajarib kelmoqda.

O'zbekistonning keyingi yillardagi sa'y-harakatlarining xalqaro e'tirofi BMT Bosh Assambleyasida quyidagi rezolyutsiyalarning qabul qilinishida yaqqol namoyon bo'ldi: "*Markaziy Osiyoda tinchlik, barqarorlik va barqaror taraqqiyotni ta'minlash bo'yicha mintaqaviy va xalqaro hamkorlikni mustahkamlash*"; "*Ma'rifat va diniy bag'rikenglik*"; "*Barqaror turizm va Markaziy Osiyoda barqaror taraqqiyot*"; "*Orolbo'yi mintaqasini ekologik innovatsiyalar va texnologiyalar zonasi deb e'lon qilish*". Shu bilan birga, BMT

<sup>15</sup> Saidov A. X. Inson huquqlari bo'yicha xalqaro huquq: Darslik. – Toshkent, 2006.

shafeligida xalqaro anjumanlar tashkillashtirildi. Xususan, 2017-yilning noyabrida Samarqandda “Markaziy Osiyo: bir o‘tmish va umumiy kelajak, barqaror taraqqiyot va o‘zaro farovonlik yo‘lida hamkorlik” konferensiyasi, 2018-yilning mart oyida Toshkentda “Tinchlik jarayoni, xavfsizlik sohasida hamkorlik va mintaqaviy sheriklik” mavzusida, 2021-yilda Xivada “Markaziy Osiyo jahon sivilizatsiyalari chorrahasida” xalqaro forumlari o‘tkazildi. O‘zbekistonda inson huquqlari himoyasi BMT bilan hamkorlikning ustuvor yo‘nalishlaridan biri sifatida ko‘riladi. Bugun mamlakatimizda demokratiyaning zamonaviy va inson huquqlari mezonlariga javob beradigan barqaror siyosiy tizimi barpo etilgan, qonun chiqaruvchi, ijro etuvchi organlari va barcha darajadagi sud hokimiyati faol ishlamoqda. Eng muhimi, jamiyatda Konstitutsiyaga va mamlakat qonunlariga hurmat qaror topmoqda. “Inson sha’ni va qadr-qimmatini yo‘lida” ustuvor prinsipi hayotda o‘z tasdig‘ini topmoqda. “Albatta, inson qadri biz uchun qandaydir mavhum, balandparvoz tushuncha emas. Inson qadri deganda, biz, avvalo, har bir fuqaroning tinch va xavfsiz hayot kechirishini, uning fundamental huquq va erkinliklarini ta’minlashni nazarda tutamiz. Inson qadri deganda, biz har bir fuqaro uchun munosib turmush sharoiti va zamonaviy infratuzilma tashkil etishni, malakali tibbiy xizmat ko‘rsatish, sifatli ta’lim, ijtimoiy himoya tizimi, sog‘lom ekologik muhit yaratib berishni tushunamiz”, deya ta’kidlaydi O‘zbekiston rahbari.

Mamlakatimizda Ombudsman instituti 1995-yil 23-fevralida MDH davlatlari orasida birinchilardan bo‘lib joriy etilgan edi. Parlament Ombudsmani, Bolalar Ombudsmani, Biznes-Ombudsman va Inson huquqlari bo‘yicha Milliy markaz ushbu tizimga kiradi. Majburiy va bolalar mehnatini bartaraf etish sohasidagi ishlar holati tubdan o‘zgardi. Qiynoqlarning oldini olish milliy preventiv mexanizmini takomillashtirish bo‘yicha qonunchilik hujjatlari qabul qilindi. O‘tgan davr mobaynida Ombudsman jamiyat hayotida o‘z o‘rnini topdi. Xalqaro Ombudsman instituti, Yevropa Ombudsman instituti, Osiyo Ombudsmanlar Assotsiatsiyasi, Turkiy tilli davlatlar inson huquqlari bo‘yicha milliy institutlari va ombudsmanlari Assotsiatsiyasi hamda Yevrosiy Ombudsmanlari Alyansi kabi xalqaro birlashmalarning to‘laqonli a‘zosiga aylandi. Bir qancha xorijiy mamlakatlarning inson huquqlari bo‘yicha milliy institutlari bilan o‘zaro hamkorlik to‘g‘risida 20 dan ortiq memorandum imzolandi. Tashkilotimizning 28 yilligiga bag‘ishlangan mazkur tadbirdan ko‘zlangan asosiy maqsad inson huquq va erkinliklarini ta’minlashda xorijiy davlatlar Ombudsmanlari, milliy institutlari, vakolatli davlat organlari va

xalqaro tashkilotlar bilan o‘zaro tajriba almashish va xorijiy davlatlarda mehnat qilayotgan hamyurtlarimiz manfaatlarini himoya qilishda hamkorlikni kuchaytirishdan iborat. Shuningdek, yoshlar, ayollar, nogironligi bo‘lgan shaxslar hamda jazoni ijro etish muassasalarida saqlanayotgan shaxslar huquqlarini himoya qilish va rag‘batlantirish yuzasidan mamlakatimizda olib borilayotgan keng qamrovli islohotlar mazmun-mohiyatini xalqaro hamjamiyatga yetkazish maqsad qilingan.

BMT Bosh kotibi Antoniu Guterrish mamlakatimizni “O‘zbekiston Respublikasining fuqaroligi to‘g‘risida”gi yangi qonunning qabul qilinishi bilan tabriklar ekan, “O‘zbekiston ilgari fuqaroligi yo‘q shaxslarga fuqarolik bergan holda, aholining zaif qatlamlari hayotini yaxshilamoqda. Ushbu voqea dunyoning barqaror rivojlanish sohasida maqsadlarga erishish bo‘yicha o‘n yillik harakatlarini boshlayotgan bir paytda, O‘zbekistonning hech bir insonni hal etilmagan muammo bilan yolg‘iz tashlab qo‘ymaslikning qat‘iy tarafdori ekanini ko‘rsatdi”, deya qayd etdi. O‘zbekiston BMTning Inson huquqlari bo‘yicha Oliy komissarligi boshqarmasi bilan samarali hamkorlik va muntazam muloqotni yo‘lga qo‘ygan. Mazkur boshqarma bilan hamkorlikda 2020-yilning iyunida birinchi marta O‘zbekistonning inson huquqlari bo‘yicha Milliy strategiyasi qabul qilinib, izchillik bilan amalga oshirilmoqda. U BMTning Inson huquqlari bo‘yicha kengashi va shartnomaviy qo‘mitalarining tavsiyalarini amalga oshirishni ko‘zda tutadi. Milliy strategiyani qabul qilishda nafaqat ekspert doiralarning, balki keng jamoatchilik va xalqaro tashkilotlarning fikri ham inobatga olingan.<sup>16</sup>

O‘zbekistonda inson huquq va manfaatlarini har tomonlama ta‘minlash bo‘yicha 2023-yilda islohotlar izchil davom etdi. **Yakuniga yetgan 2023-yil bo‘yicha jahon miqyosida bu boradagi ahvol qanday?**”, degan savol tug‘ilishi tabiiy. Gap shundaki, pandemiya oqibatlarini to‘la bartaraf etishga ulgurmasdan, jahon mintaqalarida ro‘y berayotgan mojarolar yangi global inqirozning boshlanishiga olib keldi. Sayyoramizning turli hududlarida oziq-ovqat mahsulotlari, energiya va o‘g‘itlarga narx-navoning keskin oshib ketishidan, ayniqsa, rivojlanayotgan mamlakatlar katta zarar ko‘rmoqda. BMT Bosh kotibi Antoniu Guterrish ta‘kidlaganidek, mojarolar alangasi **“tengsizlik, nochorlik va moliyalashtirishdagi yetishmovchiliklar bilan yanada avj olayapti”**. Bundan ham achinarlisi, o‘tgan yili 1.2 mlrd. aholi yashaydigan 74 ta

<sup>16</sup>Образование в области прав человека: национальный и зарубежный опыт / Отв. изд. А.Х. Саидов. – Ташкент: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2011. – С. 11.

rivojlanayotgan mamlakatdagi inqiroz oqibatida inson huquqlarini ta'minlash bilan bog'liq ahvol keskin yomonlashdi. Shunday murakkab va sinovli davrda O'zbekiston uchun muhim bo'lgan qator tadbirlar amalga oshirilgani va o'z samaralarini bergani diqqatga loyiqdir<sup>17</sup>.

**Mazkur yo'nalishda quyidagi ishlar amalga oshirildi:**

*Birinchidan*, aholi murojaatlari bilan ishlash jarayoniga yangi mexanizmlar tatbiq etildi. Shu orqali qonun ustuvorligini ta'minlash, fuqarolarimizni qiynab kelgan muammolarni hal etish, qiynoqlarning oldini olish, ochiqlik va shaffoflikni ta'minlash, so'z erkinligini mustahkamlash kabi yo'nalishlarda ijobiy natijalarga erishildi.

*Ikkinchidan*, O'zbekistonning Jeneva shahridagi BMT bo'linmasi va boshqa xalqaro tashkilotlardagi doimiy vakili BMT Inson huquqlari bo'yicha kengashining rais o'rinbosarligiga saylandi. Shu bilan birga, inson huquq va erkinliklariga oid xalqaro reyting va indekslarda mamlakatimiz o'rnini yaxshilashga birinchi darajali ahamiyat berildi.

*Uchinchidan*, 2021-2022-yillarda qonun ustuvorligi, norma ijodkorligi sifati, hukumat faoliyati samaradorligi, so'z va axborot erkinligi, jinoyatchilik va korrupsiyaga qarshi kurash, biznesni olib borish shart-sharoitlari kabi reyting va indekslarda O'zbekistonning o'rnini yaxshilash bo'yicha muayyan yutuqlar qo'lga kiritildi. Umuman olganda, 2022-yilda jami 24 ta reytingni 15 tasida O'zbekistonning o'rnini yaxshilandi, 3 tasida ilk marotaba e'tirof etildi<sup>18</sup>.

*To'rtinchidan*, ayrim xalqaro reytinglardagi mamlakatimiz o'rnini nisbatan pastladi. Qarang, qiziq paradoks: Jahon odil sudlov loyihasi tashkilotining "Huquq ustuvorligi" indeksida mamlakatimiz 7 pog'ona yuqorilab, umumiy reytingda 140 ta mamlakat ichida 78-o'ringa ko'tarildi. Ammo "Sud faoliyati samaradorligi" indeksida O'zbekiston 50,8 ball dan 13,1 ballgacha, ya'ni 37,7 ball pastlagan.

*Beshinchidan*, 2024-yilda ayni yo'nalishdagi islohotlar samaradorligini izchil oshirish taqozo etiladi. Nega deganda, so'nggi yillarda sud-huquq tizimida adolat o'rnatish bo'yicha ko'p ish qilganimizga qaramay, Yurtboshimiz ta'biri bilan aytganda: "odil sudlovni ta'minlash bo'yicha hali qo'limiz yetib bormagan masalalar bor. Afsuski, hozir ham tergov sifati pastligi, sudlarda odamlarning

<sup>17</sup> O'zbekiston va Birlashgan Millatlar Tashkiloti: Inson qadr-qimmati yo'lida 30 yillik hamkorlik. Saidov A.X – Toshkent: 2022.

<sup>18</sup> pravacheloveka.uz.

*ovoragarchiligi, sud qarorlari ijro etilmay qolayotgani bilan bog‘liq holatlar uchramoqda”.*

Xulosa qilib aytganda, inson huquqlari va erkinliklarini himoya qilish mexanizmini yanada takomillashtirish uchun 2022-2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot hamda shuningdek, “O‘zbekiston – 2030 strategiya”larida, belgilangan vazifalarni samarali va o‘z vaqtida amalga oshirish maqsadida quyidagilar O‘zbekiston Respublikasining inson huquqlari bo‘yicha xalqaro shartnomalari normalarini bajarish yuzasidan mas‘ul davlat organlari va tashkilotlari faoliyatining asosiy yo‘nalishlari hisoblanadi:

– *xalqaro tashkilotlarning inson huquqlarini himoya qilish bo‘yicha tavsiyalarini amalga oshirishga qaratilgan milliy harakat rejalari (“yo‘l xaritalari”)ning so‘zsiz bajarilishini ta‘minlash;*

– *qonunchilik va huquqni qo‘llash amaliyotini takomillashtirishga qaratilgan chora-tadbirlarni ishlab chiqish va amalga oshirish orqali BMTning inson huquqlari bo‘yicha Ustav organlari va shartnomaviy qo‘mitalarining tavsiyalarini bajarishga to‘sqinlik qilayotgan sabab va sharoitlarni aniqlash, tahlil qilish hamda bartaraf etish;*

– *O‘zbekiston Respublikasining inson huquqlari bo‘yicha xalqaro majburiyatlarini bajarish sohasida O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Jamoatchilik palatasi va fuqarolik jamiyati institutlari bilan samarali hamkorlikni amalga oshirish nazarda tutiladi.*

Demak, mazkur vazifalarning amalga oshirilishi inson huquqlari va erkinliklarini himoya qilish mexanizmlarining yanada takomillashuviga xizmat qiladi.

## PE3IOME

Mazkur maqolada inson huquqlariga oid xalqaro hamda milliy qonunchilik huquqiy jihatdan tahlil qilingan. Unda Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyaning mazmun-mohiyati hamda O‘zbekiston Respublikasining inson huquqlari sohasidagi milliy normativ-huquqiy hujjatlari bayon qilingan. Bundan tashqari mamlakatda inson huquqlari sohasida amalga oshirilayotgan islohotlar, shuningdek, bugungi kundagi ahamiyati hamda uning jamiyatdagi o‘rni va roli tahlil qilingan.



\*\*\*

В данной статье проанализировано международное и национальное законодательство в области прав человека с правовой точки зрения, изложены содержание Всемирной декларации прав человека и национальные нормативные правовые акты Республики Узбекистан в области прав человека. Кроме того, анализ реформ, проводимых сегодня в Республике Узбекистан в области прав человека, а также анализ сегодняшнего значения этих реформ, их места и роли в обществе.

\*\*\*

This article provides a legal analysis of international and national legislation in the field of human rights, which sets out the content of the Universal Declaration of Human Rights and national normative legal acts of the Republic of Uzbekistan in the field of human rights. In addition, the analysis of the ongoing reforms in the field of human rights in the Republic of Uzbekistan has been carried out, as well as the significance of these reforms today, their place and role in society has been analyzed.



*Илмий мақолалар*

**Хусниддин АЗИЗОВ**

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ**

*масъул ходими, подполковник, мустақил изланувчи*

## **КОНСТИТУЦИЯДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЯНГИ БОСҚИЧИНING ИФОДАЛАНИШИ**

Янги тахрирдаги Конституциямизнинг 14-моддасида: “Давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади<sup>19</sup>”, деган мазмунда баён этилиб, барқарор ривожланишни таъминлаш давлат фаолиятининг асосий вазифаси сифатида белгиланди.

Давлат ўз фаолиятини жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида амалга оширади, деб белгиланишида ижтимоий давлат ғояси ўз ифодасини топаётганини кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида: “Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат”<sup>20</sup>, деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон – ҳуқуқий давлат. Ҳуқуқий давлатда барча жараёнлар қонуний асослар устига қурилади, давлат хизматчиларидан ҳуқуқ доирасида фикрлаш, барча масалаларга ҳуқуқий кўз билан қараш талаб этилади. Ҳуқуқий давлатда барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлади, давлат ҳокимиятининг олий органлари ҳам қонунларга бўйсунди ва қонунларнинг муқаррар ижросини таъминлайди.

Ҳуқуқий давлат барча муносабатлар аниқ қоидалар билан тартибга солинишини талаб этади. **Янги Ўзбекистон – “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган ҳал қилувчи тамойил амалда ўз тасдиғини топаётган мамлакат. ...Қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш – Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг энг муҳим шартидир<sup>21</sup>.**

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т., “Ozbekiston”, 2023. – Б. 7.

<sup>20</sup> Ўша манба. – Б. 4.

<sup>21</sup> Мирзиёев Ш. М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т., 2021. – Б. 27, 48.

Асосий қонунимизнинг III боби: **“Конституция ва қонуннинг устунлиги”**, деб номланади<sup>22</sup>. **15-модда. Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.**

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади.**

**Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмидир.**

**Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади.**

**Давлат ва унинг органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш юритадилар.**

Янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон ҳуқуқий давлат экани белгиланди. Олимларимизнинг ушбу моддага асосланиб таъкидлашича, Янги Ўзбекистон: *“Конституция ва қонун устуворлигига асосланган давлат, деганидир. Бундай давлатда мансабдор шахслар ҳоқимиятни хоҳлаганича ўзлаштира олмайди, ўзи билганича қарорлар қабул қилмайди. Барча давлат органлари фақат қонунда белгиланган ваколатлардан келиб чиқиб ҳаракатланади”*<sup>23</sup>.

**Ўзбекистонни дунёнинг тараққий топган, ижтимоий-иқтисодий барқарор ўсаётган ва инсон капитали юқори бўлган демократик давлатлари қаторига киришини таъминлаш – барқарор ривожланиш стратегиямизнинг мазмун ва моҳиятини ташкил этади.**

**Янги Ўзбекистон коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқимизнинг бугунги ҳаёти ва келажагига ижобий таъсир кўрсатадиган, ҳар бир инсон ўз ҳаёти мисолида самарасини кўрадиган, ўз навбатида, юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини демократик ва**

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т., “Ozbekiston”, 2023. – Б. 7.

<sup>23</sup> Зулфиқоров Ш. Халқни ҳимояловчи мустаҳкам қўрғон. – “Янги Ўзбекистон”. 2023 йил 5 декабрь.

прогрессив давлат сифатида яхшилашга имкон берадиган қатъий ва изчил, янги ислоҳотлар йўлидан бормоқда.

Дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашга ва жаҳон сиёсати ҳамда иқтисодиётида қойим туриш учун ижтимоий ҳодиса – коррупция иллатига қарши курашиш талаб этилади.

БМТнинг коррупцияга қарши кураш конвенцияси талабларидан келиб чиқиб, мамлакатимиз тарихида илк бор Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси боис, 2017 йилнинг 3 январида Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги<sup>24</sup> қонуни қабул қилинди. Мамлакатимизда 2017 йилга қадар Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни, яъни коррупцияга қарши курашишнинг мақсадли ҳуқуқий асоси яратилмаганлигини ҳам тан олиш керак.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларининг изчиллигини таъминлаш мақсадида ҳар 2 йилга (2017-2018<sup>25</sup>, 2019-2020<sup>26</sup>, 2021-2022<sup>27</sup>) мўлжалланган давлат дастурларини қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилди.

Ўтган давр мобайнида коррупцияга қарши курашиш соҳасига бевосита тааллуқли 13 та, бошқа соҳаларда коррупция омилларини қисқартиришга қаратилган 24 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Давлат бошқарувида бюрократияни камайтириш мақсадида амалга оширилган маъмурий ислоҳотлар натижасида ижро органлари сони 61 тадан 28 тага қисқартирилиб, вазирлик ва идоралар функциялари оптималлаштирилди<sup>28</sup>.

Коррупцияга қарши анъанавий усуллар билан курашиш бугун етарлича самара бермаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу боис, давлат ва жамият бошқарувида коррупциянинг олдини олиш, бу иллатга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантириш учун давр ва тараққиёт

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида / Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т., 2017.

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги (02.02.2017 й., ПҚ–2752-сон) қарори.

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (27.05.2019 й., ПФ–5729-сон) қарори.

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (06.07.2021 й., ПҚ–5177-сон) қарори.

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги маълумотларидан. Шахсий архив.

талабига мос замонавий, таъсирчан ва кези келганда, кескин чоралар билан олдинга интилоқдамиз.

Янги таҳрирдаги Конституцияга илк бор коррупцияга қарши курашиш масаласи киритилгани ҳам ушбу йўналишдаги ислохотларнинг мамлакатимиз тараққиётида нечоғлиқ аҳамиятли эканини яққол намоён этди.

2017-2023 йиллар мобайнида коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва институционал асослари яратилди. Натижада коррупцияга қарши курашиш соҳасида ислохотларни ягона ёндашув асосида самарали амалга ошириш механизми яратилди.

Жорий йилнинг 27 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган **“Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги 200-сонли фармони соҳадаги ислохотлар янада қатъий ва тизимли давом эттирилишига замин бўлди. Янги фармон билан Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023–2024 йилларга мўлжалланган навбатдаги давлат дастури тасдиқланди.

Давлат дастури билан танишар экансиз, унинг тегишли бандларида давлат бошқаруви, давлат хизмати, маъмурий тартиб-таомиллар, давлат харидлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик, суд-ҳуқуқ соҳаларида коррупциянинг олдини олиш, коррупцияга қарши курашишнинг институционал асосларини такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш каби устувор йўналишларда муҳим чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, янги Ўзбекистон шароитида амалга оширилаётган ислохотлардан келиб чиқиб, коррупцияга қарши курашишнинг қонуний асосларини янада такомиллаштириш кўзда тутилмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023–2024 йилларга мўлжалланган Давлат дастурига кўра, Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган миллий стратегия ишлаб чиқилиши ҳам коррупцияга сабаб бўлган омилларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган амалдаги

механизмлар самарадорлигини баҳолаш ва такомиллаштириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ишларини жадал давом эттиришда катта аҳамиятга эга.

Фармон коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида қилинаётган ишлар натижадорлигини ошириш, муҳим ижтимоий масалаларга оид очиқ маълумотлар кўламини янада кенгайтириш, улардан тўсиқларсиз фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш каби муҳим мақсадларни кўзда тутди:

**Биринчидан**, мазкур фармон билан ҳар чоракда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан давлат органлари ва ташкилотлари кесимида содир этилган коррупцияга оид жиноятлар таҳлил қилиниши, ушбу жиноятлар кўрсаткичи ошган давлат органлари ва ташкилотларига кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни бажариши учун агентлик ходимлари иштирокида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиб борилиши белгиланди.

**Иккинчидан**, бундан буён ҳар ярим йилда жиноятларнинг олдини олиш ҳамда уларга имкон берган омилларни бартараф этиш борасида кўрилаётган чоралар Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишларида тегишли давлат органлари ва ташкилотлари биринчи раҳбарлари иштирокида танқидий муҳокама қилинадиган бўлди.

**Учинчидан**, Қайд этиш лозимки, мамлакатимизда очиқ маълумотларга ҳукумат шаффофлигининг муҳим воситаси ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга ҳисса қўшадиган омил сифатида катта аҳамият қаратилмоқда. Бу борада давлат органлари ва ташкилотлари томонидан очиқ эълон қилиниши лозим бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларнинг қатъий рўйхати тасдиқланиб, ахборотлар жойлаштириладиган ресурс, янгилаб бориш муддати ва масъул ижрочилар аниқ белгилаб берилган.

**Тўртинчидан**, янги фармон асосида очиқ эълон қилиниши лозим бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати янада кенгайтирилиб, аҳолини қийнаб келаётган қатор долзарб масалалар ечимини топишга имкон яратилади. Масалан, ҳозирги кунда кенг тарқалган ва жамиятни ташвишга солаётган фирибгарлик ҳолатларининг олдини олиш ва навбатга туриш тизими очиқ ва шаффоф бўлишини таъминлаш мақсадида ҳаж зиёратига борувчиларнинг ягона онлайн

навбати жорий этилиб, доимий янгилаб борилади ва у барча учун очик бўлади.

**Бешинчидан**, фармон билан фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ўтказиладиган диссертация ҳимояси, ўрта-махсус ва профессионал таълим муассасалари, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларга кириш имтиҳонлари, ҳарбий кафедраларга қабул қилишдаги саралаш танловларини интернет тармоғи орқали жонли эфирга узатиш тартиби жорий этилади.

**Олтинчидан**, давлат органлари ва ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармаларига келиб тушаётган маблағлар, масалан, жарима, давлат мулкни ижарага бериш ва сотиш, пулли хизматлардан келиб тушган маблағларнинг қайси мақсадларга сарфланаётгани, шунингдек, судлар томонидан давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ноқонуний чиқарилгани учун бекор қилинган қарорлари тўғрисидаги маълумотлар жамоатчиликка очик эълон қилиб борилади.

**Еттинчидан**, Давлат харидларида товарлар нархларини назорат қилиш механизмлари такомиллаштирилиб, товарнинг бошланғич нархи давлат харидларининг махсус ахборот порталида эълон қилинган нархлар асосида шакллантирилади.

Таъкидлаш керакки, Коррупцияга қарши курашиш агентлигига давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик бузилгани ҳолатлари юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш, шунингдек, харид қилиш тартиб-таомилларини тўхтатиб туриш ваколатини бериш назарда тутилмоқда. Давлат хариди жараёнидаги иштироки билан боғлиқ ҳолатда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этган ёки манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган, давлат хариди иштирокчиси бўлган юридик шахснинг мансабдор шахслари ёки таъсисчиларини **Инсофсиз ижрочилар реестрига** киритиш ҳамда ушбу шахслар бошқарувида ёки бенефициар таъсисчилигида бўлган бошқа юридик шахсларнинг ҳам давлат харидидаги иштирокини чеклаш тартибини жорий қилиш ҳам муҳим чоратадбирлардан бири этиб белгиланди.

**Саккизинчидан**, эндиликда агентлик томонидан давлат идораларининг ишонч телефонлари фаолияти самарадорлиги мониторинг қилиб борилади. Яъни янги тизим – “**Қайта алоқанинг сирли мижози**” тадбирлари давомида агентлик масъул ходимлари томонидан ишонч телефонлари (Call-markaz) ҳамда расмий веб-сайтларда эълон қилинган

телефон рақамларнинг доимий равишда ишчи ҳолатдалиги масофавий мониторинг тартибида текширилади. Бу жараёнда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича давлат идораларига тақдимнома киритилади.

Маълумки, Агентлик томонидан “**Ҳалоллик вакцинаси**” тамойили асосида аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги билимларини доимий ошириб бориш амалиёти йўлга қўйилган. Ўтган давр мобайнида бу борада ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмалар ишлаб чиқилди. “Давлат фуқаролик хизматчилари учун масофавий малака ошириш курси” ([ilm.argos.uz](http://ilm.argos.uz)) доирасида 50 мингдан ортиқ давлат фуқаролик хизматчиси иштирок этиб, сертификат олиши таъминланди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг 698 ходими учун 20 та малака ошириш тадбири ўтказилди.

Давлат бошқаруви академияси ва агентлик ҳамкорлигида “*Коррупцияга қарши курашиш*” дарслиги чоп этилди. ИИВ Академиясида биринчилардан бўлиб, 2020 йилда “*Ички ишлар органларида коррупциянинг олдини олиш ва ходимларда коррупцияга қарши хулқ-атвори шакллантириш*” номли дарслиги чоп этилиб, 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказилган республика танловида 2-ўринни эгаллади.

Давлат дастурига кўра, бу борадаги ишлар эндиликда тизимли давом эттирилади. Хусусан, давлат органларининг очиқликни таъминлашга масъул ходимларини онлайн ўқитишга мўлжалланган “Open data” электрон таълим платформаси ишга туширилади. Электрон платформа ўқув модуллари якуни бўйича ҳар бир тингловчи эгаллаган билим ва малакаси тест синовидан ўтказилиб, натижалари тўпланган баллар рейтинги асосида очиқ эълон қилинади.

Ҳуқуқий давлатда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги таъминланади.

Мамлакатда ҳуқуқий-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган чораларнинг амалга оширилиши, давлат қарорларини бажариш ишониб топширилган ички ишлар органлари хизматлари ва бўлинмаларининг фаолиятини самарали ташкил этиш, жамоат тартибини



муҳофаза қиладиган ва жинойтчиликка қарши кураш олиб борадиган кадрларнинг касб маҳорати қанчалик юқори эканлигига бевосита боғлиқ. Бинобарин, ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигига эришиш учун уларни малакали кадрлар билан таъминлаш масаласи бугун вазирлик олдида турган долзарб масалалардан биридир. Шу боис Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари хизматида номзодларни танлаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилнинг 28 январида “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”<sup>29</sup>ги ПФ-60-сон фармони билан тасдиқланган давлат дастурининг “**Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш**”, деб номланган 17-мақсади талабларига ҳамоҳангдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январидаги ПҚ-10-сон қарори билан тасдиқланган “*Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси*” қўйидаги асосий мақсадларга йўналтирилди:

*ички ишлар органлари ходимларини «Инсон қадри учун» тамойили асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз бурчига содиқ, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига эришиши;*

*ички ишлар органлари ходимларида хизмат вазифаларига ҳалол, виждонан, Ватан ва халқ олдидаги бурчини чин дилдан ҳис этган ҳолда, юксак масъулият билан ёндашиши, жамиятда умумэътироф этилган одоб-ахлоқ нормаларига сўзсиз амал қилиши тўғрисида шакллантириши;*

*ички ишлар органларида содир этилиши мумкин бўлган ножўя хатти-ҳаракатлар, сушистеъмолчилик ва коррупция ҳолатларининг барвақт олдини олиши, ҳуқуқ-тартибот тизими обрўсига салбий таъсир кўрсатувчи низоли вазиятларни юзага келтирмаслик.*

*Кодекс Ички ишлар органлари ходимларига эзгулик, одамийлик, гуманизм, ҳалоллик, довураклик, илмпарварлик, ватанпарварлик гояси билан қуроллантиришга оид маънавий-ахлоқий талабларни қўйдики, бу*

<sup>29</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.

*ахлоқан мукаммал замонавий ходимлар қиёфасини яратишга хизмат қилади.*

Юқоридагиларга асосланиб, Янги таҳрирдаги Конституция ва унинг асосида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган ҳуқуқ тармоқларига оид қонун, фармон ва қарорларни яхши билишга интилиш, Ички ишлар вазирлиги соҳавий хизмат вакиллари, ёши ва вазифасидан қатъи назар барча ходимлар, тингловчи ва курсантларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ёрдам беришини таъкидлаймиз.

Зеро, Конституциявий нормалар ва жорий этилаётган норматив ҳужжатларни мустақил ўзлаштириш, ўрганиш ва изоҳлашга доир амалий кўникмаларга эга бўлиш замон талабидир. Қонунни ҳурмат қилиш руҳида яшаш ва хизмат қилиш ҳуқуқий ва демократик давлатнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий ва муҳим талабларидан ҳисобланади.

## РЕЗЮМЕ

Мақолада Янги таҳрирдаги Конституцияда коррупцияга қарши курашишнинг янги босқичи илмий-назарий жиҳатдан асосланган.

\*\*\*

В статье научно-теоритический обосновывается новый этап борьбы с коррупцией в обновляемой Конституции.

\*\*\*

The article scientifically substantiates a new stage in the fight against corruption in Constitution Uzbekistan.

**Азизжон АЛИЖОНОВ,**  
*Малака ошириш институти Касбий тайёргарлик факультети*  
*Жанговар ва жисмоний тайёргарлик цикли катта ўқитувчиси,*  
*подполковник*

**ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ–ВАТАНПАРВАРЛИК**  
**РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ**  
**ТАҲЛИЛИ**

*Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Бугунги глобаллашув ва кескин рақобат даврида дунёнинг турли бурчакларида, жумладан, минтақамизда юз бераётган қуролли можаролар ва қарама-қаршиликлар, янги таҳдид ва хатарлар олдимизга кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифаларни қўймоқда.

Айнан шундай шароитда мамлакатимиз ёшларини ватанпарварлик, шу жумладан, ҳарбий-ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига тинчлик ва тотувликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш зарурлигини чуқур сингдириш, «Халқ ва армия – бир тану, бир жондир!»<sup>30</sup> деган эзгу ғоя асосида ёшлар тарбиясига масъул бўлган вазирлик ва идораларнинг куч ва имкониятларини бир ғоя, бир мақсад асосида бирлаштириш талаб этилмоқда.

Дунёда нечта миллат ва халқ бўлса, ҳаммасининг ўзига хос турмуш тарзи ҳамда ўтмиш ҳаёти ва келажаги билан чамбарчас боғлиқ анъаналари мавжуд. Ўзбек халқининг ҳам урф-одатлари, турмуш тарзи, оилавий маросимлари, таълим-тарбия, маданият анъаналари мозийнинг узоқ-узоқ асрларига бориб тақалади. Барг илдиздан қувват олади деганларидек, ҳозирги ва келажак авлод кишиларининг уларни чуқур билиши маъ-

<sup>30</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 июндаги 267-сон қарори 1-илоvasи. 2023–2027 йилларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш Концепцияси.

навиятининг мағзи тўқлиги омилидир. Бу – ҳамиша, ҳамма авлод томонидан эътироф этилган ҳақиқатдир. Кайковуснинг «Қобуснома»сидан тортиб, ал-Хоразмий, Абу Наср ал-Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Синоларнинг назмий ва насрий ҳамда Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» («Бахт келтирувчи билим»), Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» («Ҳақиқат совғалари») каби жаҳонга машҳур асарларида, Навоийнинг ўлмас шеърлятида, Мунис Хоразмийнинг «Саводи таълим», Қори Ниёзийнинг «Ҳаёт мактаби», Абдулла Авлониининг «Гулистон ёхуд ахлоқ» пандномаларида шарқ халқлари, хусусан, ўзбек халқига хос бўлган ибратли томонлар очиб берилганки, улар қалами орқали халқимизга хос бўлган ота-онани хурматлаш, инсонийлик, оқибат, меҳр-шафқат, меҳмондўстлик, маърифатга чанқоқлик, онани (аёлни) улуғлаш, фарзандга меҳрли ва фидойи бўлиш ҳамда ватанпарварлик каби фазилатлар дунёга танилган бўлса, ажаб эмас?!

**Ватанпарварлик** – бу кишиларнинг она юртига, ўз ошёнига муҳаббати ва садоқатини ифодаладиган тушунча. Ватанпарварлик барча кишилар, халқлар, миллатлар учун умумий бўлган, асрлар давомида сайқалланиб келган умуминсоний туйғу, маънавий қадриятлардан бири. Тарихий жиҳатдан ватанпарварлик кишиларнинг ўзлари туғилиб ўсган юртлари тақдири билан боғлиқ ижтимоий ривожланиш, халқларнинг ўзлари яшаётган ҳудуднинг дахлсизлиги ва мустақиллиги йўлидаги кураши жараёнида такомиллашиб келган ҳис-туйғулар жамланмаси ҳамдир. Бу Ватанимизнинг ўтмиши ва ҳозирги билан фахрланишда, унинг манфаатларини ҳимоя қилишда намоён бўлади. Демак, айтиш мумкинки, ватанпарварлик – ўз тақдирини Ватан, миллат тақдири билан боғлаган барча кишиларга хос фазилатдир.

**Мактабгача ёшдаги болаларда ватанпарварлик тарбияси** – бу нафақат ўз ота-онасига, оиласига, болалар боғчасига, шаҳрига, она табиатига, ўз халқининг маданий меросига, ўз миллатига, бошқа миллат вакилларига нисбатан бағрикенг муносабатни тарбиялаш, балки она юртига хурматни тарбиялашдир

**Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси** – бу ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда халқимиз тарихига ва маънавий қадриятларига юксак ҳурмат туйғусини шакллантириш, Ватан ҳимоясига, унинг миллий хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини таъминлашга доимо шай туришга ҳамда ҳарбий хизматни ўташга тайёрлашдир.

Ҳаммамизга маълумки, қадим тарихдан ҳар қандай оғир ва мураккаб вазиятда Она Ватанни кўз қорачиғидек асраш, унинг шухратини дунёга тараннум этиш билан боғлиқ энг муҳим тушунчаларни, ҳаётий ва профессионал кўникмаларни илм-маърифат, шунингдек, миллий қадриятлар асосида ёшларнинг қалби ва онгига илк болалик давридан бошлаб сингдириб бориш орқали ватанпарвар, садоқатли ҳамда шижоатли ёшларни камол топтиришга эришиб келинган. Худди шу мақсадларда XX асрнинг бошларида умумий ўрта таълим мактабларида ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича ўқув машғулотлар ташкил этилган.

**Тарихдан бир шингил.** Собиқ совет ҳокимияти фуқаролар уруши даврида Марказий Ижроия кўмитасининг 1918 йил 22 апрелдаги “Мажбурий ҳарбий санъат таълими тўғрисида”ги қарори билан ёшлар ўртасида ҳарбий тайёргарлик ўқув машғулотлари жорий этилган. Яратилаётган қизил армиянинг жанговар захираларини ватанпарвар ёшлар билан тўлдириш ва ҳарбий тайёргарлик тизимини ташкил этиш учун чақирувга қадар 16-17 ёшдаги ёшларни ҳудудий қўшинларнинг умумий ҳарбий тайёргарлик Бош бошқармаси органларидаги курсларга қатнашларини ташкил қилишган ва кейинчалик ўз сафларига қўшиб олишган. 1930-йилларга келиб, чақирувга қадар 18-19 ёшдаги ёшлар умумий давомийлиги икки академик ой бўлган ўқув машғулот йиғинларида қатнашадиган бўлдилар. Кейинчалик 1939 йил 1 сентябрь куни СССР Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган “Умумҳарбий бурч тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, СССР мактабларида бошланғич ва чақирувга қадар тайёргарлик ўқув машғулотлари жорий этилган. Қабул қилинган “Умумҳарбий бурч тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, “Бошланғич ҳарбий тайёргарлик” барча умумтаълим мактабларида 5-синфдан 7-синфгача ўтказилган. Юқори синф ўқувчиларига (8-синфдан 10-синфгача) “Чақирувга қадар тайёргарлик” ўқув машғулотлари ўтказилган.

Ватан урушидан кейин 1950-1960 йилларга келиб, СССР Қуролли Кучларининг аста-секин қисқариши кузатилган. Қуролли Кучларнинг қисқариши муносабати билан СССР Вазирлар Кенгашининг 1962 йил 25 январдаги қарори билан мактабларда чақирувга қадар ҳарбий тайёргарлик ўқув машғулотлари бекор қилинган ҳамда ҳарбий-ватанпарварлик тарбиявий соатлари дарсдан ташқари ишлар тизимига ўтказилган. 1967 йил 12 октябрь куни СССР Олий Кенгашининг янги нашрдаги

“Умумҳарбий бурч тўғрисида”ги Иттифоқ қонуни қабул қилинган. Қабул қилинган қонунга кўра қуруқликдаги Қуролли Кучларнинг фаол ҳарбий хизматини бир йилгача қисқартириб (қуруқликдаги кучларда икки йилгача) бошланғич ҳарбий тайёргарлик ўқув машғулотлари мактабларга қайтариб берилган. Умумий ўрта таълим мактабларида (9-синфдан бошлаб) ҳамма жойда ишдан ва ўқишдан узилишларсиз чақирувгача ва чақирув ёшидаги йигитлар билан бошланғич ҳарбий тайёргарлик ўқув машғулотлари ўтказилган. Кейинчалик чақирувга қадар тайёргарлик ўқув машғулотлари ўрта махсус таълим муассасаларида, касб-ҳунар таълим муассасаларида, корхоналар, ташкилотлар, совхозлар ва колхозларда, ташкил этилган ўқув марказларида, ДОСААФ (Добровольное общество содействия армии, авиации и флоту) номли армия, ҳаво кучлари ва денгиз флотига кўмак бериш бўйича ихтиёрий жамиятларда ўтказилган.

Бошланғич ҳарбий тайёргарлик ўқув машғулотлари учун янги дастурда жами 140 соат ажратилган бўлиб, бунда бошланғич ҳарбий тайёргарлик ўқув курси доирасида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан бир қаторда ўқувчиларга ўқ отиш тайёргарлиги, тактик тайёргарлик, тиббий тайёргарлик, топография, муҳандислик тайёргарлиги, оммавий қирғин қуролларидан ҳимоя қилиш, фуқаролик муҳофаази, СССР Қуролли кучларининг умумий ҳарбий низомларидан ўқув машғулотлари олиб борилган. Синфлар ўғил ва қиз гуруҳларга бўлинган, қизлар ихтиёрийлар (дружинний) санитария ўқув дастури бўйича ўқитилган.

**Ихтиёрийлар (дружинник)** – халқ отрядининг аъзоси. Халқ отряди – бу жамоат тартибини ҳимоя қилиш билан ихтиёрий равишда шуғулланадиган фуқароларнинг жамоат бирлашмаси. Бу устав ва махсус реестрда рўйхатдан ўтган тўлиқ ҳуқуқли жамоат ташкилоти ҳисобланади.

1967 йилдан бошлаб ҳарбий тайёргарлик дастури билан қамраб олинмаган 4-7-синф ўқувчиларига “Пионер” лагерларида Бутуниттифоқ пионерлар ҳарбийлаштирилган спорт ўйини “Зарница” (момақалдирок пайтида уфқда бир зумда милтиллайдиган ёруғлик) ўтказилган. Кейинчалик ўрта мактаб ўқувчилари учун “Орлёнок” (Бургут полапонлари) ҳарбий спорт ўйини пайдо бўлган. Ҳарбий-техник мактаблар ва аэроклубларга эга бўлган ДОСААФ ташкилотларида истаганларга бепул тарзда мотоцикл, юк машиналари ва ўзиюрар транспорт воситаларини бошқаришни, парашютдан сакраш, спорт самолётларини бошқариш, радиотехника ва бошқалар ўргатилган. Қоида тариқасида, олий ёки ўрта

ҳарбий маълумотга эга бўлган захирадаги офицерлар бошланғич ҳарбий тайёргарлик ўқитувчилари, ҳарбий раҳбарлар ҳамда инструкторлар бўлишди.

1980 йил 11 сентябрда қабул қилинган СССР Вазирлар Кенгашининг “**Ёшларнинг бошланғич ҳарбий тайёргарлиги тўғрисида**”ги қарори бўйича БХТни умумий бошқариш ва назорат қилиш Мудофаа вазирлиги тизимига топширилди ва бу бўйича янги ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. Шундан кейин 9-синфда ўтказилган беш кунлик машғулотлар ўрнига, машғулотларнинг якуний босқичида уч кунлик дала ўқув машғулотлари ўтказилиши белгиланди. 1987 йилда туман ва шаҳарларнинг ўрта таълим муассасаларида фаолият кўрсатадиган ҳарбий-спорт дам олиш лагерлари учун янги БХТ дастурлари жорий этилди. 140 соатлик ўқув машғулотларига яна 70 соатлик ўқув машғулотлари қўшилди. Йигитлар учун ёзги таътил пайтида 14 соатлик кунлик дала машғулотлари ташкил этилган.

СССРнинг қайта қуриш йилларида бошқа ўзгаришлар билан бир қаторда Қуролли кучларнинг давлатда тутган ўрни ва кўринишини қайта баҳолаш жараёни бошланди. 1990 йил июнь ойидан бошлаб бошланғич ҳарбий тайёргарлик чақирувдан олдинги тайёргарлик деб номланди. Худди шу йили РСФСР Таълим вазирлигининг 17 октябрдаги буйруғи билан умумтаълим мактабларида бундай дарслар моҳиятан йўқ қилинди. Ҳужжатларда қайд этилишича, “*Умумҳарбий бурч тўғрисида*”ги қонуннинг 17-моддаси бекор қилингунга қадар ҳарбий хизматга чақирилиш олдидан тайёргарлик Мудофаа вазирлигига қарашли дала спорт лагерларидаги йиғинларида ўтказилиши керак бўлган.

Мустақилликка эришиб, ўзимизнинг ёрқин миллий истиклолимизга эга бўлгач, умуминсоний ва ўзбекона қадриятларни ҳар томонлама чуқурроқ англай бошладик. Мустақил Ватанга ҳар томонлама етук, мукамал, ахлоқий пок, маънавий устувор, иймон-эътиқоди бутун, ўз халқи, ўз она-Ватанига фидойи, жисмоний баркамол кишилар етказиш учун уларнинг ахлоқий-жисмоний тарбиясига алоҳида аҳамият бера бошладик. Дарҳақиқат, Ватан тақдири, халқ равнақи, мустақил юртнинг келгуси бошқарувчиси – янги авлод тарбияси биринчи ўринга чиқди.

**Ёшлар** – жамиятнинг туб негизи, аҳолининг илғор қатлами, келажакнинг ишончли эгалари. Ҳар бир давр ёшларининг билим даражаси, дунёқараши, ўй-фикри, маънавий қиёфасига қараб, ўша жамиятнинг

эртанги кунини аниқ тасаввур этиш мумкин. Бинобарин, масалага шу жиҳатдан назар соладиган бўлсак, бугун мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилаётган юксак эътибор ҳамда униб-ўсиб келаётган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш йўлида қилинаётган кўпдан-кўп тарихий ишлар замирида ягона буюк мақсад мавжуд, яъни эртага Ватанимизнинг таянчи ва суюнчи бўлишга қодир чинакам ишончли ворисларни тарбиялашдир.

Ёшлар табиатан ўзгаришларга ислоҳотларга мойиллиги, янгиликларга мослашувчанлиги билан аҳолининг бошқа гуруҳларидан фарқ қилади. Давлатимиз аҳолисини 60 фоизидан зиёдини ёшлар ташкил қилади.<sup>31</sup> Қадимдан ёшлар ислоҳотларни ҳаракатлантирувчи куч сифатида эътибор қозонган. Лекин уларда ҳаётий тажриба кам, мулоҳаза ва вазминлик билан иш юрита олмаслик, шошқалоқлик, ҳиссиётга берилиш каби камчиликлар мавжуд. Шунинг учун қадимдан турли сиёсий кучлар гуруҳий манфаатлари учун ёшлардан фойдаланган.

Юртбошимиз Ш.М. Мирзиёев ёшлар билан ишлашда ўзига хос жиҳатларни ҳисобга олишни тавсия этади: *«Агар биз бу масалани жой жойига қўймасак эртага кеч бўлиши мумкин. Нега деганда, фарзандларимиз эртага бизга ё ташиши олиб келади, ё манфаат олиб келади. Лекин биз болаларимизнинг ҳақиқий ватанпарвар бўлиши, эртага бизга елкадош, кўмакдош бўлиши учун қилаётган ишларимиз ҳали етарли эмас»*<sup>32</sup>.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган йиллардан бошлаб таълим муассасаларида чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув жараёнларини янада такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, кадрлар билан таъминлаш масалалари бўйича бир неча комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, 2023 йил 29 июнда Вазирлар Маҳкамасининг **“Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 267-сон қарори қабул қилинди.**

<sup>31</sup> Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг қафолатидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. // Халқ сўзи, – 2018 йил 8 декабрь.

<sup>32</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1 жилд. – Т., 2018. – Б. 91.



*Мазкур қарорга кўра, 2023–2027 йилларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш Концепциясига асосан республикамизда белгиланган тадбирлар қуйидаги беш босқичда амалга оширилади:*

а) **биринчи босқич** (3-7 ёш) – шу ёшдаги болаларга хос хусусиятлар, жумладан, илк ўз туйғуларини, хатти-ҳаракатини бошқариш кўникмалари, шахсий фазилатлари асослари, ижтимоий мотивлар ва миллий анъаналарга қизиқишларининг пайдо бўлиши, ўзини намоён этиш ҳамда муваффақиятга эришиш каби эҳтиёжларини инобатга олиб, мактабгача таълим ташкилотларида ўтказилади.

Мазкур босқичда болалар билан миллий ғурур, меҳнатсеварлик, Ватанга муҳаббат ва уни ҳимоя қилиш, давлат рамзлари, буюк аждодларимиз, тарихий обидаларимизга ҳурмат, ўзаро ёрдам, меҳрибонлик каби олийжаноб фазилатларни шакллантиришга қаратилган шеър, эртак, куй ва кўшиқларни, спорт ва миллий ўйинларни ўргатиш, театрлаштирилган сахна томошаларини намойиш этишни ўзида мужассам этган тадбирлар ўтказилади;

б) **иккинчи босқич** (7 - 10 ёш) – тадбирлар умумтаълим ва ихтисослаштирилган таълим ташкилотларининг кичик синфларида, шунингдек, ушбу тоифадаги ёшларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда маҳаллаларда ўтказилади.

Ушбу босқичда фахрланиш ҳамда Ватан ва давлат рамзларига муҳаббат, ёши катталарга ҳурмат ва иззат билан муносабатда бўлиш ҳамда миллий одат ва анъаналарни кадрлаш туйғуларини сингдириш, Ўзбекистон Республикасига дахлдорликдан фахрланиш ҳиссини ривожлантириш бўйича комплекс тадбирлар ўтказилади;

в) **учинчи босқич** (11-17 ёш) – тадбирлар умумтаълим ва ихтисослаштирилган таълим ташкилотларининг катта синфларида, шунингдек, ушбу тоифадаги ёшларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда маҳаллаларда ўтказилади.

Ушбу босқичда асосий эътибор ёшларда ҳарбий хизматга бўлган қизиқишни, Қуролли Кучларимиз билан фахрланиш туйғусини ошириш, жисмоний қобилиятларни ривожлантириш, уларни жисмонан соғлом, маънан етук, кенг дунёқарашли, мустақил фикр юритадиган баркамол инсон сифатида тарбиялаш, шунингдек, «**Ватан таянчи**» болалар-

ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати фаолиятига кенг жалб этишга қаратилади;

г) **тўртинчи босқич** (18-21 ёш) – олий таълим муассасаларининг талабалари, уюлмаган ёшлар, муддатли ҳарбий хизматчилар, контракт бўйича ҳарбий хизматга янги чақирилган ҳарбий хизматчилар, олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари, шунингдек, меҳнат жамоаларида фаолият олиб бораётган ёшларни қамраб олади.

Ушбу босқичда асосий эътибор ёшларнинг жисмоний ва маънавий қобилияти, етакчилик кўникмалари ва интеллектуал салоҳияти, умумий ва профессионал малакасини ошириш, уларни ўз устида мунтазам ишлаш, соғлом ҳаёт кечиришга ундаш ва шунга эришишга қаратилади.

д) **бешинчи босқич** (22-30 ёш) – тадбирлар маҳаллалардаги уюлмаган ёшлар, меҳнат жамоаларида фаолият олиб бораётган ёшлар, шунингдек, шартнома бўйича ёш оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркибини қамраб олади.

Яқиний босқичда асосий эътибор юқори даражадаги ижтимоий фаоллик, фуқаролик масъулияти, маънавиятини оширишга, ижобий қадрият ва хислатларга эга ҳамда уларни мамлакат манфаатлари, давлатни мустаҳкамлаш, унинг ҳаётий муҳим эҳтиёжлари ва барқарор ривожланишини таъминлаш йўлидаги яратувчанлик жараёнида намоён эта оладиган фуқароларни шакллантиришга қаратилади.

Педагогик нуқтаи назардан қаралганда, ҳаммамизга маълумки, Ватанга бўлган муҳаббатнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши энг яқин одамларга – ота-она, бобо-буви, ака-укалари ва опа-сингилларига бўлган муносабатлардан, ўз уйига, бола яшайдиган кўчага, болалар боғчасига, мактабига, шаҳрига бўлган муҳаббатдан бошланади.

**Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги мавжуд муаммолар:**

- 1) ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ота-она ва яқинлари эътиборининг сустлиги;
- 2) жисмоний жиҳатдан ёшларнинг мустаҳкам чиниқишга эга эмасликлари;
- 3) ёшларимизда мутлақо ёт бўлган ахлоқсиз гоялар, мафкуралар ва диний ақидапарастликнинг зарарли таъсирларига қарши мустаҳкам иммунитет шаклланмаганлиги каби муаммоларни келтириб ўтишимиз мумкин.

**Улар ечимини топишдаги тавсиялар:**

*Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича ота-оналарнинг масъулият туйғусини мустаҳкамлаш, “Ўзбек халқ педагогикаси”<sup>33</sup> асосида тарбиялаш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш;*

*Ота-оналар ўз фарзандларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича тарғибот ишларини фаол олиб бориши ҳамда уларнинг китоб ўқишига ва билим олишига иштиёқини ошириши;*

*Оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоқларида ҳарбий-ватанпарварлик туйғусини ривожлантирувчи лавҳалар, видео-роликлар, кинофильмлар кўрсатилишини йўлга қўйиши;*

*Ёшлар орасида спортни ривожлантириши;*

*Ёшлар орасида ҳарбий-ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий тарбия масалаларини чуқур ўрганадиган “Ватанпарварлик институтлари”ни ташкил этиши назарда тутилади.*

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, ҳарбий соҳани модернизация ва ислоҳ қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш жараёнларида ёшларнинг ҳарбий ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга давлат сиёсати даражасида қаралди ва ушбу сиёсат бугунги кунда ҳам изчил амалга оширилмоқда. Ватанпарварлик, қолаверса, ҳарбий-ватанпарварлик инсондан ҳар иккала бурчга бирдек масъулиятни талаб қилади. У инсондан сабрли, чидамли, қатъиятли, матонатли, жасурлик ва мардлик фазилатларига эга бўлишни шарт қилиб белгилайди. Чунки ватанпарварлик моҳиятан инсоннинг кундалик майда ташвишлардан юксакликка, улуғворликка кўтарилишидир. Ватанни душмандан ҳимоя қилиш, унга садоқат билан хизмат қилиш, бу йўлда жонини фидо қилиш юксак ахлоқий фазилат ҳисобланиб, бундай ахлоқ худбинликдан бурчни англашга ўтишни билдиради.

<sup>33</sup> <https://arxiv.uz/uz/documents/referatlar/pedagogik-psixologiya/zbek-hal-pedagogikasi-fani-va-uning-talim-tarbiyada-tutgan-orni>.

## РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада XX аср бошларидан бугунги кунга қадар ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида бошланғич ҳарбий тайёргарлик ва чақирувга қадар тайёргарлик ўқув машғулотларининг ташкил этилиши, ривожланиб бориши ҳамда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг ҳозирги пайтдаги муаммолари, эришиши мумкин бўлган ечимлар ва таклифлар ўз ифодасини топган.

\*\*\*

В данной статье рассматриваются организация и развитие подготовительных учебных занятий с начала 20 века по сегодняшний день с целью воспитания молодежи в духе военного патриотизма, проблемы сегодняшнего воспитания молодежи в духе патриотизма, достижимые решения и предложения.

\*\*\*

This article examines the organization and development of preparatory training sessions from the beginning of the 20th century to the present day in order to educate young people in the spirit of military patriotism, the problems of today's education of youth in the spirit of patriotism, achievable solutions and proposals.



**Лазиз КОМИЛОВ,**  
*Малака ошириш институти Жанговар тайёргарлик  
цикли ўқитувчиси, капитан*

**САФ ТАЙЁРГАРЛИГИ МЕТОДИКАСИ ХУСУСИДА**

Саф тайёргарлиги ҳарбий соҳада фаолият юритувчи ҳарбий хизматчи ва ходимлар учун хизмат фаолиятининг махсус-профессионал элементи ҳисобланади. Саф тайёргарлиги хусусида фикр юритишдан аввал “Саф” атамасининг мазмунига тўхталиб ўтиш жоиз. Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг Саф низомида “Саф” – деб, ҳарбий хизматчилар, бўлинма ва ҳарбий қисмларнинг пиёда ва машиналарда юриш учун мазкур Низомда белгиланган тартибда жойлашуви” – дея, таъриф берилган [1]. Сафнинг барча элементлари саф тайёргарлиги билан боғлиқ машғулотларда, модулларда, курсларда ва бошқа тадбирларда шакллантириб борилади. Саф тайёргарлиги жанговар тайёргарлик блокининг асосий қисми бўлиб, ички ишлар органлари ходимининг хизмат фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Саф тайёргарлиги машғулотлари ички ишлар органи ходимининг иродасини мустаҳкамлаб, эпчил ва чаққон ҳаракат қилишга, ўз-ўзини бошқара олишга ўргатади. Ходимнинг хушёрлиги, идроки, матонати ва жипслилик сифатини шакллантириб, уларни хизмат интизомига қатъий риоя қилишга ундайди.

Саф интизомлиликни талаб қилади, ходим сафда турганда фикрини жамлашга ва берадиган буйруқларни тўлиқ бажаришга ҳаракат қилади, ҳар қандай вазиятда бошлиққа бўйсунуши, унинг буйруқларини сўзсиз бажариши керак бўлади. Бу эса ички ишлар органлари ходимлари, тингловчи ва курсантларида саф маданияти юқори даражада бўлиши лозимлигини тақозо этади [2].

Аниқлилик, уйғунлилик, саф усулларини бир вақтда бажариш – буларнинг барчаси ходимларда ўзига ишонч, руҳиятида кўтарилишни таъминлаш билан бир вақтда, уларда хушёрлик ҳамда тиришқоқлик каби сифатларни такомиллаштиради.

Шахсий таркибнинг биргаликдаги ҳаракатлари уйғунлигини таъминлашнинг асоси саф тайёргарлиги бўлиб, у бошлиқнинг буйруқларини тез, аниқ ва биргаликда бажаришни шакллантиради.

Ходимлар томонидан жамоа ҳаракатларининг аниқ амалга оширилиши, бошлиқларнинг талаблари яқдиллик билан бажарилишини таъминлайдиган ўқитиш тури – саф тайёргарлигидир. Саф тайёргарлиги тингловчи-курсантлар, ходимларга турли ҳаракат ва усулларни эгаллаш, шунингдек, тактик, ўқ отиш, махсус тайёргарлик машғулоти хамда бошқа модуллар бўйича зарур илмларни ўзлаштиришда ёрдам беради.

Мазкур тайёргарлик машғулотларини ўтказиш учун асос – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Саф низоми 1996 йил 14 октябрь кунини кучга киритилган эди. Йиллар давомида ислоҳ қилиниб, амалдаги Саф низоми 2013 йил 28 октябрь Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги хамда Давлат хавфсизлик хизматининг 13/34/6/84-сонли қўшма қарорига асосан кучга киритилди.

Саф низоми қурол билан ва қуролсиз бажариладиган амал ва ҳаракатлар ижроси, пиёда ва машиналарда саф тортиш тартиби, ҳарбийча салом бериш тартиби, ҳарбий қисм Жанговар байроғининг сафдаги ҳолати, уни олиб чиқиш ва элтиб қўйиш тартиби, ҳарбий хизматчиларнинг сафга туришдан олдинги ва сафдаги мажбуриятлари хамда уларнинг саф тайёргарлигига оид талабларни ўз ичига олади. Низомга кўра, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тасарруфидаги барча бўлинмалар, шу жумладан, ички ишлар ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия хамда Давлат хавфсизлик хизмати тасарруфидаги бўлинмалар амал қилиши лозим.

Саф тайёргарлиги амалий машғулоти ҳисобланади. Саф тайёргарлигини ўтказишда шахсий таркиб билан биргаликда машғулоти раҳбари хам пухта тайёргарликка эга бўлиши талаб этилади. Саф тайёргарлиги методикасидан хабардор раҳбар саф тайёргарлигини ўтказишда сифат жиҳатдан катта муваффақиятга эга бўлади.

Метод юнонча *“metodos”* – *“билиш, тадқиқот йўли, назария, таълимот”* деган маъноларни англатиб, воқеликни амалий ва назарий эгаллаш, ўзлаштириш, ўрганиш, билиш учун йўл-йўриқлар, усуллар, фалсафий билимларни яратиш ва асослаш усулидир [3]. Методика эса методлар йиғиндисидан иборат бўлиб, бирор-бир мақсадли хатти-ҳаракатни амалга ошириш учун керак бўладиган тайёр алгоритмдир.

Методика инсон ҳаётининг кўплаб соҳаларида мавжуд. Қайси соҳа бўлмасин, методикани эгаллаган киши ҳосил бўлган кўникма сабабли

бирор ишни бошқаларга нисбатан тезроқ ва самаралироқ бажаради. Методикани эгалламаган киши бирор ишни бажаришда нисбатан кўп вақт ва кўп куч сарфлайди. Шундан келиб чиқиб, саф тайёргарлиги методикасига қўйиладиган асосий вазифа бу – махсус кўникмага эга мутахассис томонидан қисқа муддат ичида ва кучни самарали сарфлаш орқали саф тайёргарлиги билан боғлиқ амаллар ва ҳаракатларни пухта ўзлаштиришдан иборат бўлади.

Тажриба шуни кўрсатадики, ички ишлар органлари ходимлари юқори даражадаги саф тайёргарлигига қуйидагиларни амалга ошириш орқали эришишлари мумкин:

*- саф тайёргарлиги машғулотларининг мақсад ва вазифаларини аниқ режалаштириши ҳамда методик жиҳатдан тўғри ўтказиши;*

*- тингловчи ва курсантлар, ички ишлар органлар ходимлари томонидан Саф низоми талабларига мувофиқ усул ҳамда ҳаракатларни қунт билан ўрганиши ва уларни мукамал эгаллаши;*

*- саф тайёргарлиги бўйича режали машғулотлар, йўриқномалар, методик ҳамда кўргазмали машғулотларни узлуксиз ташиқлаштириши ва ўтказиши;*

*- саф тайёргарлиги машғулотларида орттирилган кўникма ва малакаларни шахсий таркибнинг сафланишлари ва кун тартибидаги бошқа барча ҳаракатланишларида такомиллаштириб бориши ва ҳоказо.*

Саф тайёргарлиги машғулотларини юқори савияда ўтказиш учун профессор-ўқитувчилар таълимнинг барча методларидан фойдаланишлари ва билим маҳоратларини узлуксиз равишда такомиллаштириб боришлари ҳамда бу борада барча даражадаги бошлиқларнинг бирдек қайғуриши муҳим аҳамиятга эга. Тайёргарликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бажарилаётган ҳар бир усулнинг аниқ, пухта ва чиройли бажарилишига ҳар куни машғулотларда такрорлаш натижасида эришиш мумкин. Акс ҳолда ҳаракат малакаси сусайиб, ўз аҳамиятини йўқотади. Саф тайёргарлиги машғулотлари, асосан, бўлинма таркибида белгиланган раҳбар бошчилигида ўтказилади. Ҳар бир ходимнинг индивидуал саф тайёргарлиги юқори бўлгандагина бўлим ва бўлинманинг сафдаги ҳаракатлари бир хилда, равон чиқишига эришилади. Фақат якка тартибдаги саф тайёргарлиги жараёнида тингловчи ва курсантлар ҳамда ходимларнинг хатоларини кўрсатиш ва уларни ўз вақтида тузатиш мумкин. Бироқ баъзи раҳбарлар машғулотларни бўлинма таркибида

ўтказиш усулини маъқул кўрадилар. Натижада ходимлар билан якка тартибда ўтказиладиган машғулотларда тўғрилаш мумкин бўлган кўплаб хатолар одатий ҳолга айланиб, бўлинмаларнинг саф тайёргарлиги самарадорлигига тўсиқ бўлади.

Шахсий таркибнинг саф тайёргарлиги савияси ва интизомини оширишда таълим муассасаларида, ҳудудий ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармалари ва бўлимларида ўтказиладиган тадбир ва маросимларда юқори даражадаги раҳбарларнинг назорати остида саф тортган ҳолда ўтиш тарбиявий жиҳатдан ходимлар, тингловчи ва курсантларнинг ўзларига нисбатан талабчан бўлишларида катта аҳамиятга эга. Саф тайёргарлигини такомиллаштиришда методик-кўргазмали машғулотлар ва йўриқномалар ўтказиш, саф этикетини тарғиб қилиш ҳамда илғор тажрибаларни оммалалаштириш ҳал қилувчи омиллар ҳисобланади.

Саф тайёргарлиги машғулотини ўтказувчи раҳбар тайёргарликнинг дастлабки кунлариданоқ ходимларнинг, тингловчи ва курсантларнинг онгида саф тайёргарлиги моҳиятини англаш бўйича мустаҳкам пойдевор яратишни билиши зарур. Чунки ана шу даврдан бошланғич ҳаракат кўникмалари шаклланиб боради. Зеро, инсоннинг билим доираси муайян даражада чекланган. Шунинг учун, ходимлар, тингловчи ва курсантларга дастлабки уқувсизликларидан уялмасликни уқтириш ҳам ўқитиш методикасининг асоси ҳисобланади.

Қуролли Кучлар тизимида саф тайёргарлиги методикаси билан боғлиқ реал вазиятни ёритиб боришимиз жоиз. Умуман олганда, ўқитувчилик ёки мураббийлик фаолиятининг энг муҳим жиҳатларидан бири бу – эргаштира олиш қобилиятидир. Саф тайёргарлигини машғулотини амалга ошираётган раҳбар ҳам эргаштира олиш қобилиятини мунтазам ривожлантириб бориш тавсия этилади. Саф тайёргарлиги машғулотининг ўзига хослиги шундан иборатки, ходимлар, тингловчилар ва курсантлардан саф амаллари ва ҳаракатларини пухта ўзлаштириш учун идрок қила олиш билан биргаликда катта энергия ва катта машаққатни талаб қилади. Аммо ҳозирги кунда саф тайёргарлиги методикасида шахсий таркибни эргаштира олиш билан боғлиқ камчиликлар кўзга ташланиб турибди. Бу камчиликлар субъектив ва объектив характерга эга. Субъектив характердаги камчиликларга саф тайёргарлиги машғулотини ўтказувчи раҳбарнинг саф тайёргарлиги билан боғлиқ илмнинг етарли даражада



шаклланмаганлик ҳолатларининг кузатилиши ёки раҳбарнинг саф тайёргарлиги илми бўйича таҳлилий фикрлашнинг суствлигини мисол келтирсак, объектив характердаги камчиликларга саф амаллари бўйича конкрет илмларнинг мавжуд эмаслиги, яъни амалларнинг бажариш элементларининг илдизигача тартибга солинмаганлиги, шунингдек, Саф низоми муаллифлари томонидан уларни бажариш бўйича аниқ ифодаланган фото ва видеофрагментларнинг таъминланмаганлигини таъкидлашимиз мумкин. Ушбу камчиликларнинг амалиётда мавжуд бўлиши, яъни амалларнинг конкрет тартибга солинмаганлиги, шунингдек раҳбарлар томонидан таҳлилий фикрлашдаги сусткашлик оқибатида бутун Қуролли Кучлар тизимида саф амалларини шахсий таркибга ўргатишда турли ёндашувлар вужудга келди. Бунинг оқибатида тўртта раҳбар бир амални тўрт хил ўргатиш ҳолатлари ҳанузгача кузатилмоқда. Бу эса ўз навбатида шахсий таркиб томонидан “Қайси бири тўғри?” деган савол ўртага ташланмоқда.

Бу муаммони ечишда раҳбарлар томонидан ушбу муаммога илмий ёндашган ҳолда эмас, балки яккабошчилик тизимига асосланган ҳолда ўз лавозимининг юқорилигини ҳисобга олган ҳолда, у томонидан берилган буйруқнинг бажарилиши мажбурийлигини, буйруқнинг муҳокама қилиб бўлмаслигини талаб қилиш орқали ҳал этилишига эришилмоқда. Энг ёмони, шахсий таркиб томонидан ушбу амалларни бажариш билан боғлиқ иккиланиш ҳолатлари кузатилмоқда ва ўзлари учун саф амалларининг бажарилиши билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечими мавҳум бўлиб қолмоқда. Бу эса саф амалларини бажаришда ходимларда ўзига нисбатан ишончсизликни, ҳар бир машғулот вақтида ўқитувчи ёки раҳбарга нисбатан шубҳали ёндашув шаклланганлигини, охир-оқибат эса ходимлар томонидан ушбу муаммоларнинг илмий ечимини излаш учун зеҳниятини қийнаши керак эмаслигини ва хизмат фаолиятида саф амаллари билан тўқнаш келган ҳолларда вазиятга қараб иш тутиш психологиясининг шаклланганлигини алоҳида эътироф этиш жоиздир.

Умуман олганда, ҳозирги кунга келиб Қуролли Кучлар тизимида саф тайёргарлигининг реал аҳволи қониқарли даражадалигини таъкидлаш билан бирга, келтирилаётган субъектив ва объектив факторлар саф тайёргарлигининг сифатига жиддий салбий таъсир ўтказаетганлиги маълум бўлмоқда. Аниқроқ тавсифланадиган бўлса, саф тайёргарлиги машғулотини ўтказувчи раҳбар ёки ўқитувчи ҳамда шахсий таркиб

ўртасида **“Сафдан чиқинг”** командасига асосан сафдан чиқишида сафнинг марказига чиқиш керакми ёки ўз йўналиши (фронт) бўйича чиқиш керакми?”, **“Сафдан чиқишида биринчи шеренгадан орқада жойлашганлар биринчи шеренгагача шахдам қадам билан келиши керакми ёки оддий қадам биланми?”**, **“Сафга туринг”** командасига асосан чап елкадан ортга қайрилиши тўғрими ёки ўз йўналиши томонми?”, **“Тўхта”** командасига асосан қайси оёқ ерга тушиши билан ҳаракат тўхтатилади?”, **“ҳаракат вақтида “Орт-ГА” командаси берилганда қандай бажарса тўғри бўлади?”** каби зиддиятли саволлар мунтазам давом этмоқда. Ушбу зиддиятли саволлар ичида энг кўп учраётган ҳаракат вақтидаги **“Орт-ГА”** командаси хусусида чуқурроқ фикр юритиш мақсад қилинган.

Таъкидлаш жоиз, Саф низомида ҳаракатда орқага бурилиш учун **“Орқага бурилиб ЮР”** командаси берилар эди. Ушбу саф низомининг 38-бандига мувофиқ, “Орқага бурилиш учун дарров бажариладиган команда ўнг оёқ ерга кўйилиши билан бир вақтда берилади. Команда бўйича (бир деб саналганда) чап оёқ билан яна бир қадам ташланади, ўнг оёқ ярим қадам олдинга чиқарилиб, озроқ чапга олинади, икки оёқнинг учида зудлик билан (икки деб саналганда) чап томон бурилиб, янги йўналиш бўйича чап оёқ билан ҳаракат (уч деб саналганда) давом эттирилади. Бурилишлар вақтида кўллар оёқларга мос ҳаракатлантирилади”, деган тартибот мавжуд.

Амалдаги низомда ҳаракатда орқага бурилиш учун **“Орт-ГА”** командаси берилади. Жорий Саф низомининг 38-бандига мувофиқ, “Ортга бурилиш учун ижро командаси ўнг оёқ ерга босилиши билан бир вақтда берилади. Ушбу командага биноан, чап оёқ билан яна бир қадам (бир саноғи бўйича) босилиб, ўнг оёқ ярим қадам олдинга, бироз чапга босилади ва иккала оёқ учида турганча, чап кўл томон кескин ортга (икки саноғи бўйича) бурилгач, чап оёқ билан (уч саноғи бўйича) ҳаракат давом эттирилади. Бурилиш амаллари давомида кўл ҳаракати қадам вазнида бажарилади”, деган тартибот мавжуд.

Эътибор берсак, низомда мазмун жиҳатидан сезиларли даражада ўзгартиришлар киритилмаган, кўпроқ сўзлар қайта ислоҳ қилинган. 2013 йилгача Саф тайёргарлиги бўйича кўникма шаклланган ходимларнинг кўпчилигида ушбу команданинг ижросида ортга бурилиш учун ўнг оёқларини чап оёқларининг олдидан “х (крест)” ҳолатига келтиришаётганлигини кўришимиз мумкин. Ҳозирги кунга келиб

ходимлар, тингловчилар ва курсантлар томонидан айнан ушбу команданинг бажарилиши бўйича тўрт хил ижро ҳолати вужудга келмоқда:

*1-зуруҳ:* оёқларни “х (крест)” ҳолатига келтирган ҳолда ортга бурилгандан сўнг, тўхтамасдан ҳаракатни давом эттирувчилар;

*2-зуруҳ:* оёқларни “х (крест)” ҳолатига келтирган ҳолда ортга бурилгандан сўнг, озроқ пауза олиб, ҳаракатни давом эттирувчилар;

*3-зуруҳ:* оёқларни бир вертикал чизикқа келтирган ҳолда ортга бурилгандан сўнг, тўхтамасдан ҳаракатни давом эттирувчилар;

*4-зуруҳ:* оёқларни бир вертикал чизикқа келтирган ҳолда ортга бурилгандан сўнг, озроқ пауза олиб, тўхтамасдан ҳаракатни давом эттирувчилар.

Ушбу тўрт гуруҳнинг шаклланишига асосий сабаб, Саф низомида ортга бурилишнинг етарли даражада конкрет тартибга солинмаганлигини келтиришимиз мумкин. Ушбу муаммонинг ечимини топиш учун “Youtube” ижтимоий платформасидаги мавжуд бир неча видеодарслар ўрганилди. Украиналик инструктор саф амалларини бажараётганида оёқларини “х (крест)” ҳолатига келтирган ҳолда ортга бурилиш амалини кўришимиз мумкин [4]. Қозоқ-Америка университети қошидаги ҳарбий-коммуникация коллежи мутахассислари томонидан тайёрланган видеодарсда ҳарбий хизматчилар ортга бурилиш амалини бажараётганида ортга бурилгандан сўнг, бироз пауза ушлаш орқали ҳаракатни давом эттираётганликлари акс этган [5]. Рус инструкторлари томонидан ишланган видеофрагментда эса ҳаракатда ортга бурилиш амалида оёқлар вертикал бир чизикқа кўйилиши ҳамда ортга бурилгандан сўнг, тўхтамасдан биринчи қадам ҳаракати давом эттирилиши келтирилган [6]. АҚШ Қуроли Кучлар тизимининг Саф тайёргарлиги амалларини ҳавола этувчи “Survival boys” канали томонидан тақдим этилаётган видеофрагментда ҳаракатдаги **“Орт-ГА”** командасига асосан ҳарбий хизматчилар оёқларини вертикал бир чизикқа олиб келиб, аммо қисқа паузадан кейингина ҳаракат амалга оширилишини гувоҳ бўлишимиз мумкин [6]. Аммо АҚШ ҳарбий тизимининг **“Орт-ГА”** командасининг ўзига хослиги шундаки, ҳарбий хизматчилар ушбу командада ўнг елка орқали ортга бурилишни амалга оширишади.

Постсовет ҳудудига кирувчи давлатларнинг кўпчилигида Саф низоми СССР Саф низоми асосида шакллантирилганлиги муносабати билан деярли унча фарқ қилмайди. Аммо биз ушбу видеофрагментларни кўриш

орқали “шу давлатларнинг бирини андозаси тўғри” деган фикрдан йироқ бўлишимиз даркор. *Биринчидан*, постсовет ҳудудидаги давлатларнинг Саф низоми янги тартибда қайта ислоҳ қилинганми ёки биринчи марта тасдиқланган моделда фаолият юритмоқдами? *Иккинчидан*, Янги тартибдаги Саф низоми ишлаб чиқилган тартибда ҳам Ўзбекистондаги Саф низоми назарда тутган ўзгаришлари билан айнан бир хилда амалга оширилганми ёки йўқми? Ўзбекистондаги янги Саф низоми давлатлараро келишув эвазига эмас, балки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи соҳавий хизматлар ўртасидаги муҳокама асосида шаклланди. Ушбу фактор Ўзбекистон Республикасининг янги тартибдаги Саф низомининг ўзига хослигини белгилаб бермоқда.

Ўзбек сегментида юқорида келтирилган муаммога ечим топиш мақсадида изланишлар олиб борилганида аниқ жавоб топишнинг имкони бўлмади. Ҳозирги кунга келиб Саф тайёргарлиги субъектларини ҳаракат мобайнида **“Орт-ГА”** командасининг тўғри бажарилиши бўйича иккита савол қийнамоқда. *Биринчиси, ҳаракат мобайнида “Орт-ГА” командасига асосан оёқларини “х (крест)” ҳолатига келтириши тўғрими ёки вертикал бир чизиқда бўлганими? Ушбу саволнинг вужудга келишига асосий сабаб, бу – Саф низомида келтирилган “ўнг оёқ ярим кадам олдинга, бироз чапга босилади” жумласидаги “бироз” сўзининг даражавий миқдорига конкрет ёндашилмаган. Яъни, муаллиф бироз деганда айнан қандай ҳолатни назарда тутмоқда? Иккинчиси, ҳаракат давомида “Орт-ГА” командаси бўйича ҳаракат йўналиши ўзгарганидан сўнг, ортга бурилганда чап оёқдаги ҳаракат бошлангунча қисқа пауза ушланадими ёки ҳаракат тўхтамаган ҳолда давом эттириладими? Ушбу саволга ҳам аниқ жавоб топишнинг имконияти мавжуд эмас. Чунки низомда ушбу ҳолат бўйича ҳеч қандай тартибот келтирилмаган. Саф низомида ҳаракатда “Орт-ГА” командаси бўйича мутолаа қилинганда, ҳаттоки, уни қандай бажарилиши бўйича фотофакт ҳам мавжуд эмаслигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.*

Шу муносабат билан муаммоли саволларни қарор топтириш мақсадида низомни яратган муаллифлар томонидан барча саф элементларининг тўғри бажарилиши бўйича инклюзив фото ва видеофрагментларни ишлаб чиқиш орқали Саф низомининг миллий моделини такомиллаштириш тавсия этилади. Саф тайёргарлигининг жорий ҳолатидаги тушунмовчиликларни бартараф этиш мақсадида ишлаб

чиқиладиган ушбу материаллар орқали ижтимоий платформани бойитиш юқори самарадорликка эришишини айтиб ўтишимиз лозим.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Саф тайёргарлиги методикасини сифатли ташкиллаштириш учун машғулот раҳбари машғулот ўтишининг вақт тақсимотиغا, режалаштиришга, шахсий таркибнинг энергия тақсимотиغا, машғулотнинг қизиқарлилигига, элементлар алгоритмига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Шунингдек, раҳбар ёки ўқитувчи томонидан саф элементлари бўйича таҳлилий қобилиятга ҳамда аниқ илмга эга бўлиш хусусияти машғулот методикасининг самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади. *Дарҳақиқат, саф тайёргарлигининг жорий ҳолати ва фаолияти конкрет илмларга зарурият сезмоқда!?* Фаолиятда конкрет илмларнинг мавжудлиги Саф тайёргарлиги методикаси орқали бошқариладиган саф машғулотларининг иккала томони учун ҳам манфаатли бўлишига замин яратади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 2013 йил 28 октябрдаги Саф низоми.
2. Саф тайёргарлиги методикаси. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012.
3. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Metod>
4. <https://youtu.be/sb4kMkDOhAs?t=517>
5. [https://youtu.be/2\\_nW2LYWxEQ?t=14](https://youtu.be/2_nW2LYWxEQ?t=14)
6. <https://youtu.be/L5irvRoY5Fc?t=88>



---

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу илмий мақолада саф тайёргарлиги методикаси, унинг жорий ҳолати, саф тайёргарлиги машғулоти ўтказишда раҳбар ва ўқитувчи учун белгиланган талаблар, саф тайёргарлиги методикасида вужудга келатган муаммолар ва уларнинг ечими хусусида сўз юритилган.

\*\*\*

В данной научной статье говорится о методике строевой подготовки, ее современном состоянии, требованиях, предъявляемых к руководителю и педагогу при проведении строевой подготовки, проблемах, возникающих в методике строевой подготовки и их решениях.

\*\*\*

This scientific article talks about the methodology of drill training, its current state, the requirements for the leader and teacher which provides drill training, the problems that arise in the methodology of drill training and their solutions.



**Улуғбек РАСУЛЕВ,**  
*Малака ошириш институти бошлигининг биринчи ўринбосари,*  
*полковник,*  
**Меҳмонали СУВОНҚУЛОВ,**  
*Институт Юридик фанлар кафедраси бошлиги, ю.ф.н., доцент,*  
*полковник*

**ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ТЕЗКОР-  
ҚИДИРУВ ХИЗМАТИ ҲАМДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ-ЎЗИ  
БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ**

Янги Ўзбекистоннинг “Тараққиёт стратегияси”да жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ва ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, айниқса маҳалла институтининг жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш белгиланган<sup>34</sup>.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар бевосита ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига тааллуқли бўлиб, жамиятда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, айниқса, маҳаллаларда осойишталикни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини жиноий тажовузлардан муҳофаза этиш ҳисобланади.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун ҳуқуқий асос сифатида 2021 йил 29 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони қабул қилинди<sup>35</sup>. Мазкур Фармон билан тасдиқланган Концепциянинг 3-бандида жамиятни қонунга ҳилоф тажовузлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш, шу жумладан, бундай тажовузларнинг барвақт

<sup>34</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон).

<sup>35</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон.

олдини олиш, уларнинг асосий омилларини аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек, ноқонуний миграция ва одам савдоси ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қарши қаратилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш асосий вазифалардан бири этиб белгиланди<sup>36</sup>.

Зеро, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 2023 йил 22 декабрь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган йиғилишда *“Янги Ўзбекистонда қонун устувор, жиноятга жазо муқаррар бўлиши шарт. Ва албатта шундай бўлади”*<sup>37</sup>, деб таъкидлагани бежиз эмас, албатта.

XXI асрда ахборот алмашинуви тизимининг тубдан такомиллашганлиги билан инсоният тарихида **“Ахборот асри”** номи билан таъкидланаётганлиги алоҳида аҳамият касб этса-да, аммо ушбу ахборот асридаги ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, дунёдаги трансмиллий жиноятларнинг энг хавфлиси ва жирканчи одам савдоси, афсуски, айнан шу даврда авж олди. Меҳнат миграцияси, ахборот алмашинувининг кучайиши одам савдоси билан шуғулланадиган шахсларга қўл келди.

Негаки, интернет сайтлар ва ижтимоий тармоқларда пайдо бўладиган турли хил юқори даромадли иш борлиги ҳақидаги таклифлар илгари ўзаро танишиб, учрашиб, турли алдов йўллари билан ишга ёллаш каби ҳолатлар ўрнини эгаллаб, “одам савдоси” каби жирканч жиноятнинг “ривож”ни янада жадаллаштирмоқда.

Одам савдоси, аввало, инсон эркинлиги, тенглиги ва шахсий дахлсизлигига жиддий путур етказди, уни турли хўрлик ва камситишларга дучор этади. Бу жинойат фаолият ортида аслида мажбурий меҳнат, қуллик ва фоҳишалик билан шуғулланишга мажбурлаш каби қабих иллатлар туради.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш шароитида хавфсизлигимизга ҳамда ижтимоий-маънавий барқарорлигимизга раҳна солувчи иллатлардан бири бўлган одам савдоси – бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бирига айланди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Умумжаҳон Декларацияда “Ҳамма одамлар ўз кадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилдилар. Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир.

<sup>36</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон.

<sup>37</sup> [https://uza.uz/uz/posts/qonunga-bepisand-qarab-davlat-va-zhamiyatga-zarar-etkazadiganlar-zhazosiz-qolmaydi\\_550884](https://uza.uz/uz/posts/qonunga-bepisand-qarab-davlat-va-zhamiyatga-zarar-etkazadiganlar-zhazosiz-qolmaydi_550884).



Ҳеч ким қулликда ёки эркинликда сақланиши мумкин эмас; қуллик ва қул савдосининг барча кўринишлари тақиқланади”,<sup>38</sup> – деб белгиланган ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида, “Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга”, – деб эътироф этилган<sup>39</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 августдаги «**Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-633-сон қонуни<sup>40</sup> да ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасида “Одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш” жиноят сифатида баҳоланиб, жавобгарлик белгиланган<sup>41</sup>.

Минг афсус, “одам савдоси” деб аталмиш трансмиллий жиноят чегара билмаслиги сабабли, юртимизда ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда, хусусан, айрим юртдошларимиз жон койитмай, осонгина мўмай даромад топиш йўллариини излай бошлашди. Улар нима қилиб бўлса-да, кўпроқ пул топиш, даромад орттириш мақсадида ноқонуний, ҳалокатли, келажаги йўқ ишларга қўл урмоқда. Қонуний йўл билан эмас, одам савдоси орқали бойишни кўзлаётган айрим ғаразгўй кимсалар алдовига учиб, хориждаги иш ва яшаш шароитларини ўрганмай, давлатлараро шартномалар асосида иш юритувчи расмий идораларни четлаб, оғир аҳволда қолмоқда.

**Фикримизча, одам савдоси жиноятининг олдини олиш ва ушбу жиноятга қарши курашишда асосий вазифани фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ички ишлар органларининг ҳамкорлигида амалга оширилиши нисбатан кўпроқ ижобий самара беради. Зотан, маҳалла шундай ижтимоий ва маънавий кучки, маҳаллада оила ва инсон обрўси йиллар давомида қатра-қатра йиғилади, аммо инсонни ёки оила обрўси бир кунда чилпарчин бўлиши мумкин, шу сабабли маҳалла институтидан оилаларни турли хил жирканч иллатларни олдини олишда қурол қилиб фойдаланиш жоиздир. Ҳеч бир одам ўз маҳалласида обрўсини тўкилишини ёки шарманда бўлишини истамайди. Ўзбекчиликда “маҳаллада номимиз чиқиб кетмасин” деган андиша мавжуд, агарда оилани маҳаллада юзи**

<sup>38</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган.

<sup>39</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.

<sup>40</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.08.2020 й., 03/20/633/1187-сон.

<sup>41</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 1-сон.

шувут бўладиган ёки жирканч жиноят билан айбланаётган бўлса, баъзида ушбу оила маҳалладан кўчиб кетиши ҳолатлари ҳам кузатилади, чунки ориятли инсон бу маҳаллада бош кўтариб юрмайди. Бу ўзбекона менталитет ва урф-одатдир.

“Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида одам савдосига қарши курашиш ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган<sup>42</sup>. Шунингдек, “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасида ички ишлар органларининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари белгиланган бўлиб<sup>43</sup>, унга кўра ички ишлар органлари одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни фoш этиш бўйича тезкор-қидирув фаолиятини ташкил этади ҳамда амалга оширади, жиноят ишлари бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки тергов ўтказилишини таъминлайди, оммавий ахборот воситалари иштирокида аҳоли ўртасида одам савдосига қарши курашиш бўйича тушунтириш-профилактика ишлари мажмуини амалга оширади, одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади ва бошқа ваколатларни амалга оширади.

“Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддасида<sup>44</sup> фуқаролар йиғини кенгаши тегишли ҳудудда жамоат тартибини ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда, шу жумладан, фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади деб белгиланган бўлиб, мазкур қонунда тўғридан-тўғри ички ишлар органлари билан одам савдосига қарши курашиш ва ушбу жиноятнинг олдини олиш белгиланмаган бўлса-да, аммо “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасида ички ишлар органлари билан одам савдосига қарши курашишдаги ҳамкорлиги қонуний тартибда белгилаб берилган<sup>45</sup>.

Бундан ташқари, тезкор қидирув хизмати томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шу жумладан, одам савдосидан

<sup>42</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 438-модда.

<sup>43</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.08.2020 й., 03/20/633/1187-сон.

<sup>44</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон.

<sup>45</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.08.2020 й., 03/20/633/1187-сон.

ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-344-сон Қонунида асосий вазифа этиб белгиланган<sup>46</sup>.

Одам савдосига қарши курашиш борасида Ўзбекистон Республикаси ИИВ миқёсида Тезкор-қидирув департаменти ҳузуридаги Жиноят-қидирув хизмати, Уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси, Одам савдосига қарши курашиш бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ Жиноят-қидирув бошқармасида эса “Одам савдосига қарши курашиш” бўлинмалари ташкил этилган бўлиб, мазкур хизматларнинг асосий функцияси бевосита одам савдосига қарши курашиш фаолиятини амалга оширади.

Фуқаролик жамиятининг ҳуқуқни муҳофаза қилишдаги иштироки ҳуқуқий давлат тараққиётининг муҳим шарти ҳисобланса, ички ишлар органлари ва фуқаролик жамияти институтлари, давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясининг муҳим субъекти, жамоат хавфсизлигини таъминлаш амалиётидаги асосий шериги саналади.

Зеро, ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятидаги ҳамкорлигидан кўзда тутилган асосий **мақсад** – жамият манфаатларига хизмат қилишдан иборатдир<sup>47</sup>.

Жамоатчилик асосидаги ёки ҳамкорликдаги фаолиятнинг асосий шартларидан бири эса, ўзаро келишилган ҳолда хизматни ташкил қилишдан иборатдир. Ҳолбуки, ҳеч қайси давлат идораси ёки ташкилоти бошқа тузилмалар билан ҳамкорликни ташкил этмасдан, фақатгина ўз ички имкониятлари доирасида фаолиятни самарадорлигини таъминлай олмайди<sup>48</sup>. Жумладан, ички ишлар органлари ҳам ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишда давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиши табиий заруриятдир, зеро “Ички

<sup>46</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 585-модда.

<sup>47</sup> Меньшикова Н. С. Партнерская модель взаимодействия государства и гражданского общества: содержание, признаки и условия создания // Вопросы государства и права: сборник научных трудов / Под общ. ред. Л. В. Карнаушенко. Вып. 2. Краснодар: Краснодарский университет МВД России, 2016. – С. 82–91.

<sup>48</sup> Бобохонов А.А. Жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро ҳамкорлиги // Жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб масалалари: республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ЎЗР ИИВ Академияси, 2015. – Б. 11.

ишлар органлари тўғрисидаги”ги қонунда ушбу ҳамкорлик қонуний жиҳатдан мустақамлаб қўйилган”<sup>49</sup>.

Илмий адабиётларда олимлар томонидан одам савдосининг *турлари* қуйидагича таснифланади, жумладан: а) мажбурий меҳнат ёки қулликдан фойдаланиш; б) фоҳишабозлик билан шуғулланишга жалб этиш; в) фоҳишабозликни ташкил қилиш; г) порнографик маҳсулотни ноқонуний тарқатиш; д) вояга етмаган шахс тасвирланган порнографик маҳсулотни тайёрлаш ва тарқатиш<sup>50</sup>.

Мазкур турдаги одам савдосига қарши курашиш бўйича ИИВнинг тезкор қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлари (кейинги матнида – тезкор қидирув хизматлари) билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ўзаро ҳамкорлик жиҳатларини ёритишда “Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонундаги белгиланган асосий вазифаларидан келиб чиқиб, шартли равишда қуйидаги *учта йўналишга* бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. *Жумладан:*

### **1. Одам савдоси жиноятларининг барвақт профилактикаси борасидаги ҳамкорлик.**

Одам савдоси жиноятларини профилактика қилишда ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро ҳамкорлиги қонун ҳужжатлари билан ҳуқуқий тартибга солинган. Ўзбекистон Республикасининг “*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида*”ги қонунининг 10-моддасида ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари билан бир қаторда тезкор қидирув органлари “Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддасидаги тезкор-қидирув тадбирлардан одам савдосига алоқадор жисмоний ва юридик шахслар, фактлар ва ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни билган ёки билиши мумкин бўлган шахс билан бевосита мулоқотда бўлиш жараёнида ахборот олишдан иборат бўлган *сўров*<sup>51</sup> тадбири ва одам савдосига оид ҳужжатларни, материалларни, маълумотлар базаларини ўрганиш, шунингдек, сўровномалар юбориш орқали жисмоний ва юридик шахслар, фактлар ва ҳолатлар ҳақида аҳамиятга эга бўлган ахборотни олишга

<sup>49</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги 407-сон қонуни. Ўзбекистон Республикаси ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 438-модда.

<sup>50</sup> Тоговля людьми: выявление, раскрытие, расследование. Учебное пособие под общей редакцией О.П. Левченко. – Владивосток, 2009. – С. 8-9.

<sup>51</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 585-модда.

қаратилган *маълумотлар тўплаш* тадбирларидан фойдаланган ҳолда **фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда одам савдоси** жиноятларининг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди.

Одам савдоси жиноятининг субъектлари, бошқа жиноятлар каби маҳаллаларда истиқомат қилувчи фуқаролар томонидан содир этилади, мазкур жиноятларни содир этилиши борасидаги барча маълумотларга маҳалла аҳолиси қисман бўлса-да, эга бўлади. Тезкор қидирув хизмати ходимлари томонидан ушбу маълумотлар ўрганилиб, жиноятни содир этишни барвақт олдини олиш чоралари кўрилишига эришилади. Ҳаммамизга маълумки, жиноят содир бўлгандан сўнг уни “иссиқ из”дан очиш эмас, аксинча жиноятни барвақт олдини олиш жамият ва давлат учун фойдалироқ бўлади.

Чунки маҳалла раиси ва маҳалланинг бошқа фаол фуқаролари маҳаллада айнан ким чет мамлакатларга ишлаш учун одам тўплаётганлиги ва ишга юбораётганлиги ёки айнан қайси шахслар томонидан фоҳишабозлик учун аёлларни тўплаш ва уларни чет элга юбориш фаолияти билан шуғулланаётганлиги ва бошқа одам савдоси билан боғлиқ маълумотлар хусусида бирламчи ахборотга эга бўлади.

Шу туфайли ҳуқуқ-тартибот масканларига бириктирилган тезкор қидирув органлари ходимларининг маҳалла раиси ва бошқа фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари ҳамда маҳалла аҳолиси билан ҳамкорликда фуқароларни одам савдоси жиноятининг қурбонига айланмаслиги учун тегишли профилактик чора-тадбирларни, жумладан, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни дастлабки идентификация қилишни амалга оширади, сабаби фуқаролар дастлаб профилактика инспекторига мурожаат қилади. Профилактика инспектори жиноят қидирув хизмат ходимлари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида одам савдосига қарши курашиш бўйича тушунтириш-профилактика ишларини амалга оширади.

Тезкор-қидирув хизмати ходимлари фуқароларимизнинг одам савдоси қурбонига айланишининг қуйидаги сабабларини таҳлил қилган ҳолда, ҳар бир сабаб бўйича алоҳида ёндашув асосида профилактика чора-тадбирларини амалга ошириши лозим. *Жумладан:*

*Биринчидан,* одамларимизнинг соддалиги ва ишонувчанлиги; *иккинчидан,* тез вақт ичида моддий муаммоларни ҳал этиш илинжининг

мавжудлиги; *учинчидан*, енгил иш топиш орзуси; *тўртинчидан*, ҳуқуқий билимларга эга эмаслиги; *бешинчидан*, айрим нопок ҳамюртларимизнинг ғайриинсоний ва ғайриқонуний ҳаракатлари; *олтинчидан*, жиноятдан жабрланганлар дунёқарашининг торлиги, саёзлиги, етарли даражада таъсирчан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормаслик ва шу каби омиллар шулар жумласидандир.

Мазкур муаммолардан келиб чиққан ҳолда фуқароларимизни одам савдоси қурбони бўлмасликлари учун тезкор қидирув хизмати ходимлари маҳалла раислари билан ҳамкорликда профилактик-тушунтириш ишларини амалга ошириши лозим бўлади, акс ҳолда ўз маҳалласидан, нари борса ўз туманидан ёки вилоятдан четга чиқмаган фуқаролар, дунёқараши ва билим савиясини етарли даражада эмаслиги, “уддабурон” одам савдоси билан шуғулланувчи шахсларнинг қурбонига айланади.

### **II. Одам савдоси жиноятларини аниқлаш, уларга барҳам бериш ва уларни фош этишдаги ҳамкорлик.**

Одам савдосига қарши жиноятларни аниқлаш ва жиноятларни “иссиқ из”лардан очишдаги ҳамкорлиги бўлиб, бу бевосита ички ишлар органларининг тезкор-қидирув хизмати ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик бўлиб, ушбу ҳамкорлик маҳалла раислари, кўчабошилар, уйбошилар ва бошқа маҳалла фаоллари билан тезкор ходимлар ўртасида амалга оширилади. Чунки одам савдоси латент жиноят бўлиб, айрим фуқаролар чет элга ишлаш учун кетаётганлигини имконият даражада яширади, сабаби чет элга ишга юборувчи ҳам ишга кетувчи ҳам манфаатдор бўлади, қачонки алданганлигини билгандан сўнг эса фуқаролар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга расмий мурожаат қилади, айниқса фоҳишабозлик билан шуғулланиш учун чет элга кетаётган аксарият хотин-қизлар эса маҳаллада турли гап-сўзга қолишдан кўрқиб, асл мақсадини яширади ва гўёки чет элга ёлғиз қарияларга боқувчи ёки ёш болаларга энага сифатида ишга кетаётганлигини рўқач қилиб, ҳужжатларни расмийлаштиради, қачонки чет элга бориб одам савдоси қурбонига айланганидан кейин эса асл ҳолат юзага чиқади, бундай ҳолатда жиноятнинг олдини олишга кеч бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тезкор ходимлар маҳалла раислари ва бошқа маҳалла фаоллари билан одам савдоси билан

шуғулланувчи шахслар ва чет элга ишга боровчи фуқароларни тезкор-қидирув йўллар билан аниқлаш учун ўзаро ҳамкорликда ишлашни тақозо қилади.

Одам савдоси бўйича тезкор хизмат ходимлари томонидан жиддий эътибор кўпроқ бола савдоси жиноятини аниқлаш ва унга қарши курашиш бўйича маҳалла билан ҳамкорлиги масаласига қаратиши лозим деб ҳисоблаймиз, негаки чет элга кетишда айрим фуқароларнинг ёш болаларини олиб кетиши давлат идоралари томонидан рўйхатга олинади. Аммо ушбу ёш болаларни ота-онаси билан қайтиб келиш масаласи алоҳида тартибда рўйхатга олинмаслиги жиддий муаммоли ҳолатлардан бири эканлиги назардан четда қолмаслиги ва бу масалага алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлади.

**III. Одам савдоси жиноятини содир этиб суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлайётган шахсларни қидиришни амалга оширишдаги ҳамкорлик.**

Одам савдоси жиноятини содир қилиб, суриштирув, тергов ва суддан яшириниб юрган шахсларни қидириб топишда тезкор қидирув хизмати ходимлари доимий равишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик ўрнатади, сабаби маҳалла раиси маҳаллада содир бўлаётган барча маълумотларга, шу жумладан, маҳаллада истиқомат қилмаётган фуқароларнинг узоқ муддат бирор-бир қариндошининг уйида сабабсиз истиқомат қилиб юрганлиги ёки муқаддам ички ишлар идоралари томонидан қизиқиш билдирилган шахсларнинг маҳаллада пайдо бўлиб қолганлиги, шунингдек, маҳалла аҳолиси орасида бирор фуқаронинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қидирилганлиги ва ушбу фуқаро маҳалла ҳудудида пайдо бўлиб қолганлиги хусусидаги ахборотларга биринчилардан бўлиб хабар топади.

Бундай ҳолатларда, *биринчидан*, тезкор хизмат ходимлари томонидан маҳалла раиси билан узвий алоқа ўратилганлиги сабабли, қидирувдаги шахсларни аниқлаш ва уларни ушлаш чоралари бўйича ижобий натижаларни қўлга киритишлари мумкин. *Иккинчидан*, айрим қидирувдаги шахслар ўз хонадонларида ёки бошқа объектларда яшириниб юришлари мумкин, ички ишлар ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларидан яшириниб, ўзини пинҳона сақлаши мумкин, аммо айрим ҳолатларда маҳалла раисидан шубҳа уйғотмаслигидан фойдаланган ҳолда,

хонадонни кўздан кечириш каби тезкор тадбирларда маҳалла раиси билан ҳамкорлик қилиш орқали қидирувдаги шахсларни аниқлаш мумкин. *Учинчидан*, айрим ҳолатларда чет элда қидирувда юрган шахсларни маҳалла раисининг кўмагида Ўзбекистонга қайтариш амалиётидан фойдаланиш ҳам бевосита тезкор хизмат ходимларининг маҳалла раислари билан ҳамкорлиги натижаси бўлиши мумкин. Сабаби қидирувдаги шахснинг оила аъзоларига қидирувдаги шахсни суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга ихтиёрий келишини, натижада унинг жазоси енгиллаштирилиши ёки унга нисбатан қўлланилган “қамоқ” эҳтиёт чораси бошқа “қамоқ” билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораларга алмаштирилиши хусусидаги тушунтиришларига қидирувдаги шахснинг ўзи ва ота-оналари ишонмасликлари мумкин. Аммо бу ҳолатда маҳалла раисига қонундаги енгиллаштирувчи ҳолатлар тушунтирилиб, уни кўмагида қидирувдаги шахснинг ўзи ёки ота-онаси билан тушунтириш ишлари олиб борилган тақдирда қидирувдаги шахсни ўз ихтиёри билан келтирилишига эришиш мумкин.

“Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддаси<sup>52</sup>га кўра тезкор қидирув хизмати ходимлари одам савдоси жиноятини содир қилиб, қидирувда юрган шахсларни аниқлаш ва уларни ушлаш чораларини кўриш мақсадида турар-жойлар ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини кўздан кечириш ҳамда ўрганишдан иборат бўлган ***турар-жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, техник ва транспорт воситаларини текшириш*** тадбиридан маҳалла раисларининг ёрдамидан фойдаланган ҳолда амалга оширишлари мумкин.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан тезкор қидирув хизмати ходимларининг ҳамкорлиги натижасида одам савдоси олдини олиш ва ушбу жиноятни фож этишда ҳамкорлик қилган маҳалла ходимлари ва фуқароларини моддий рағбатлантириш ҳамда тақдирлаш чораларини кўриш масаласини қонунчиликка киритиш, ушбу ҳамкорликни янада самарали ташкил этилишига ижобий таъсир кўрсатади. Халқаро тажрибага таянадиган бўлсак, кўпчилик хорижий мамлакатларда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда жамоатчилик вакиллари ва фуқароларнинг ҳамкорлиги учун моддий рағбатлантириш-қонунчилик амалиёти йўлга қўйилганлигини кўришимиз мумкин.

<sup>52</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 585-модда.



Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, тезкор-қидирув хизмати ходимлари фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлиги одам савдосининг барвақт олдини олиш ҳамда унга қарши курашишда ижобий самара беришига ишонади.

## РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши курашиш борасида ички ишлар органлари, жумладан, жиноят қидирув хизмати фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлиги фаолиятининг назарий ва амалий жиҳатлари илмий-амалий таҳлил қилинган, шунингдек, ўзаро ҳамкорлик борасидаги мавжуд муаммолар ўрганилиб, уларнинг ечимлари бўйича асослантилган таклифлар илгари сурилган.

\*\*\*

В статье проведен научный и практический анализ взаимодействия органов внутренних дел, в том числе службы уголовного розыска, с органами самоуправления граждан в борьбе с торговлей людьми в Республике Узбекистан, а также были изучены существующие проблемы взаимодействия и выдвинуты обоснованные предложения по их решению.

\*\*\*

The article carried out a scientific and practical analysis of the interaction of internal affairs bodies, including the criminal investigation service, with self-government bodies of citizens in the fight against human trafficking in the Republic of Uzbekistan, and also studied existing issues of interaction and put forward reasonable proposals for solving them.

**Шерзод ТАДЖИМЕТОВ,**  
*Малака ошириш институти Жанговар тайёргарлик цикли бошлиги,*  
*доцент, подполковник*

**ВАЗИРЛИК ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МАЪНАВИЙ-  
МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ  
ШАКЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ**

Янги Ўзбекистоннинг жаҳондаги ижобий имижини мустаҳкамлаш, самарали ташқи ва ички сиёсат юритиш мутахассислар зиммасига ҳар қачонгидан-да масъулиятли вазифалар юкляпти. Бундай мураккаб вазифаларни самарали бажариш сифатли таълим олаётган, халқимиз ва Ватанамиз манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўядиган малакали миллий кадрларга боғлиқ.

Президентимиз Ш.М. Мирзиёев 2022 йилнинг 20 декабрида Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига қилган Мурожаатномасида: *“Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир”*,<sup>53</sup> деб қайд қилди.

Тарбия бу – шахсда муайян жисмоний, руҳий, маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий педагогик жараён бўлиб, инсоннинг жамиятда яшаши учун зарур бўлган хусусиятларга эга бўлишини таъминлаш йўлида қўриладиган чора-тадбирлар йиғиндиси ҳисобланади. Чунки тарбиясиз алоҳида одам ҳам, кишилиқ жамияти ҳам мавжуд бўла олмайди. Жаид бобомиз Абдулла Авлоний *“Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”*, деган чуқур маъноли сўзлари нақадар ҳақиқат эканини яхши англаймиз. Ички ишлар органлари таълим муассасаларида курсант ва тингловчиларни тарбиялаш тизимининг самарадорлигини баҳолаш методикаси – илмий методлар ва усуллар йиғиндисидан ташкил топади. Улар ёрдамида тарбия жараёни олдига қўйилган мақсад ва вазифаларга эришилганлик даражасини билдирадиган ишончли объектив ахборот олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев бу ҳақда танқидий фикр билдириб, *“Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш ва ўқитиш, навқирон авлодимизни бизнинг халқимизга мутлақо бегона бўлган бузғунчи*

<sup>53</sup> Халқ сўзи, 2022 йил 21 декабрь.

гоялардан ҳимоя қилиш масалаларига зарур даражада эътибор қаратилмади”<sup>54</sup>, деб таъкидлаган эдилар. Дарҳақиқат, Юртбошимиз томонидан билдирилган танқидий фикрлар ҳамда мазкур соҳада белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, бугунги кунда мамлакатимиз ёшларига малакали билим бериш ва тарбиялаш долзарб вазифа ҳисобланади.

ИИВ таълим муассасалари тарбиявий тузилмаларида курсант (тингловчи)ларни етук маънавиятли ва маърифатли қилиб тарбиялашда маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш жараёни етакчи вазифани бажаради, бўлажак ички ишлар органлари ходимининг ижобий руҳда шаклланишига катта таъсир кўрсатади, чунки ўқув фанларининг мазмунида халқимизнинг муҳим маънавий, ахлоқий, маданий кадриятлари ва анъаналари ифодаланган. Аммо фикримизча, бу жараёнга тарбиявий фаолиятнинг алоҳида таркибий қисмлари билан чегараланиш етарли эмас деб ҳисоблаймиз. Жумладан, ИИВ академик лицейларида «*Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик*» фани доирасида тарбиянинг мазмуни, мудофаа доктринаси, ҳарбий қасамёд, ҳарбий низомлар, қонунлар ва умумий таълим фанлари ҳамда ҳарбий фаолиятнинг асосий қоидаларини очиб берадиган махсус фанлар (ёшларни чақириққа қадар бошланғич тайёрлаш, фуқаро муҳофазаси) ташкил қилади. Ўқув юртларида ватанпарварлик тарбияси барча бўғинларда амалга оширилиши керак.

Ёшларни жиноятчиликка қарши курашга тайёрлаш – инсон бутун ҳаёти давомида амалга ошириладиган узоқ ва тизимли жараёндир. Тарбия оиладан бошланади ва мактабда бошланғич синфлардан бошлаб давом этади. Ички ишлар органлари таълим муассасалари тингловчи ва курсантларини тарбиялашда ушбу жараён мантиқий изчилликда давом эттирилиши лозим.

Ички ишлар органлари таълим муассасалари тузилмаларида тингловчи ва курсантларни тарбиялашда қуйидаги вазифалар белгиланган:

*ўқув тарбиявий жараёнлар сифатини жаҳон андозаларига мос равишда юқорига кўтариш;*

*ўқув ва тарбия усулларини қўллашда замонавий педагогик ва ахборот олиш технологияларидан фойдаланиш;*

<sup>54</sup> Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – P. 79-80.

*ёшларни миллий гоя, умуминсоний қадриятларни билиши, Ватанга муҳаббат, мустақиллик гояларига содиқлик руҳида ўқитиши ва тарбиялаши, тингловчи ва курсантлар билан мунтазам равишда иш олиб бориши;*

*қобилиятли ҳамда истеъдодли тингловчи ва курсантларни аниқлаши ҳамда ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиши мақсадида уларга чет давлатларда ўқиши учун шароитлар яратиши;*


*ички ишлар вазирлиги таълим муассасалари тарбиявий тузилмалари мутахассисларининг малакасини ошириши ва тажриба алмашиши учун хорижий мамлакатларда ўқитишини ташкил қилиши;*

*таълим муассасалари Ахборот-ресурс марказларини янги адабиётлар, замонавий компьютер техникалари ва интернет тармоқлари билан таъминлаши, ўқитувчиларнинг ўқитиши самарадорлиги кўрсаткичларини (KPI) асосида баҳолашдан иборат.*

Аҳоли кўз ўнгида ходимларнинг ҳурмати ва обрўсини ошириш, фуқароларга нисбатан ҳурматсизлик, қўпол муносабат, жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликларни яширишга йўл қўймаслик ҳамда ички ишлар органлари ходимлари томонидан ноқонуний ҳаракатлар содир этиш ҳолатларини бартараф этиш муҳим аҳамиятга эга. Ички ишлар органлари ходимларининг хатти-ҳаракатларига аҳоли томонидан ишониш ва уларни қўллаб-қувватлаш ҳуқуқи фақат профессионаллик, беназир шаън ва виждон, одоб-ахлоқ ва муносиб ном билан берилади.

ИИВ таълим муассасалари тарбиявий тузилмаларидаги маънавий-маърифий ишлар – кўп қиррали таълим жараёнининг энг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Баркамол шахснинг шаклланиши шахсда ички дунёнинг шахсиятга бўлган ҳар қандай ташқи таъсири ёки таъсир натижасида юзага келадиган мукамал фазилатларни ёки шахснинг бутун кўринишини шакллантиради, ўзгартиради ва ривожлантиради.

### Шахнинг шаклланиш жараёни



Маънавий-маърифий ишларнинг моҳияти ИИВ таълим муассасалари тарбиявий тузилмаларида тингловчи ва курсантларнинг шахсий сифатлари, уларнинг хусусиятлари, қизиқишлари, эҳтиёжлари, қобилиятлари, характери, темпераментини ҳар томонлама ва чуқур ўрганишга асосланган, хизмат манфаатларини бажаришда улардан фойдаланиш, ривожлантириш ва шахнинг ҳар томонлама ривожланишига кўмаклашиш учун, интизом ва қонунийлик билан расмий вазифаларни муваффақиятли бажариш учун зарур фазилатларни шакллантиришдан иборат.

Маълумки, мантиқ қоидалари ва талабларига кўра, муайян бир ҳаракатни амалга ошириш учун дастлаб **мақсад** аниқлаб олинади. Зеро, ИИВ таълим муассасалари тарбиявий тузилмаларида маънавий-маърифий ишларнинг **мақсади** – ходимда ички ишлар органларида хизмат қилиш учун зарур бўлган касбий-ахлоқий сифатларни шакллантириш ва фазилатларни ривожлантиришдан иборат. Маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш куйидаги **вазифалар** орқали ҳал этилади:

*ходимларнинг хизмат бурчини виждонан бажаришга бўлган онгли муносабатини шакллантириш;*

*қонун устуворлиги ва тартиб-интизомга риоя қилиш даражасини ошириш;*

*салбий таъқи таъсирларга қарши ҳимоя иммунитетини шакллантириш ва ривожлантириш;*

*тингловчиларда ватанпарварлик туйғуларини ва байналмилалчиликни ривожлантириш.*

**Принцип** – шаклланиш жараёни, ривожланиш ва ҳаракатланишнинг раҳбар ғояси, бошланғич қоидаси, етакчи мезони сифатида майдонга чиқади. Тарбиявий тузилмаларда маънавий-маърифий ишлар муваффақиятининг муҳим таркибий қисмларидан бири маънавий-маърифий ишлар принципларини билиш ва уларнинг талабларига амалда риоя қилиш ҳисобланади. Демак, маънавий-маърифий ишлар принциплари унинг қонуниятларини акс эттирувчи ва таълим жараёнининг мазмуни, методологияси ва ташкил этилишига қўйиладиган талабларни ифодаловчи илмий асосланган раҳбар ғояси, бошланғич қоидаси, етакчи мезони сифатида қаралади.

Бу принципларни билиш таълим олувчига муайян шароитларга асосланган ҳолда тарбиявий таъсирнинг турли шакллари кўллаш, таълимнинг муайян усулларидан фойдаланиш ҳамда педагогик таъсир натижаларини олдиндан айтиб бериш ва таълим жараёнини бошқариш имконини беради.

Маънавий-маърифий ишларнинг принциплари ажралмас тизимни ифодалайди ва уларга қуйидагилар:

*маънавий-маърифий ишларнинг курсант ва тингловчи ҳаёти ҳамда фаолияти билан алоқаси;*

*шахс ва жамоада ижобийликка таяниш;*

*жамоада ва жамоа орқали тарбиялаш;*

*таълим ва тарбиялашнинг бирлиги;*

*шахс ва унинг шахсий қадр-қимматини ҳурмат қилиш;*

*тарбияга яқка тартибдаги ва табақалаштирилган ёндашув;*

*таълим жараёнида ўқитиладиган фанларнинг тарбиявий фаолият билан бевосита боғлиқлиги, бирлиги ва изчиллиги киради.*

ИИВ таълим муассасалари тарбиявий тузилмаларида яқка тартибдаги маънавий-маърифий ишлар ҳар бир тингловчи ва курсантда, ходимда ички ишлар органларида хизмат қилиш учун зарур бўлган касбий-ахлоқий сифат ва фазилатларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришга хизмат қилиши керак.

Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар хизмати

фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ маънавий-маърифий ишлар қўйидаги усулларда:

- якка тартибда;
- ахборот тарғиботи;
- жамоатчиликни жалб этиш;
- ижтимоий ва ҳуқуқий чоралар;
- профилактик чоралар амалга оширилади.

Маънавий-маърифий ишлар ишонтириш, муҳокама қилиш, ибрат (намуна, мастер-класс кўрсатиш), соғлом рақобат (мусобақа), мукофотлаш (рағбатлантириш), танқид қилиш (интизомий таъсир) усуллари орқали амалга оширилади.

Якка тартибдаги маънавий-маърифий ишларни ўтказишга масъулларнинг бўлиниш тоифасидаги бошлиқ (командир)лар томонидан қўл остидаги ходимга индивидуал таъсир қилиш, унда маънавий-маърифий, ахлоқий-психологик ҳамда профессионалик сифатларини шакллантиришни ўз ичига олади. Якка тартибдаги маънавий-маърифий ишлар шахсий таркиб билан мунтазам ва мақсадли ўтказилиши лозим.

Якка тартибдаги маънавий-маърифий ишлар қўйидаги *шаклларда* ўтказилади:

- ходимнинг тавсифловчи ҳужжатларини ўрганиш;
- хизмат интизоми кўрсаткичлари ва фаолияти натижаларини таҳлил қилиш;

якка тартибдаги суҳбатлар (танишув, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишга, маънавий-маърифий ҳамда умумий профилактика йўналишлардаги).

Ходимга нисбатан йиғма жилд юритилган ҳолларда суҳбатнинг мазмуни алоҳида варақда қайд этилади ва ходимга таништирилиб, имзо қўйдирилади ҳамда йиғма жилдга тикиб борилади. Ходим танишиш ёки имзо қўйишдан бош тортган тақдирда, икки нафар раҳбар ходим иштирокида бу ҳақида қайд этиб қўйилади.

*Танишув суҳбати* – ходим билан шахсан танишиш, унга жамоада ва турли вазиятларда ўзини муносиб тутиш, хизматнинг ўзига хос томонларини, шунингдек, илғор тажрибаларни тарғиб қилиш мақсадида хизматга янги қабул қилинган, таълим муассасаларини тамомлаб келган ёки лавозимга тайинланган ходимлар билан 10 кун муддат ичида ўтказилади.

*Ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишга йўналтирилган суҳбат* – ходимни мукофотлаш ҳамда рағбатлантириш (стимул), унинг ижтимоий-маиший ва ҳуқуқий муаммоларини бартараф этиш мақсадида ҳар ойда камида бир маротаба ўтказилади.

*Маънавий-маърифий йўналишидаги суҳбат* – хизмат кўрсаткичлари паст бўлган, ноўрин ҳаракатлар содир этган ва хизмат интизомини бузган, руҳий ҳолатида салбий ўзгаришлар сезилган ходимлар билан ҳар ойда камида бир маротаба ўтказилади.

*Янги қабул қилинган ходимлар билан суҳбат* – хизматнинг дастлабки йилида ҳар чоракда камида бир маротаба ўтказилади.

Ходим билан умумий профилактика йўналишида суҳбат ўтказганда ундан бошқа ходимлар бўйича фикрлари сўралади, ходимлар ўзини-ўзи профилактика қилиши лозимлиги, бирор-бир ходим ноўрин хатти-ҳаракат содир этганида уни бартараф этгандан кўра, олдини олган афзал эканлиги тушунтирилади.

Ходим бошқа бир ходимнинг салбий хатти-ҳаракатлари тўғрисида раҳбарларига ўз вақтида ахборот берганда, ички ишлар органлари ходимларининг аҳоли орасида обрўси тушиб кетишидан асраганлиги учун рағбатлантирилиши мумкин.

Ўз навбатида, ходим салбий ҳолатларга бефарқлик билан ёндашганлиги ҳамда олдиндан била туриб хабар бермаганлиги учун тегишли жазога тортилади.

Якка тартибдаги маънавий-маърифий ишлар куйидаги ходимлар билан биринчи навбатда ўтказилиши лозим: а) ички ишлар органлари хизматида янги қабул қилинганлар; б) таълим муассасаларини тамомлаб келганлар; в) хизматни давом эттириш учун бошқа идора ва ташкилотлардан ўтказилганлар; г) хавф гуруҳидагилар.

Руҳий ҳолатида салбий ўзгариш сезилган ходимлар билан олиб бориладиган якка тартибдаги маънавий-маърифий ишлар барча даражадаги бошлиқ (командир)лар томонидан амалга оширилади, зарурат бўлганда психолог ва психиатр ҳам жалб этилиши мумкин.

Ахборот тарғиботи ходимнинг хизмат фаолияти учун зарур бўлган маълумотлар, янгиликлар, шунингдек, давлат томонидан олиб борилаётган ислохотларни етказиш ҳамда моҳиятини тушунтиришдан иборат.

*Жамоатчиликни жалб этиш* – ходимлар билан ўтказиладиган маънавий-маърифий ишларни амалга оширишда ички ишлар



органларининг Фахрийлар, Хотин-қизлар кенгашлари ва Ёшлар ишлари агентлиги каби жамоатчилик тузилмаларини жалб этиш, уларнинг имкониятидан фойдаланишни ўз ичига олади. Мазкур ташкилотлар фаолиятини ички ишлар органи бошлиғи (командири)нинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари мувофиқлаштиради ва назорат қилади.

*Профилактик чораларни амалга ошириш* – рейдлар ҳамда бошқа симуляцион тадбирлар ўтказиш, шунингдек, ходимлар ва бошқа шахслар орасида тарқалган маълумотларни таҳлил қилиш орқали салбий ҳолатлар келиб чиқишининг олдини олиш бўйича зарур чораларни белгилашни назарда тутади.

Шахснинг хусусиятлари ва тарбиявий таъсир мақсадларига қараб тарбиявий ишнинг хилма-хил усуллари: ишонтириш, машқ қилиш, рағбатлантириш, мажбурлаш ва ижобий мисоллардан фойдаланиш керак.

Инсоннинг энг муҳим хислатлари: дунёқараши, онги ва ишончининг шаклланишида иймон-эътиқод ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Тарбияда *машқ усули* деганда, кундалик ҳаётни, ўқув жараёнини ташкил этиш тизими ва ходимларнинг муаммоларни ҳал қилишда тўғри хулқ-атвор, мустақиллик тажрибасини алоҳида тўплашга ва шахсий, ахлоқий хис-туйғуларини, иродасини ва муносабатларини ривожлантиришга имкон берувчи расмий тадбирлар тушунилади.

Ходим шахсининг сифатлари уларнинг касбий вазифалари мазмунига мос келадиган фаолият турларида такроран иштирок этиш жараёнида шаклланади ва такомиллашади.

Машқ усулидан фойдаланишнинг муваффақияти қўл остидагиларнинг ёш ва якка тартибдаги хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олишга боғлиқ.

*Рағбатлантириш* – ички ишлар органи ходимларини маънавий ва моддий рағбатлантириш усул ва воситаларининг ўзига хос мажмуидир. Бу усул қўл остидагиларни тарбиялашнинг жуда нозик ва қудратли воситаси бўлиб, ундан фойдаланиш тарбиячидан жиддий ва теран муносабатни талаб қилади. Уларнинг рағбатлантириш ҳуқуқидан фойдаланиб, тарбиячи шахснинг якка тартибдаги хусусиятлари ва жамоа фикрини ҳисобга олиши ҳамда бўйсунувчининг саъй-ҳаракатларини самарали ўтказиш учун тегишли шарт-шароитларни танлаши лозим. Рағбатлантириш усулининг самарадорлиги унинг турларини тўғри бирлаштиришга боғлиқ.

Рағбатлантиришнинг маънавий ва моддий турларини моҳирона бирлаштириш зарур.

Тарғибот усулидан самарали фойдаланишнинг шартларидан бири унинг ўз вақтидалиги ва ошкоралигидир. Ошкораликнинг психологик маъноси шундаки, у тарғиб қилинган шахсда ҳам, бутун жамоада ҳам соғлом жамоатчилик фикрини, ижобий эмоционал ҳолатни шакллантиришга ёрдам беради.

*Мажбурлаш* деганда, ўз хатти-ҳаракатларини тўғрилаш ва ўз бурчини бажаришга ундаш мақсадида қонунларни, буйруқларни ва ахлоқий нормаларни бузувчи ходимларга таъсир кўрсатиш восита ва усуллари тизими тушунилади. Ходимни мажбурлаш иродасини, ички ишлар органи (бўлинмаси) олдида турган вазифаларни ҳал этиш манфаатлари йўлида жамоа олдида бажаришга мажбур қилиш демакдир.

Мажбурлаш раҳбардан нафақат қатъийлик ва талабчанлик, балки билимлиликни ҳам талаб қилади. Қатъий талаб қилиш, таққ ўрнатиш, қораловчи жамоатчилик фикрини яратиш, айблов ҳақида огоҳлантириш, жазо ва бошқалар каби чораларни қўллаш орқали амалга оширилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, соҳада бошланган ислоҳотларни изчил давом эттириш, таълим-тарбия муассасаларида мавжуд муаммоларни ҳамма биргаликда ҳал қилиши, умуман, таълим сифати ва маънавий-маърифий ишларни ҳар томонлама яхшилаш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва бир-биримизга кўмаклашишимиз жуда муҳим. Бундай масъулиятли ишда ҳар биримиз фаол иштирок қилишимиз ва барча имкониятларни сафарбар этишимиз керак.

---

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасалари тарбиявий тузилмаларида курсант ва тингловчиларни оқилона тарбиялаш учун маънавий-маърифий ишларни ташкил этишнинг шакллари ва усуллари атрофлича ёритилган.

\*\*\*

В статье подробно и умно освещены формы и методы духовно-просветительской работы в воспитательных структурах образовательных учреждениях МВД.

\*\*\*

The forms and methods of organizing spiritual and educational work in the system of training cadets (students) in the educational structures of higher education institutions of the internal affairs bodies are detailed in the article.



**Ойбек АХМАДОВ,**  
*Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси*  
*Миллий маркази масъул ходими, мустақил изланувчи*

**ИСЛОМ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО  
МАМЛАКАТЛАРДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА  
МИЛЛИЙ ИНСТИТУТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ**

**Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар (ИХБМИ)**

Тарихан инсон ҳуқуқлари институтлари Ўрта аср мусулмон давлатларида яратилган. Бу мухтасиб<sup>55</sup> институти бўлган. Мухтасиб ислом дини ва шариат аҳкомлари асосида фаолият юритиб, назорат функциясини бажарган. Мухтасиб ислом маросимлари, урф-одатлари ва шариат қонунларининг бажарилиши, одамларнинг жамоат жойларида юриштириши ҳамда кўплаб қоидаларга риоя этилиши устидан назорат қилувчи амалдор бўлган. Шариат тизимига хос мансабдор шахслар тоифасига кирган ушбу назоратчилар дунёдаги барча ИХБМИ фаолияти учун пойдевор бўлиб хизмат қилган. Ҳозирги пайтда инсон ҳуқуқлари универсал концепция сифатида бутун дунёда самарали ҳимоя қилиниши учун биргаликда саъй-ҳаракатларни талаб қилмоқда.

Замонавий институтлар ва механизмларнинг хилма-хиллиги инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро нормаларнинг ривожланиши ва таъминланишига кўмаклашади. Инсон ҳуқуқларининг халқаро тартибини глобал, минтақавий ва миллий институтлардан ташкил топган уч даражали тизим сифатида тасаввур қилиш мумкин (Held, 1999)<sup>56</sup>. Инсон ҳуқуқлари бўйича турли халқаро тизимлар кўпинча кесишади, чунки давлатлар глобал, шунингдек, минтақавий ва миллий даражадаги инсон ҳуқуқлари институтларининг юрисдикциясида бўлиши мумкин. Институтлар турли даражада инсон ҳуқуқларини амалга ошириш, мониторинг қилиш ва ҳимоя қилишда сезиларли рол ўйнайди. Инсон ҳуқуқлари бўйича нормалар ва стандартларнинг кенгайиши, халқаро резолюциялар ва битимлар билан биргаликда бутун дунё бўйлаб ИХБМИ аҳамияти тез суръатлар билан ошишига сабаб бўлди.

Таниқли инсон ҳуқуқлари бўйича институтлар (ИХБИ) ва механизмлар БМТ доирасида ташкил этилган бўлиб, уларга БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ёки Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди каби минтақавий институтлар киради. Ушбу таниқли ИХБИ билан

<sup>55</sup> Араб. – назорат қилувчи.

<sup>56</sup> Held, D. et al. (1999). *Global Transformations: Politics, Economics and Culture*. Cambridge: Polity Press.

бир қаторда сўнгги 50 йил ичида юзлаб минтақавий ва ИХБМИ тарқалди. Айрим ҳолларда, ушбу механизмлар инсон ҳуқуқлари нормаларининг ўзаро боғланган тармоғини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш учун зарур пойдевор яратди. Шу нуқтаи назардан, институтлар ва инсон ҳуқуқлари нормалари ва стандартларининг бажарилиши бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. ИХБИ инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро, минтақавий ёки миллий нормалар ва стандартларнинг қўлланилиши, баҳоланиши ҳамда назорат қилинишида восита бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назоратнинг уч босқичли тизими шаклланган: *халқаро, минтақавий ҳамда миллий даражада*. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро нормаларнинг амалга оширилишини таъминлашга қаратилган халқаро универсал ва минтақавий механизмлар билан бир қаторда, ИХБМИ ҳам муҳим ўрин тута бошлади.

ИХБМИ – инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш бўйича конституциявий ва (ёки) қонунчилик ваколатига эга бўлган давлат органларидир<sup>57</sup>.

БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар тавсияларига мувофиқ, ИХБМИни ривожлантиришга ҳам халқаро, ҳам миллий даражада эътибор кучайтирилмоқда.

Илк маротаба ИХБМИга қизиқиш БМТ томонидан 1946 йилда Иқтисодий ва ижтимоий Кенгашнинг иккинчи сессиясида билдирилиб, унда иштирокчи давлатларга БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси<sup>58</sup> билан ҳамкорлик қилиш мақсадида ўз мамлакатларида инсон ҳуқуқлари бўйича кўмиталар ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш таклиф қилинганди<sup>59</sup>. Бундай органни 1947 йилда ташкил этган илк мамлакат Франция бўлди.

Жаҳонда ИХБМИ концепциясининг ривожланиши билан бир қаторда, халқаро ҳамжамият томонидан ушбу институтларнинг яратилиши ва фаолият юритиши бўйича муайян тамойиллар ва қоидалар ишлаб чиқилди.

ИХБМИ фаолиятининг халқаро ҳуқуқий асоси **Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг мақомига оид Париж принциплари** ҳисобланиб, улар кейинчалик БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йил 20 декабрдаги 48/134-сонли резолюциясида маъқулланган бўлиб, ИХБМИнинг вазифалари, уларни шакллантириш ва молиялаштириш

<sup>57</sup> <https://ganhri.org/nhri/>

<sup>58</sup> БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси 1946 йилда ташкил этилган бўлиб, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2006 йил 15 мартда қабул қилинган 60/251-сонли резолюцияси билан Комиссия ўрнига БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши тузилган.

<sup>59</sup> National Human Rights Institutions. History, Principles, Roles and Responsibilities. /Professional Training Series No.4 (Rev. 1). – UNITED NATIONS, New York and Geneva, 2010. – P. 7.

тартиблари ҳамда мустақиллиги ва фаолиятини таъминлашнинг бошқа мезонларини белгилаб беради<sup>60</sup>.

Гарчи ҳар бир давлат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институтларини яратишда асосий тамойилларини ўзгартирмаган ҳолда ўз шароитларига мослаштира олиши мумкин бўлса-да, аксарият мамлакатлар уларни тузишда Париж тамойиллари қоидаларини устувор деб ҳисоблашади.

### **Париж принципларига мувофиқ ИХБМИ:**

*биринчидан*, фаолиятининг қонуний жиҳатдан мустаҳкамланиши ва унинг давлат органларидан мустақиллиги, шунингдек, муассаса тузилмасида кенг вакилликнинг мавжудлиги;

*иккинчидан*, у парламентга, ҳукуматга ёки бошқа органларга инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш масалалари бўйича тавсиялар, таклифлар ва ҳисоботлар, шу жумладан, қонун лойиҳаларини киритиш ҳуқуқига эга;

*учинчидан*, мамлакатдаги инсон ҳуқуқларига оид вазият ҳамда аниқроқ масалалар бўйича ҳисоботлар тайёрлаш;

*тўртинчидан*, халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш ёки уларга қўшилишга кўмаклашиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш;

*бешинчидан*, давлатлар томонидан БМТ органлари ва қўмиталарига тақдим этиладиган миллий ҳисоботларни тайёрлашда иштирок этиш;

*олтинчидан*, шикоятларни кўриб чиқиш ҳамда улар юзасидан тавсиялар бериш ваколатига эга бўлиш керак<sup>61</sup>.

Париж принципларининг қабул қилиниши ИХБМИ учун халқаро стандартларни яратиш ва ривожлантириш бўйича фаол норма ижодкорлиги фаолиятининг бошланиши бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим. Кейинчалик бир қатор халқаро шартнома ва декларацияларда, БМТ Бош Ассамблеяси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаши резолюцияларида, БМТ шартнома қўмиталарининг умумий изохлари ва якуний кузатишларида ИХБМИнинг самарали фаолият юритишига оид қоидалар қабул қилинди.

Шундай қилиб, БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциясида “ИХБМИ БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашида, жумладан, унинг Универсал даврий ҳисоботи<sup>62</sup> ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича шартнома органларида тутган муҳим роли” тан олинган.

<sup>60</sup> <https://undocs.org/ru/A/RES/48/134>.

<sup>61</sup> Тиллабев М.А. Национальные институты по правам человека: международные и региональные стандарты А.Х. Саидов, 2014. – С. 7.

<sup>62</sup> <https://nhrc.uz/uz/menu/universal-davrij-isobot>.

**ИХБМИга тааллуқли барча халқаро ҳужжатларни 3 гуруҳга ажратиш мумкин:**

**биринчи гуруҳ:** БМТ доирасида қабул қилинган халқаро шартномалар ва декларациялар;

**иккинчи гуруҳ:** БМТнинг низом ва шартнома органларининг резолюция ва қарорлари;

**учинчи гуруҳ:** минтақавий ҳужжатлар.

ИХБМИни ташкил этиш ва ривожлантиришда ўз ҳукуматларидан ташқари муҳим ёрдамни БМТнинг турли тузилмалари (БМТ тараққиёт дастури (БМТТД), Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Бошқармаси, ЮНИСЕФ ва бошқалар), ЭХХТ ва бошқа донор ташкилотлар томонидан техник қўмак дастурлари орқали амалга оширилмоқда.

ИХБМИнинг дунёнинг турли мамлакатларида кенг тарқалиш жараёни уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳуқуқий ва техник ёрдам кўрсатиш учун халқаро ва минтақавий тузилмаларни яратиш заруратини туғдиради.

**Осиё-Тинч океани минтақаси инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари форуми** (1996 йилда ташкил этилган);

**Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларининг Америка тармоғи** (2000);

**Африка инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларининг мувофиқлаштирувчи қўмитаси** (2002);

**Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларининг Европа тармоғи** (2005).

Шунингдек, дунёнинг турли мамлакатларида омбудсман институтининг кенг миқёсда тарқалиш жараёни уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга ҳуқуқий ва техник ёрдам кўрсатиш учун халқаро ва минтақавий омбудсман муассасаларини яратиш заруратини туғдирди. Ҳозирги вақтда қуйидаги халқаро омбудсман муассасалари ташкил этилган:

**Халқаро омбудсман институти; Европа омбудсман институти; Осиё омбудсман ассоциацияси; Франкофон давлатлар медиаторлари уюшмаси; Иbero-америка омбудсманлар федерацияси ва бошқалар.** Бундан ташқари, омбудсман институти халқаро миқёсда ҳам муваффақиятли фаолият юритмоқда. 1995 йилда Европа Иттифоқи тўғрисидаги Маастрихт шартномасига асосан Европа Иттифоқи омбудсмани лавозими таъсис этилди. Сўнгги йилларда омбудсман ғояси халқаро ҳукуматлараро ва молиявий ташкилотлар фаолиятида ҳам қўллаб-қувватланди (БМТ, БМТТД, Европа тикланиш ва тараққиёт банки доирасида омбудсманлар ташкил этилган).

### **Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва инсон ҳуқуқлари**

Ислом ҳамкорлик ташкилоти – ўз аъзолари ўртасида иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори. Бу ҳамкорликнинг асосий жиҳатларидан бири Ислом оламида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тарғиб қилишдир.

ИХТ фаолиятининг дастлабки йилларида шариатнинг марказийлигини таъкидлаб, қатъий диний ёндашувни қўллаган. Бу даврда ИХТ маҳаллий маданиятлар, тарихлар ва диний эътиқодларни эътиборга олмаган халқаро инсон ҳуқуқлари тизимига эҳтиёткорлик билан қараган<sup>63</sup>.

ИХТ яқин вақтгача инсон ҳуқуқлари масалаларига камдан-кам эътибор қаратиб, асосан, таҳлилий ва резолюция характеридаги ҳужжатларни қабул қилиш билан чекланган.

ИХТ<sup>64</sup> – 1969 йилда мусулмонлар бирдамлигини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган ҳукуматлараро ташкилотдир<sup>65</sup>. 57 аъзо давлат вакили бўлган ИХТ кўпинча ўзини “Мусулмон дунёсининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти” деб атайдди. Аммо БМТдан фарқли ўлароқ, ИХТ тарихан умуминсоний ҳуқуқлар тушунчасига қарши чиққан, аксинча, исломий инсон ҳуқуқлари тушунчасини илгари сурган.

ИХТ Низоми кўринишидаги таъсис ҳужжати Работдаги конференция яқунланганидан 5 йил ўтиб, яъни 1974 йилда қабул қилинган. Бу факт ИХТнинг халқаро юридик шахс мақомига эга бўлганлигидан далолат берди. Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги қоидалар фақат ИХТ Низомининг муқаддимасида ўз аксини топди. ИХТга аъзо давлатларнинг инсон ҳуқуқларига бўлган ёндашуви ИХТга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг XIV конференциясида (Дакка, 1983 йил 6-11 декабрь) қабул қилинган “Исломда инсон ҳуқуқлари тўғрисида”ги Дакка декларациясида “Исломда инсон ҳуқуқлари бўйича ҳужжат лойиҳасини қабул қилиш” (№ 3/14-ORG) деб номланган резолюцияси билан нисбатан тўлиқ ўз ифодасини топди. Эътиборлиси, ушбу Декларация тавсиявий характерга эга эди.

Дакка декларацияси моҳиятан норматив акт ҳисобланмай, балки теологик (диний) характердаги ҳужжатдир. Буни унинг қуйидаги қоидалари тасдиқлайди: “Исломга мувофиқ асосий ҳуқуқ ва эркинликлар ислом динининг (эътиқодининг) ажралмас қисмидир” ва “ҳеч ким уларни тўлиқ ёки қисман бекор қилишга, бузиш ёки эътибордан четда қолдиришга ҳақли эмас...”. Шунингдек, Декларация якунида: “*Барча одамлар*

<sup>63</sup> Human Rights Standards and Institutions in OIC Member States / Statistical, Economic and Social Research and Training Centre for Islamic Countries (SESRIC), 2019.

<sup>64</sup> ИХТ 2011 йилгача Ислом конференцияси ташкилоти деб аталган бўлиб, 2011 йил 28 июнь куни Остона шаҳрида ўтказилган ташқи ишлар вазирларининг 38-сессиясида Ислом ҳамкорлик ташкилотига ўзгартирилди.

<sup>65</sup> [https://www.oic-oci.org/page/?p\\_id=52&p\\_ref=26&lan=en](https://www.oic-oci.org/page/?p_id=52&p_ref=26&lan=en)



*Аллоҳнинг тобеларидир ва Унинг энг сеvimлилари ҳам. Унинг тобеларига хизмат қилувчилардир ва ҳеч ким бошқасидан устунликка эга бўлмай, фақат тақво асосидаги фарқ бундан мустасно*” лиги эътироф этилган.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш соҳасидаги қонун ижодкорлигидаги эътиборга молик қадам юридик мутахассислар қўмитасининг йиғилишида (1989 йил 26-28 декабрь, Техрон) қўйилиб, унда ИХТга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг XIX конференцияси учун маъруза тайёрланиб, ушбу маъруза асосида 1990 йил 31 июл - 5 август кунлари Қоҳирада бўлиб ўтган конференцияда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инсонни эксплуатация ва таъқиблардан ҳимоя қилиш, унинг эркинлиги ва муносиб ҳаётга бўлган ҳуқуқини тасдиқлаш учун инсониятнинг саъй-ҳаракатларига ҳисса қўшиш истагини билдирди ва исломдаги асосий ҳуқуқлар ва умуминсоний эркинликлар ислом динининг ажралмас қисми эканлигини ҳисобга олиб, ИХТнинг 45 аъзоси томонидан (№ 49/19- Р) резолюцияси<sup>66</sup> қабул қилиниб, унга илова сифатида исломий инсон ҳуқуқларидан ташкил топган **“Исломда инсон ҳуқуқлари бўйича Қоҳира декларацияси”** тасдиқланди<sup>67</sup>. Ушбу резолюцияга кўра, “Қоҳира декларацияси” аъзо давлатлар учун инсон ҳуқуқлари соҳасида қўлланма бўлиб хизмат қилиши керак эди.

Гарчи, албатта, ислом ва инсон ҳуқуқлари уйғунлигига ҳеч нарса тўсқинлик қилмаса ҳам, Қоҳира декларациясида илгари сурилган ислом ҳуқуқларининг ўзига хос концепцияси БМТ Инсон ҳуқуқлари декларациясининг асосий тамойилларига зид эди. Декларациянинг ҳеч бир жойида умуминсоний ҳуқуқлар ҳақида ҳеч қандай эслатма бўлмай, бунинг ўрнига декларация аниқ исломий қадриятларга асосланиб, “ушбу Декларацияда кўзда тутилган “барча” ҳуқуқ ва эркинликлар ислом шариатида бўйсунди” (24-модда) дея таъкидланиб, инсон ҳуқуқларининг дахлсизлигидан маҳрум қилган эди.

Ушбу декларациянинг қабул қилинишига муносабат турлича эди. Баъзи мутахассисларнинг таъкидлашича, Қоҳира декларациясининг 1993 йилда Вена шаҳрида бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича Бутунжаҳон конференциясидан бироз олдин қабул қилиниши 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгиланган қадриятлар тизимини бузишга уриниш дея баҳоланса<sup>68</sup>, бошқа мутахассислар эса, аксинча, Қоҳира декларацияси инсон ҳуқуқлари концепцияси ва ислом ўртасидаги

<sup>66</sup> Brems, E (2001). "Islamic Declarations of Human Rights". *Human rights: universality and diversity: Volume 66 of International studies in human rights*. Martinus Nijhoff Publishers. pp. 241–84. ISBN 90-411-1618-4.

<sup>67</sup> Cairo Declaration on Human Rights in Islam, Aug. 5, 1990, U.N. GAOR, World Conf. on Hum. Rts., 4th Sess., Agenda Item 5 // UN Doc. A/CONF.157/PC/62/Add.18 (1993). – Electronic text data. – Mode of access: <http://www1.umn.edu/humanrts/instreet/cairodeclaration.html>>. – Title from screen.

<sup>68</sup> Tadjini, A. The Organization of Islamic Cooperation and Regional Challenges to International Law and Security / A. Tadjini // *Amsterdam Law Forum*. – 2012. – No. 2. – P. 36–48.

ўзига хос мослашув акти эканлигини эътироф этдилар. ИХТнинг ўзи ушбу ҳужжатни, яъни “Инсон ҳуқуқлари бўйича Умумжаҳон декларацияси”ни мусулмон давлатларининг диний ва маданий хусусиятлари билан тўлдирувчи ҳужжат деб таърифлаган.

Қоҳира декларацияси муқаддима ва 25 моддадан иборат. Муқаддимада 1983 йилдаги Дакка декларациясининг қоидалари такрорланиб, “Исломда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ибодатга, бузиш эса ҳар бир шахс учун улкан гуноҳга айланиши” таъкидланади. Қоҳира декларациясининг 1-моддаси<sup>69</sup> деярли 1983 йилдаги Дакка декларациясининг позициясини акс эттирган бўлиб, барча одамлар “Аллоҳга итоаткор ва Одам Атодан тарқалган бир оилани ташкил этади”, дейилган. Қоҳира декларацияси сиёсий ва фуқаролик ҳамда ижтимоий-иқтисодий инсон ҳуқуқларига оид моддаларни ўз ичига олган.

Қоҳира декларацияси шариат қоидаларига асосланган бўлиб, бу борада 22, 24 ва 25-моддаларни алоҳида кўрсатиш мумкин. 22-моддада айтилишича, “ҳар бир инсон ўз фикрини шариат тамойилларига зид бўлмаган даражада эркин билдириш ҳуқуқига эга”, дейилган. Бундан ташқари, 24-моддаси “Ушбу Декларацияда баён этилган барча ҳуқуқ ва эркинликлар Ислом шариати томонидан тартибга солинади”, деб эътироф этилган. 25-моддасида “шариат ушбу Декларациянинг ҳар қандай моддаларини талқин қилиш ёки тушунтириш учун ягона манбадир”, дейилган. Шундай қилиб, Қоҳира декларациясида эълон қилинган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ўз мазмуни ва талқин қилиш имконияти бўйича шариатга “боғланган”лиги, бу ҳужжатга анъанавий хусусият бағишлаганлигини таъкидлаш мумкин.

Сўнгги йилларда ИХТнинг инсон ҳуқуқларининг умуминсоний концепциясига интилаётгани, унинг халқаро инсон ҳуқуқлари тизимидаги иштирокини кучайтираётганлигининг белгилари сезилмоқда. ИХТнинг кенгроқ ислоҳоти доирасида 2005 йилда 10 йиллик Ҳаракатлар дастури ишга туширилиб, унда асосий эътибор умуминсоний инсон ҳуқуқларига ва уларни барча дастур ва тадбирларга киритиш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ИХТ аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, яъни болалар ва аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Айтиш жоизки, ҳозирда болалар ҳуқуқлари бўйича минтақавий стандартларни ишлаб чиқиш жараёни давом этмоқда<sup>70</sup>. Бу жараёндаги муҳим қадам 2005 йил июнь ойида “Исломда болалар

<sup>69</sup> Cairo Declaration on Human Rights in Islam, Aug. 5, 1990, U.N. GAOR, World Conf. on Hum. Rts., 4th Sess., Agenda Item 5 // UN Doc. A/CONF.157/PC/62/Add.18 (1993). – Electronic text data. – Mode of access: <http://www1.umn.edu/humanrts/instreet/cairodeclaration.html>. – Title from screen.

<sup>70</sup> 2000 ва 2003 йилларда “Ислом оламидаги болаларга ғамхўрлик ва ҳимоя қилиш тўғрисида”ги резолюция; Работ декларацияси, 2005 йил.

ҳуқуқлари тўғрисидаги пакт”нинг қабул қилиниши бўлди<sup>71</sup>. Таъкидлаш жоизки, ушбу пакт ИХТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги амалдаги ихтисослаштирилган ҳужжати ҳисобланади.

Исломда болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги пакт 1-моддасида бола деганда “ҳуқуқига мувофиқ вояга етмаган ҳар бир инсон” деб таърифланади. Пактнинг асосий мақсадлари 2 моддасига мувофиқ: эр ва хотиннинг жисмоний ва маънавий соғлом фарзандлар тарбиялаши учун оилага ғамхўрлик қилиш ва уни мустаҳкамлаш ҳамда мусулмон болалари ўз миллати, мамлакати ва дини билан фахрланишлари мумкин бўлган муҳитни яратиш. Ушбу пактда болаларнинг таълим олиш, соғлиқ ва хавфсиз муҳитга эга бўлиш ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Пакт, умуман олганда, фарзанд тарбияси марказига оила ва анъанавий исломий кадриятларни кўяди.

2005 йилдаги Исломда Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги пакт матнини 1990 йилдаги Қоҳира декларацияси билан солиштирганда, шариатнинг инсон ҳуқуқларини тартибга солишдаги ўрни масаласида жиддий фарқни эътироф этмасликнинг иложи йўқ. Шундай қилиб, агар иккала ҳужжатда ҳам шариатга ҳаволалар бўлса-да, Пакт энди уни ўз нормаларини талқин қилиш учун асос қилиб белгиламайди. Умуман олганда, Пактда шариатнинг инсон ҳуқуқларига таъсири заифлашганини кўриш мумкин. Бу Пактнинг 4-моддасида аъзо давлатлар “Пактда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга зид бўлган урф-одатлар ёки тажрибага асосланган ҳаракатларни тугатиш” чораларини кўришга чақирилади, деб эътироф этилган. Шу билан бирга, шариатнинг инсон ҳуқуқларига сезиларли даражадаги таъсирини сақлаб қолган, хусусан, Пактнинг асосий тамойиллари орасида (4-моддаси 1-бандида) “шариат қоидаларини ҳурмат қилишлик” белгиланган.

2011 йилда аъзо давлатларга инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларини бажаришда қўллаб-қувватлаш мақсадида Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия ташкил этилди. Шу йилнинг ўзида ИХТ БМТнинг диний камситиш тўғрисидаги резолюциясининг ҳаммуаллифи сифати ташаббускорлик қилди.

Айримлар ушбу ташаббуслар ИХТ томонидан Қоҳира декларациясидан воз кечишга ва бунинг ўрнига халқаро инсон ҳуқуқларига кўпроқ мос келадиган ҳуқуқлар концепциясини илгари суришга тайёрлигининг белгиси сифатида кўришса, скептиklar уларни кўзбўямачилиқдан бошқа нарса эмас, дея баҳолашган. Баъзилар инсон ҳуқуқлари бўйича янги комиссиянинг ваколати кескин чекланганлигини ва комиссия ИХТга аъзо баъзи давлатларда инсон ҳуқуқларининг жиддий

<sup>71</sup> Ihsanoglu, E. The Islamic World in the New Century. The Organisation of Islamic Conference, 1969–2009 / E. Ihsanoglu. – London: Hurst & Company, 2010. – 288 p.

бузилишига қарши бирор нарса қилиш имкониятига эга эмас, деб таъкидлаб<sup>72</sup> мусулмон дунёсида инсон ҳуқуқларини тарғиб қилиш учун яхши имкониятлар мавжуд бўлишига қарамай, ИХТ ҳозиргача буни удалай олмади, дея ҳисоблашмоқда.

2020 йилда ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг № 63/47-Pol резолюцияси<sup>73</sup> билан Қоҳира декларациясининг янги таҳрири қабул қилиниб, **“Ислом ҳамкорлик ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича Қоҳира декларацияси”**<sup>74</sup> дея қайта номланди. Декларация матни умуминсоний халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек, ислом халқаро ҳуқуқининг манбаларига ҳаволаларни ўз ичига олган. Унда инсон ҳуқуқларининг янада кенг доираси кўзда тутилган бўлиб, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида келтирилган 32 та инсон ҳуқуқ ва эркинликларидан 26 тасини қамраб олган.

Янги Қоҳира декларациясининг эволюцияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ғарб ҳукуматлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича ноҳукумат ташкилотлари (ННТлар) томонидан жуда илиқ қабул қилинди. Чунки у ИХТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича асосий халқаро стандартларга яқинлашишга тайёрлигини намойиш этиб, дастлабки келишмовчилик нуқталари бўйича мулоқот қилиш ҳамда яқиндан ҳамкорлик қилиш имкониятини яратди. Унгача фақат эркакларга тақдим этилган ҳуқуқлар, эндиликда аёлларга ҳам татбиқ этилди.

Шунингдек, янги декларацияда ИХТга аъзо-давлатларнинг миллий қонунчилигида назарда тутилган ҳуқуқ ва эркинликларига, давлатларнинг мажбуриятлари ҳамда суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига зарар етказадиган тарзда талқин қилинмаслиги қатъий белгилаб қўйилган.

### **Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар ИХБМИ**

Вақт ўтиши билан ИХТ инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва минтақавий тузилмаларда фаолроқ иштирок эта бошлади. Охириги йилларда ИХТ инсон ҳуқуқлари бўйича қатор ҳужжатларни қабул қилиб, ушбу соҳада ўз самарадорлиги ва салоҳиятини ошириш мақсадида тегишли институтларни ташкил этиб, ислом кадриятлари ва умуминсоний инсон ҳуқуқлари ўртасида мос келадиган ёндашувга босқичма-босқич ўта бошлади.

<sup>72</sup> Marie Juul Petersen, *Islamic or Universal Human Rights? The OIC's Independent Permanent Human Rights Commission*, Danish Institute for International Studies, 2012, and Turan Kayaoglu, *A Rights Agenda for the Muslim World*, Brookings Doha Center Publications, 2013.

<sup>73</sup> Resolution No. 63/47-Pol On Adoption of the Cairo Declaration of The Organization of Islamic Cooperation on Human Rights. URL: [oic-oci.org/docdown/?docID=6626&refID=3255](http://oic-oci.org/docdown/?docID=6626&refID=3255).

<sup>74</sup> 2020 йил 27-28 ноябрда Нигер Республикасининг Ниамей шаҳрида ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 47-сессиясида қабул қилинган.

ИХТ томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқлари бўйича турли ҳужжатлар билан бир қаторда, инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий ва халқаро резолюциялар, қонунлар ва нормаларни амалга ошириш ва назорат қилиш учун тегишли ташкилотлар ва институтларни ташкил этиш орқали халқаро нормалар ва стандартларни институционализация қилиш нуқтаи назаридан сезиларли ютуқларга эришилди.

2008 йилда ИХТ низомига киритилган ўзгартиришлар асосида, унинг мақсадлари қаторидан “инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари”ни тарғиб қилиш ва ҳимоя қилиш ҳам ўз ўрнини олган эди<sup>75</sup>.

ИХТ мамлакатлари турли маданий, диний ва сиёсий тафовутларни ҳисобга олган ҳолда, инсон ҳуқуқлари бўйича ноёб муаммоларга дуч келмоқдалар. Бу муаммоларга тўғри ечим топишда ҳамда глобал миқёсда камситиш, гендер тенгсизлиги ва озчиликлар ҳуқуқлари каби кўплаб муаммоларни ҳал қилиш учун кенг қамровли стратегияларни ишлаб чиқишда инсон ҳуқуқлари институтлари муҳим рол ўйнамоқда<sup>76</sup>.

ИХТга аъзо мамлакатлардаги инсон ҳуқуқлари институтларининг ҳозирги кундаги ролини англаш учун, авваламбор, уларнинг тарихий ривожланишини тушуниш жуда муҳимдир. Йиллар давомида ушбу институтлар ўзгарувчан глобал истиқболларни акс эттирган ҳолда, миллий амалиётни инсон ҳуқуқлари бўйича умумэтироф этилган стандартларга мослаштириш мақсадида ривожланди<sup>77</sup>.

ИХТга аъзо мамлакатлар ИХБМИнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, уларнинг маданий жиҳатларини инобатга олган ҳолда, инсон ҳуқуқларига ягона ёндашувни илгари суришидир. ИХТга аъзо мамлакатлар ИХБМИ халқаро тадбирларда фаол иштирок этиб, турли маданий ва ҳуқуқий анъаналарни ҳурмат қиладиган изчил халқаро инсон ҳуқуқлари тизимини ривожлантиришга улкан ҳиссасини қўшиб келмоқда<sup>78</sup>.

ИХТга аъзо давлатларнинг аксарияти (деярли 60 фоизи) ўз мамлакатларида ИХБМИ ташкил этган. Ушбу ИХБМИ БМТ ва ИХТнинг институтлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро тизимининг бир бўлаги ҳисобланади. Уларнинг мақсади халқаро ва минтақавий нормалар ва стандартларнинг миллий даражада қўлланилиши, мониторинги ва ҳимоя қилинишини таъминлашдир. ИХТга аъзо давлатлар бўйлаб кўп сонли ИХБМИнинг ташкил этилиши, худди ИХТ даражасидаги институтлар сингари, уларнинг инсон ҳуқуқлари

<sup>75</sup> <http://www.oic-oci.org/is11/english/Charter-en.pdf>.

<sup>76</sup> Addressing Global Human Rights Challenges: Insights from OIC Countries, Human Rights Quarterly, Volume 38, Issue 4, 2016.

<sup>77</sup> Historical Development of OIC Human Rights Institutions, OIC Journal of Human Rights Studies, Volume 10, Issue 2, 2005.

<sup>78</sup> Cultural Sensitivity in OIC Human Rights Initiatives, Journal of International Human Rights, Volume 15, Issue 3, 2020.

бўйича халқаро тизимга интеграциялашуви борасидаги саъй-ҳаракатларида жиддий ривожланишдан далолат беради.

ИХТга аъзо мамлакатлар ИХБМИ инсон ҳуқуқлари бўйича глобал кун тартибига салмоқли ҳисса қўшса-да, улар ҳозирга қадар кўплаб муаммоларга дуч келмоқда. Уларнинг айримлари маданий нисбийлик ва умуминсоний тамойиллар ўртасидаги мувозанатни топиш, аъзо мамлакатлар ўртасидаги ички тафовутларни бартараф этиш ва геосиёсий мураккабликларни ҳал қилишдир. Шу билан бирга, ушбу қийинчиликлар ўрганиш, мослашиш ҳамда кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик учун имкониятлар яратмоқда<sup>79</sup>.

Гарчи функция ва имкониятлар нуқтаи назаридан ушбу муассасалар муайян чекловларга дуч келса-да, ИХТ доирасида инсон ҳуқуқлари интеграциясини, ҳимоясини ва рағбатлантирилишини кучайтириш учун келгуси йилларда уларнинг мустаҳкамланиши ва шаффофланишига ижобий нуқтаи назардан қарашга асослар етарлидир.

ИХТга аъзо мамлакатлар ИХБМИнинг келажақдаги ролини тасаввур қилиш институционал салоҳиятни мустаҳкамлаш ва маданиятлараро мулоқотни ривожлантиришни назарда тутди<sup>80</sup>.

### **Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари**

Ўзбекистонда ИХБМИ фаолият кўрсатган даврда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро принцип ва нормаларни ҳаётга татбиқ этиш, болалар фаровонлиги, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, одам савдосига қарши курашишга қаратилган миллий дастурларни амалга ошириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

ИХБМИ мунтазам равишда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари бўйича халқаро ҳамкорликда иштирок этиб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси томонидан бажарилаётган асосий халқаро ҳужжатлар ҳамда Универсал даврий ҳисоботи доирасида 40 дан зиёд миллий маъруза тайёрланиб, БМТнинг шартнома органларига тақдим этилган.

Ўзбекистон ИХТга аъзо мамлакатлар ичида биринчилардан бўлиб ИХБМИ тизимини яратди. ИХБМИнинг Ўзбекистон тажрибаси халқаро ва илмий ҳамжамият томонидан ижобий баҳоланиб, бошқа мамлакатларда ҳам қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ИХБМИ таркибига **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили**

<sup>79</sup> Challenges and Opportunities in OIC Human Rights Institutions, OIC Human Rights Forum, 2022.

<sup>80</sup> Future Prospects and Recommendations for OIC Human Rights Institutions, OIC Journal of International Relations, Volume 23, Issue 1, 2023.

(омбудсман), **Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (бизнес-омбудсман) ҳамда Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (болалар омбудсмани) институтлари** киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)**<sup>81</sup> институти 1995 йилда ташкил этилган бўлиб, ушбу институт МДХ ҳудудида биринчилардан бўлиб таъсис этилган. Вакил ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларга тобе бўлмаган тарзда амалга ошириб, у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисобдордир.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (бизнес-омбудсмен)**<sup>82</sup> институти 2017 йилда ташкил этилган бўлиб, у тадбиркорларнинг давлат томонидан белгиланган ҳуқуқлари ҳимояси учун хизмат қилади. Президент ҳузуридаги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг вазифалари ва ҳуқуқлари тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш, тадбиркорлар фаолияти текширувида уларни қонуний ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларнинг манфаатларини кўзлаб, судларга даъво аризалари бериш, уларнинг фаолиятини мониторинг қилиб боришдан иборатдир.

**Олий Мажлисининг бола ҳуқуқлари бўйича вакили (болалар омбудсмани)**<sup>83</sup> институти 2021 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили

---

<sup>81</sup>Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги “Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги 392-И-сон қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августдаги “Олий мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида 669-II-сонли қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6312-сон Фармони // URL: <https://ombudsman.uz/uz/category/qonunchilik-bazasi>.

<sup>82</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида”ги ПФ-5037-сон фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида”ги ЎРҚ-440-сон қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 мартдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5690-сон фармони // URL: [https://biznesombudsman.uz/uz/menu/legal\\_basis/](https://biznesombudsman.uz/uz/menu/legal_basis/).

<sup>83</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-4296-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6275-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон

(омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими тугатилиб, алоҳида институт сифатида таъсис этилган. Болалар омбудсмани ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари, уларнинг мансабдор шахсларига тобе бўлмаган тарзда амалга оширади, ўз фаолиятида Олий Мажлис палаталарига ҳисобдордир.

Ўзбекистон ИХБМИ орасида **Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази**<sup>84</sup> алоҳида ўринга эга бўлиб, 1996 йилда ташкил топган Марказ инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини, миллий маърузалар тайёрланишини, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтиришни таъминловчи давлат органи ҳисобланади.

Марказ дунёдаги кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар ва инсон ҳуқуқлари институтлари ҳамда ИХТга аъзо мамлакатлар ИХБМИ билан бир қаторда ИХТ ИХБМДК билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, Марказ вакиллари ИХТ ИХБМДК Котибияти томонидан ўтказилаётган Ҳукуматлараро экспертлар гуруҳининг кенгашлари, сессиялари, семинарлари ва бошқа йиғилишларида мунтазам равишда иштирок этиб келишмоқда. 2019 йил 6-7 ноябрь кунлари Жидда шаҳрида (Саудия Арабистони) бўлиб ўтган Ҳукуматлараро экспертлар гуруҳининг учинчи йиғилишида ИХТнинг **Инсон ҳуқуқлари бўйича декларацияси** лойиҳасининг муҳокама қилиш чоғида Марказ вакиллари ҳам фаол иштирок этишган.

**2019 йил 7-8 октябрь** кунлари Тошкентда **“Тинчликсевар, демократик жамиятлар барпо этиш ва барқарор ривожланиш йўлида ёшлар ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишнинг аҳамияти”** мавзусидаги ИХТ ИХБМДК олтинчи Йиллик семинари юқори даражада ташкил этилди.<sup>85</sup>

2022 йил 24 май куни Жидда шаҳрида бўлиб ўтган **“Ислоҳ ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий**

---

Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 28 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (болалар омбудсмани) фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 1445-IV-сон ҳамда КҚ-275-IV-сон қўшма қарори.

<sup>84</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 декабрдаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-4056-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 мартдаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятининг моддий-техника таъминотини янада яхшилаш тўғрисида”ги ПҚ-180-сон қарори // URL: <http://www.insonhuquqlari.uz/uz/menu/pravovajanosnova>.

<sup>85</sup> “Тинчликсевар, демократик жамиятлар барпо этиш ва барқарор ривожланиш йўлида ёшлар ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишнинг аҳамияти” маърузалар тўплами. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2019. – Б. 93.



институтларнинг роли” мавзусига бағишланган халқаро семинар доирасида ИХТ ҳузуридаги ИХБМДК ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланган. Демак, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг ИХТ ИХБМДК билан ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланмоқда ва янги босқичга кўтарилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг ИХТга аъзо мамлакатлар ИХБМИ билан йўлга қўйилган кўп қиррали ҳамкорлик алоқаларининг тобора мустақамланиши инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги давлатлараро муносабатларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

*Жадвал-1*



**Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар Глобал альянсида  
ИХТга аъзо мамлакатлар ИХБМИнинг аккредитация ҳолати  
жадвали<sup>86</sup>**

(2023 йил апрель ойи ҳолатига)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)	Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институт	Аккредитация
Афғонистон	Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил комиссия	2022 йил июль ойида Комиссия туғатилиши муносабати билан аккредитация вақтинча тўхтатилган
Баҳрайн	Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институт	В
Бангладеш	Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссия	В
Индонезия	Индонезия: Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссия	А
Ирок	Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссия	А

<sup>86</sup> <https://ganhri.org/membership/>

(2023 йил апрель ойи ҳолатига кўра, ИХБМИГА 120 нафар аъзодан иборат: 88 та “А” мақомида ва 32 та “Б” мақомида аккредитацияланган ИХБМИдан иборат).

Иордания	Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ	А
Малайзия	Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия	А
Мальдив Республикаси	Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия	В
Уммон Султонлиги	Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссия	В
Қатар	Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий кўмита	А
Фаластин давлати	Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил комиссия	А
Қозоғистон	Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия	В
Қирғизистон	Омбудсман	В
Тожикистон	Инсон ҳуқуқлари бўйича омбудсман	В
Алжир	Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий кенгаш	В
Бенин	Бенин Инсон ҳуқуқлари комиссияси	А
Камерун	Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бўйича миллий комиссияси	А
Чад	Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссия	В
Кот-д'Ивуар	Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссия	В
Миср	Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий кенгаш	А
Гамбия	Гамбия Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссияси	А

Ливия	Фуқаролик эркинликлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий кенгаш	В
Мали	Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссия	А
Мавритания	Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссия	А
Марокаш	Инсон ҳуқуқлари миллий кенгаши	А
Нигер Республикаси	Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссия	А (2023 йил октябрь ойидан- зудлик билан тўхтатиб туриш тавсияси берилган)
Нигерия	Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссия	А
Сенегал	Сенегал Инсон ҳуқуқлари кўмитаси	В
Сьерра-Леоне	Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия	А
Того	Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссия	А
Тунис	Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари бўйича олий кўмита	В
Уганда	Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия	А
Албания	Халқ ҳимоячиси	А
Озарбайжон	Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман)	В
Туркия	Туркия Инсон ҳуқуқлари ва тенглик институти	В

## РЕЗЮМЕ

Ушбу илмий мақолада Ислом ҳамкорлик ташкилотига (ИХТ) аъзо мамлакатлар инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларининг ҳуқуқий мақоми ҳамда жаҳон миқёсида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тарғиб этишда тутган ўрни ҳамда роли таҳлил қилинган.

\*\*\*

В данной научной статье анализируется правовой статус национальных институтов по правам человека государств-членов Организации Исламского Сотрудничества (ОИС), а также их место и роль в защите и продвижении прав человека на глобальном уровне.

\*\*\*

This scientific article analyzes the legal status of national human rights institutions of member states of the Organization of Islamic Cooperation (OIC), as well as their place and role in the protection and promotion of human rights at the global scale.



**Shirin AKHMEDOVA,**  
*Student of Uzbekistan State World Languages University*

## **THE ROLE OF TECHNOLOGIES IN TEACHING AND LEARNING FOREIGN LANGUAGES**

**Introduction:** In recent years, learning foreign languages has become tremendously popular among all ages. The main reasons of growing interest in language learning are having a chance to communicate with different people all over the world and gaining information about their culture; getting a prosperous job; and travelling around the world without any language barriers.

Moreover, there is no doubt that all of us have an opportunity to use modern gadgets and the internet for many various things like for online-shopping, surfing on the social media, listening to music, watching films or getting in touch with friends or relatives who are far from us. Digital literacy means the ability to use modern technologies and resources in an effective way, that is playing a vital role in a language instruction.

Additionally, with the introduction of advanced technologies, teachers now are able to make their lessons more effective and interesting, while students, sitting at home, have an access to a huge number of information and online lectures by professional teachers. Whereas, embodying digital competence in learning languages provides various benefits, it also offers some challenges for MIA learners and teachers of foreign languages.

### **Advantages for FL teachers:**

- **The enlargement of teaching resources:** Thanks to technologies, foreign language teachers have a full access to a wide range of e-resources like language learning apps, different materials, multimedia, and online textbooks. In comparison with past decades, using innovative methods with advanced technologies, nowadays, teachers improve the quality of instructional content that they provide for students.

- **It saves time spent on paperwork:** Unfortunately, teachers are responsible for not only educating students, but also spending a great amount of time on filling out different documents such as lesson plans, attendance and administrative tasks. Online platforms, learning management systems and digital portfolios can give an opportunity for teachers to contribute more time and

attention for teaching process that increases overall efficiency in teaching foreign languages.

- **It is useful for improvement of students' engagement and motivation:** Incorporating digital tools and resources into language teaching can considerably enhance learners' participation and interest. Multimedia, interactive games, online quizzes, advanced whiteboards and virtual reality simulations can allure students' attention and make language learning more effective and interesting. The best example of digital quizzes that can be used effectively in language learning process is Kahoot ( [www.kahoot.com](http://www.kahoot.com) ). 'It is a game-based classroom response system played by the whole group in real time as it is the perfect tool to engage students with a new topic' says Lolayeva G.G (2022) [1].

**Advantages for FL learners:** According to Becton Loveless (2024), 'When combining digital and traditional literacies, not only do students learn how to read and write, but they also learn how to expand their communication, language and media skills.' [2].

There is no doubt that integrating digital literacy into language learning process, learners can enhance language skills development, cultural competence and global communication skills in a correct way. The main benefits of implementing digital literacy into language learning are listed below:

- **Accessibility:** Advanced technologies provide learners with access to a vast array of resources and digital tools. For example, every learner has an opportunity to watch movies online, which plays an important role in language learning. The main reason why watching films or talk-shows is becoming popular among FL learners is that it is really helpful to enhance learner's listening and speaking skills. Besides, students can listen to native speakers and shadow their speech in order to expand vocabulary and fix their accent. In addition, thanks to language learning apps and online platforms, students have a chance to practice more with other learners globally.

- **Flexibility and convenience:** Electronical devices such as laptops, mobile phones and headphones allow learners to study anywhere and anytime, which is really comfortable. They can be used for getting knowledge and broadening horizon by learners who follow hectic lifestyle. Moreover, students have an access to online classrooms and lectures held by highly qualified teachers from all over the world.

- **Increased interaction and support:** Modern technologies ameliorate collaboration among foreign language learners and teachers globally

with the help of online meetings, forums, and social networking platforms. In addition, participating in e-projects, exchanging feedback and knowledge, and joining group activities can improve communication skills, interest in cultural diversity, and support between students and tutors from different countries.

**Challenges of implementing digital literacy skills in learning and teaching foreign languages:** Although, ICT plays an important role in education, especially in learning and teaching foreign languages, there are paramount issues caused by implementation of ICT in education. These challenges and issues are discussed below:

- **Unstable access and lack of tools in the classroom:** One of the most major issues of incorporating ICT into the classroom is the limitation of access and digital tools. Due to geographical location or financial resources, not all learners have a stable and equal access to digital resources which results in not being able to participate in online sessions or completing tasks on e-platforms on time. Furthermore, there is scarcity of advanced technologies in the classrooms, which means that not all teachers and students have laptops, projectors, and printers, as the cost of innovative tools is high. According to Toprakci's study (2006), "The low numbers of computers, oldness or slowness of ICT systems, and scarcity of educational software in the school were barriers to the successful ICT implementation in Turkish schools"[3]. It happens not only in Turkish schools, but also in most Asian and European countries, where the schools and institutions have no opportunity to utilize state-of-the-art technologies in the classroom.

- **Learners are becoming addicted to gadgets:** The modernization of digital technologies has revolutionized the way students learn, communicate and live. Whereas, advanced gadgets offer numerous benefits in language learning, there is a rising concern about students' high reliance on technologies. The consequences of technology addiction among students have detrimental effects on their academic performance and well-being. Nowadays, students prefer 'copying and pasting' ready answers to complete a task rather than seeking out information in the books or encyclopedias. But, in fact, reading a book in a different language helps students learn new vocabulary, improve writing skills and memory. Moreover, excessive screen time contributes to health problems like anxiety, depression, and sleep disturbance which leads to less productivity and concentration on studies. Additionally, overreliance on translation tools and language learning apps prevents students to improve their language learning skills and critical thinking.

- **Digital disturbance:** This issue is also becoming a distraction that hinders students' progress and engagement in the learning process. While studying or practicing a new language students may waste a major amount of time on browsing the internet, checking social media or engaging in other video games. A great number of distractions like messages from social media and notifications limits learners' attention and focus during the lesson or language learning process. Hence, it may cause passive participation of learners during the lessons.

### **Conclusion:**

To conclude, in our rapidly changing world, it is impossible to imagine not only life but also education without latest technologies. Definitely, the implementation of digital literacy skills provides a myriad of benefits, involving increased participation and interest; enlarged access to resources and data; and enhanced collaboration. However, it may also cause some challenges related to poor access, rising rate of digital addiction and distraction which should be addressed in order to integrate technologies successfully and effectively into foreign language learning and teaching processes.

### **References:**

1. Lolayeva G.G (2022), "The role of modern technologies in teaching foreign languages", <https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-20-233-238>
2. Becton Loveless (2024), "The importance of Digital Literacy in K-12", <https://www.educationcorner.com/importance-digital-literacy-k-12/>
3. Toprakci,E.(2006). Obstacles at integration of schools into informatiand communication technologies by taking into consideration the opinions of the teachers and principals of primary and secondary schools in Turkey. Journal of Instructional Science and Technology (e-JIST), 9(1), 1-16.

### **PE3IOME**

Bugun shiddat bilan rivojlanayotgan dunyoda zamonaviy texnologiyalar muhim o'ringa ega. Ushbu maqolada ichki ishlar organlari xodimlariga chet tillarini mustaqil o'rganish va o'rgatishga zamonaviy texnologiyalarni joriy etishning asosiy muammolari va afzalliklari yoritilgan.

\*\*\*

In today's fast-paced world, state-of-the-art technologies play a crucial role in education, and this article highlights the main problems and benefits of implementing latest technologies into teaching and independent foreign language learning to the Ministry of Internal Affairs officers.



*Тарих*

- *Шоҳ ва саркарда Бобур Мирзо таваллудининг 540 йиллигига*

**Дилнавоз ЮСУПОВА,**  
*ЎзМУ доценти, филология фанлари номзоди*

**БОБУР МИРЗОНИНГ ОТАЛИК МЕҲРИ ВА МУҲАББАТИ**

Бобур подшоҳ ва саркарда эди. Демак, у ўз ўғлига ҳукмдорлик ўғитларини, салтанат бошқариш йўл-йўриқларини бериши табиий. Давлат ишларини юритиш, қўшин тутиш масаласига алоҳида эътибор қаратган Бобур ўғли Ҳумоюннинг қатъиятли, кучли саркарда ва донишманд ҳукмдор бўлишини истайди:

*“Ҳеч қайда подшоҳлик қайдича йўқтур. Подшоҳлик била ёлғизлик рост келмас...*

*Яна улук иш устига борасен, иш кўрган, рай ва тадбирлик беклар била кенгашиб, уларнинг сўзи била амал қилгайсен...*

*Черик<sup>87</sup> ни яхши йиғиб юргайсен”.*

Заҳириддин Муҳаммад Бобур фарзандининг ҳар томонлама мукамал инсон бўлишини истайди: ҳам маънавий, ҳам руҳий жиҳатдан устунлигини орзу қилади.

**Бобур Мирзо Ҳумоюнга қанчалик ғамхўрлик қилса, у ҳам отасини худди шундай эъзозлар, соғинар ва қиблагоҳ дийдорига талпинар эди. Меҳру муҳаббатни, соғинч ва дийдор қувончини сотиб олиб, ҳеч кимни мажбуран севдириб бўлмайди. Чинакам покиза**

---

<sup>87</sup> Аскарлар.

**туйғулар қалбдан булоқ каби отилиб чиқади, қуёш каби нур сочади ва кўнгил муҳибига чексиз шодлик ҳадя қилади.**

“Бобурнома”нинг сўнгги саҳифаларида подшоҳлар тарихида камдан-кам кузатиладиган бир ҳодиса ҳикоя қилинади. Ота-она ўз фарзандини соғиниши, унга қайғуриши бор гап ва исбот талаб қилмайди. Аммо аксарият ҳолларда фарзандларнинг ўз ота-оналарига биров бефарқ қарашларига, уларнинг ғамхўрликларини, меҳру муҳаббатини одатий ва доимий деб тушунишларига гувоҳ бўламиз. Бироқ Ҳумоюн падари бузруквори ва волидаи муҳтарамасини соғингани, уларнинг дийдори сари юзлаб чақирим масофани бетиним босиб ўтгани аён ҳақиқат. Буни Бобурнинг ўзи чексиз севинч билан ҳикоя қилади:

*“Ва Муҳаммад Ҳумоюн бир или эдиким, Бадахшонда дийдорлардин айру тушуб эрди, сўнгра бизни соғиниб... бир кунда Кобулга келур ”.*

Бобур Мирзо томонидан Бадахшонга ҳоким килиб қўйилган Ҳумоюн ота-онасини қаттиқ соғиниб кетганлиги боисдан бир кунга Кобулга келади.

*“Ва Муҳаммад Ҳумоюн бизни иштиёқимизни айтиб Мирзо Ҳиндолни Кобулдан Бадахшонга йиборуб, бизни тарафга юра берур ”.*

Ҳумоюн укасига ота-онасини соғинганлигини ва улар билан дийдорлашмоқчи эканлигини айтади. Сўнг кенжа укаси Ҳиндолни Бадахшонга, яъни ўз ўрнига юбориб, Ограга – қиблагоҳи томонга йўл олади. Ҳумоюн тўхтовсиз йўл босиб, Ограга кириб келади, айна шу пайт Бобур Мирзо ва Моҳим бегим фарзандлари Ҳумоюнни эслаб, суҳбат қуриб ўтирган эдилар.

*“Кўнгуллар гул янглиг очилиб, кўзлар чироздек ёруди... Бир неча муддатгача бир ерда бўлуб, мусоҳибона бир-бир билан сулуҳ қилур эрдик. Ва алҳақ суҳбат бебадал эрди ва инсони комилким, дерлар, ўшал эрди”.*

Мазкур битиклардаги ҳаяжонни, оталик ифтихорини ҳис қилиш қийин эмас.

“Бобурнома”нинг сўнгги саҳифаларида биз ўша машҳур воқеа – Бобур Мирзонинг ўз ўғли учун жонини баҳшида қилганлиги ҳақида ўқиймиз. Унга кўра, ўлим тўшагида ётган Хумоюнга Бобур ўз жонини, ҳаётини бағишлайди ва Хумоюннинг аҳволи энгиллашади, отанинг соғлиги эса ўзгаради...

Бу оталик меҳри безавол эканлигини ва ҳар қандай молу давлатдан, ҳатто умр ва жондан ҳам кучли келишини исботлайди.

Бобур Мирзонинг ўз фарзандлари тарбияси учун қайғурганлигига бир исбот унинг “**Мубаййин**” асаридир. Шеърый йўлда ёзилган мазкур рисола Бобур Мирзонинг фарзандлари учун ҳаёт йўлида дастуриламал бўлиб хизмат қилиши керак эди:

**Билгасен, эй хужаста фарзанд,  
Жигарим бирла жонима пайванд.  
Масалаларки, ул зарур эрди,  
Билмасанг, дининга қусур эрди.  
Этти кўнглумғаким, йиғиштурсам,  
Назм тартибида сиғиштурсам.  
То ани забт қилғасен осон,  
Ул масойилни билгасен яксон.**

Биз, кўпинча, аждодларимизнинг асарлари ва таржимаи ҳолини қисман ўрганиш билан чекланамиз. Аслида, уларнинг шахсиятидаги жозиба, улар ҳақидаги ҳар қандай ахборот ёки илмий фактдан кўра қизиқарлироқ ва таъсирчанроқдир. Бобур Мирзонинг фарзандларига қилган ғамхўрлиги, шоҳ ва шоирлиги, саркардалигидан ташқари, бундай инсоний фазилати бизни унинг сиймосига, руҳиятига, ички дунёсига яна ҳам яқинлаштиради.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурни меҳрибон ва фидойи ота тимсолида тасаввур этиш орқали фарзанд тарбиясини енгил иш, оддий вазифа эмаслигини яна бир карра англаймиз. Чунки, у подшоҳ эди, фарзандларининг тарбияси билан шуғулланадиган энага, мохир устозлар бор эди. Аммо, у фарзандлари учун айнан ўзининг оталик меҳри зарурлигини ҳис қилган. Шунинг учун ҳам у эринмасдан фарзандлари билан шуғулланишга, уларга мактуб ёзишга, ҳатто махсус асар бағишлашга вақт топа олди...

Дарвоқе, оталар ва болалар бу гўзал ҳолатлардан ибрат олсалар арзийди. Зотан, ҳаётда меҳру муҳаббат боқий, фидойи бўла олиш саодати эса ҳаммасидан тотлироқ. Буни шоҳ ва саркарда, энг асосийси меҳрибон ота Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тақдири қайта-қайта тасдиқлаб турибди. У фарзандлари тарбиясини давлат ишларидан устун қўяди, оталик меҳрини ҳеч нарса боса олмаслигини исботлайди.

*(“Халқ ва армия – бир тану бир жон”  
журналининг 2023 йил 4-сонидан олинди).*



## М У Н Д А Р И Ж А

<b>Бош муҳаррир минбари .....</b>	<b>3</b>
<b>Ўзбекистон халқига байрам табриги .....</b>	<b>4</b>
<b>«Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида.....</b>	<b>5</b>

### ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

<b>Ш.ҚОБИЛОВ., Ҳ.АХМЕДОВ. Асосий қонунимиз ва янги</b>	
<b>Ўзбекистоннинг иқтисодий стратегияси.....</b>	<b>7</b>
<b>2024 йилда қўшимча дам олиш кунлари белгиланди.....</b>	<b>18</b>
<b>М.ТУРАЕВ. O‘zbekistonda inson huquqlarini ta’minlashda xalqaro</b>	
<b>standartlar.....</b>	<b>19</b>

### ИЛМЙЙ МАҚОЛАЛАР

<b>Ҳ.АЗИЗОВ. Конституцияда коррупцияга қарши курашиш янги</b>	
<b>босқичининг ифодаланиши.....</b>	<b>26</b>
<b>А.АЛИЖОНОВ. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида</b>	
<b>тарбиялашнинг ретроспектив таҳлили.....</b>	<b>35</b>
<b>Л.З.КОМИЛОВ. Саф тайёргарлиги методикаси хусусида.....</b>	<b>45</b>
<b>У.Э.РАСУЛЕВ., М.И.СУВОНҚУЛОВ. Одам савдосига қарши</b>	
<b>курашишда тезкор-кидирув хизмати ва фуқароларнинг ўзини-ўзи</b>	
<b>бошқариш органлари билан ҳамкорлиги.....</b>	<b>55</b>
<b>Ш.ТАДЖИМЕТОВ. Вазирлик таълим муассасаларида маънавий-</b>	
<b>маърифий ишларни ташкил этишнинг шакллари ва усуллари.....</b>	<b>66</b>
<b>О.АХМАДОВ. Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларда инсон</b>	
<b>ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг ҳуқуқий мақоми.....</b>	<b>76</b>
<b>Ш.АХМЕДОВА. The role of technologies in teaching and learning foreign</b>	
<b>languages.....</b>	<b>93</b>

### ТАРИХ

<b>Д.ЮСУПОВА. Бобур Мирзонинг оталик меҳри ва муҳаббати.....</b>	<b>97</b>
--	-----------

Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
Малака ошириш институти

АХБОРОТНОМАСИ

Илмий-амалий, маънавий-маърифий  
ва сиёсий-ҳуқуқий журнал

№ 4/2023

---

Босишга рухсат этилди 29.12. 2023. Буюртма №  
Қоғоз бичими 60x84<sup>1/32</sup>. Шартли б. т.-9,5. Адади 100 нусхада.  
100170, Тошкент ш. Х.Бойқаро кўчаси.